



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РАИСЛИГИДА МАМЛАКАТНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИК НАТИЖАЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

➔ 2-3.



**2019 йилнинг 15-30 август кунлари
мамлакатимизнинг барча ҳудудларида
ободонлаштириш ва тозалик ойлиги
ҳамда 17-18 август кунлари умумхалқ
хайрия ҳашари деб эълон қилинди**

➔ 2.

БУГУНГИ СОНДА:

Ёқилғи нархлари
нега ошмоқда?
Аҳоли эҳтиёжи
қопланадими?

4-5.

Меҳнат миграцияси
жамиятимизга
қандай таъсир
кўрсатмоқда?

7.

11. Маҳаллаларда
автомобиль сақлаш
жойи бўладими?

«Ахсикент»да
ўтган сайлов суд
қарори билан бекор
қилинди. Нега?

13.

15. Ўзбеклар қачон
50 миллионга етади?

Имтиёз учун
қурилган оилалар:
биз қай томонга
кетяпмиз?

17.

Сайфиддин МЕЛИЕВ:
«Тарихни бузиб
кўрсатиш — миллат
устидан кулиш»

25.

Мамлакатни ислоҳ қилиш биринчи ярим йиллик устувор вазифалар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 14 август куни мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2019 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишларни муҳокама қилиш ҳамда 9 ой ва йил якуни бўйича белгиланган прогноз параметрларига эришишни таъминлайдиган устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари раҳбарлари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирлишлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва тижорат банклари раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда макроиктисодий барқарорлиқни таъминлаш, ёқилғи-энергетика, қайта ишлаш sanoati ва агросаноат тармоқларини модернизация қилиш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий соҳаларни яхшилаш, аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар натижалари чуқур таҳлил қилинди.

Бундан бунён Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари, вазирлар, қўмиталар ва хўжалик бирлашмалари раислари ўзларининг иш услубини тубдан ўзгартириб, кўпроқ ҳудудларга, олис қишлоқ-

ларга бориб, пастдаги муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда ҳокимликлар, тadbirkorлар ва жойлардаги раҳбарларга амалий ёрдам бериши зарурлиги таъкидланди.

Бунда ҳар бир комплекс раҳбари ўзининг вазирлари билан бирга ҳар чоракда вилоятларга бориб, тегишли соҳаларда мавжуд муаммоларни ҳал этиши ва натижалари бўйича вилоят ҳалқ депутатлари кенгаши ва фаоллари олдида ҳисобот бериши керак.

Худди шундай, вилоятлар ҳокимлари ҳам ўз ўринбосарлари ва вилоят бошқармалари раҳбарлари билан бирга ҳар чоракда туманларга бориб, муаммоларни ҳал қилиб, туман ҳалқ депутатлари кенгаши ва фаоллар олдида ҳисобот беради.

Олий Мажлис палаталари ва Вазирлар Маҳкамасига раҳбар ва ҳокимларнинг пастга тушиб ишлаши ва ҳисобот бериши бўйича янги тизимни амалда жорий қилиш масъулияти юкланди.

Йиғилишда макроиктисодиёт, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими ва ҳусусий тadbirkorлик масалалари муҳокама қилинди. Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакат ялпи ички маҳсулоти 5,8 фоиз, sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,9 фоиз ўсгани қайд этилди. Маҳаллий бюджетлар ихтиёрида 2,6 триллион сўмдан зиёд ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробар кўп маблағ қолдирилди. Бюджет даромадлари қарийб 51 триллион сўм ёки прогнозга нисбатан 109 фоизни ташкил этди.

Йиғилишда давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари мутаносиб бўлишини таъминлаш, маҳаллий бюджетларга қўшимча тушумлар резервларини топиш ва сафарбар қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Банк тизимини тубдан ислоҳ қилиш, замонавий банк хизматларини жорий этиш ва уларнинг сифатини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари нархлар кескин ошиб кетишининг олдини олиш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Дастлабки 6 ойда инфляция 5,6 фоизни ташкил қилиб, прогноз кўрсаткичларидан ошмаган. Лекин тарифлар ва нархлар босқичма-босқич бозор механизмлари ўтаётган боис мутасаддиларга инфляция ўсишининг олдини олиш бўйича зарур чоралар кўриш топширилди.

Маълумки, август ойи бошида

ўтказилган йиғилишда кичик бизнес ва ҳусусий тadbirkorликни ривожлантириш масаласи апрофича муҳокама қилиниб, бу борада янги тизим жорий этиш белгиланган эди. Иқтисодиёт ва sanoat вазирлиги ҳузурида Кичик бизнес ва тadbirkorликни ривожлантириш агентлиги ташкил этилиб, унга Тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, тижорат банклари ва сугурта компаниялари бириктирилди.

Йиғилишда ушбу янги тизимни жойларда жорий этиш орқали аҳолини тadbirkorликка кенг жалб қилиш, уларнинг бандлиги ва даромадини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Sanoatning iqtisodiyotdagi ўрнини ошириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

— Охириги бир йилда ялпи ички маҳсулот таркибида sanoat улуши 26 фоиздан 30 фоизга етган бўлса-да, бу биз бошлаган ислохлар қўламини нисбатан ҳали етарли эмас, — деди Шавкат Мирзиёев.

Жорий йил охирига қадар Нарвоний кон-металлургия комбинатида 25 та, «Ўзэлектехно»да 18 та, «Ўзавтосано»да 7 та, Олмалик кон-металлургия комбинатида 5 та инвестиция лойиҳаси бўйича янги қувватлар ишга туширилишини жалдлаштиришга доир тавсиялар берилди.

Қарийб 100 турдаги қундалик истеъмол товарларини sanoat ю-операцисига орқали ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, қорхоналар

билан манзилли ишлаб, уларнинг қувватини оширишга қўмаклашиш зарурлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили деб эълон қилинган жорий йилда сармоялар, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш ва ўзлаштириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Биринчи ярим йилликда қарийб 86 триллион сўм, яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 баробар кўп инвестициялар ўзлаштирилган бўлса яққол мисолдир. Шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши 2,7 баробар, халқаро молия институтлари маблағлари жалб этилиши 3,7 баробар ўсган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз тарихида биринчи марта инвестициянинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 38 фоиздан ошди. Олдинги йилларда бу кўрсаткич 25 фоизга ҳам етмасди.

12 август куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида инвестициялар ва экспорт ҳажминини қўлайлаштириш юзасидан белгилаб берилган вазифаларни ўз муддати ва сифатли бажарилишини таъминлаш зарурлиги яна бир бор қайд этилди.

Ёқилғи-энергетика соҳаси ва sanoatning bazaviy тармоқларини ривожлантириш бўйича тизимли ислохлар амалга оширилмоқда. Ушбу тармоқда ягона давлат

ҚАДРИЯТ

Ҳашар — бирдамлик ва ҳамхўлатлик рамзи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2019 ЙИЛ 10 АВГУСТДАГИ ФАРМОЙИШИГА БИНОАН, 2019 ЙИЛНИНГ 15-30 АВГУСТ КУНЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ХУДУДЛАРИДА ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА ТОЗАЛИК ОЙЛИГИ ҲАМДА 17-18 АВГУСТ КУНЛАРИ УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Энг улут, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллигини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўрилатган айни кунларда юртимиз бўйлаб ташкил этилаётган ушбу анъанавий умумхалқ хайрия ҳашари ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжihatлиқни мустаҳкамлаш, хайр-саховат, мухтожларга ёрдам қилиш бўйича, йўқсиллар ҳолидан хабар олиш, кексаларни эъозлаш, юртни обод қилиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналаримиз, миллий қадриятларимизни ўзида ифода этади. Қолаверса, ушбу тadbirkor ёш авлодини она Ватанини севишга, унутилмас қадриятларимизга муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилиш билан янада аҳамиятлидир.

Анъанага мувофиқ, бу йил ҳам ҳашардан маҳаллалар, шаҳарлар қишлоқлар, овулларни ободонлаштириш, республикаимизнинг санитария ҳолатини янада яхшилаш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида Фукараларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви томонидан ушбу тadbirkor кўтаринки руҳида ва уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Жумладан, хайрия ҳашарини ўтказиш билан боғлиқ ишларни

ташкил этиш бўйича Республика ишчи гуруҳи ташкил этиш, унинг таркибини тасдиқлаш, ободонлаштириш ва тозалик ойлиги ва хайрия ҳашари доирасида бажарилиш лозим бўлган ишлар ҳажми ва манзиллини аниқлаб, аниқ режа тузиш ва Республика бошқаруви тақдим этиш белгиланди. Шунингдек, фукаралар йиғинлари билан биргаликда тартибот ишларини олиб бориш орқали аҳолини ҳашарга кенг жалб этиш, маҳаллалар, аҳоли пунктлари, кўп қаватли уйлар ва бинолар, таълим муассасалари, ҳовлилар атрофи, гузарлар, хибоблар, зияратгоҳлар ва қабристонлар, ариқлар, кўча ва йўлакларни ҳамда болалар майдончаларини тартибга келтириш, дарaxтларни оқлаш ва шакл

бериш кўзда тутилган. Қолаверса, аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатламини қўллаб-қувватлаш, айниқса, байрам арафасида кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган оилалар, пенсионерлар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, уларнинг уй-жой шароитини яхшилашга қўмаклашиш мақсад қилинган. Бундан ташқари, ҳашарини ўтказиш орқали асосий эътиборни «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» Давлат дастури тadbirkorларини, шунингдек, давлатимиз мустақиллигининг 28 йиллик байрамини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўришга қаратилган чора-тадбирлар режаси-

ни тулиқ бажаришга қаратиш ҳамда ушбу умумхалқ тadbirkorини оммавий аҳборот воситалари орқали кенг ёритиш режалаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, ҳашар инсонларга меҳр-оқибат, одамлиқдан сабоқ берувчи бебаҳо тарбиявий аҳамиятга эга тadbirkor саналади. Қолаверса, у ўзаро меҳр-оқибат ришталарини боғлаш, инсонпарварлик, олжаноблик, саховатпешалик каби эзгу туйғуларни ёшлар онгига синдириши билан янада аҳамиятлидир.

Дилшод УСМОНОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ижрочи директори.

ва ривожлантириш бўйича натижалари ва истиқболдаги муҳокама қилинди

сиёсатини олиб боруви Энергетика вазирлиги ташкил қилинди.

Йиғилишда бу соҳани изчил ривожлантириш, тобора ўсиб бораётган ички эҳтиёжни қондириш учун хомашё базасини мунтазам кенгайтириб бориш кераклиги қайд этилди.

Электр энергияси ишлаб чиқариш ва етказиб беришда йўқотишларни камайтириш, энергия ресурслари учун ҳисоб-китоблар тизимини тартибга солиш, дебитор қарздорлиқни қисқартириш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Кимё sanoatida янги маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган 4 та корхонани йил якунигача фойдаланишга топшириш, 31 та инвестиция лойиҳаси бўйича ишларни тездаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, электротехника sanoatini янада ривожлантириш, бўлғич қисмларни маҳаллийлаштириб, маҳсулотлар таннархини пасайтириш, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажминини ошириш бўйича қўшимча вазифалар белгилаб берилди.

Шундан сўнг **хўдўшларни комплекс ривожлантириш ва коммуникациялар инфратузилмасини яхшилаш** масалалари кўриб чиқилди.

Ҳисобот даврида уй-joyлар, йўл-логистика ва ижтимоий инфратузилма объектилари қуриш бўйича кўлаб ишлар амалга оширилди. Хусусан, «Обод қишлоқ» дастури доирасида 159 тумандаги 478 та

қишлоқ янгича қиёфа касб этди, уларга ичимлик суви, газ ва электр тармоқлари тортилди. Шунингдек, 3,6 минг километр автомобиль йўлларида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

Бу борадаги ишларни давом эттириб, аҳолининг уй-joyига бўлган эҳтиёжини қондириш, ижтимоий шароитларни яхшилаш масалаларига яна бир бор эътибор қаратилди.

Йил якунига қадар 10 мингта уй-joy ва 111 та кўп қаватли уй-joyлари қуриб битказилди, 1 минг 200 километр ичимлик ва оқова сув тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш, уларнинг сифати ва нархларини алоҳида назоратга олиш зарурлиги таъкидланди.

Транспортда йўловчи ва юк ташиниш сифатини ошириш масаласи муҳокама қилинар экан, мутаассадиларга 10 минг километрлик республика ва маҳаллий аҳамиятга эга йўлларни қуриш ва таъмирлаш, халқаро юк ташинишларга ихтисослашган транспорт-логистика қўшма корхоналарини тузиш, Бухоро, Қарши, Нукус ва Термиз халқаро аэропортларини «очиқ осмон» режимига ўтказиш, «Навоний қуруқлик порти»ни ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, шаҳарсозлик нормалари ва лойиҳалаштириш жараёнларини таксимлаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан ҳам вазифалар белгиланди.

Йиғилишда **аграр соҳа ва озиқ-**

овкат sanoatini ривожлантириш борасидаги натижалар ҳам таҳлил қилинди.

Кейинги уч йилда бу соҳаларни барқарор ривожлантириш, маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича кўлаб қарорлар ва дастурлар қабул қилинди. Фермерлар манфаатдорлиги ва даромадларини оширишга қаратилган иқтисодий механизмлар жорий этилди.

Бугунги кунда истеъмол маҳсулотларининг 70 фоизи иқтисодиётнинг ушбу тармоғида яратилмоқда. 180 дан зиёд турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 80 та мамлакатга экспорт қилиниб, экспортдан тушадиган жами даромаднинг 20-25 фоизини таъминламоқда. Иқтисодий фаол аҳолининг 27 фоизи ушбу соҳада банд.

Ҳозиргача 94 туманда 76 та пахта-тўқимачилик кластери ташкил этилган. Бу йилги ғалла ҳосили 7 миллион тоннадан ортиди. 15 минг гектар интенсив боғ ва 11 минг гектар тоқор барпо этилди.

Йиғилишда бу борадаги ишларни изчил давом эттириш, қуёш энергияси, калоклаш ва экспорт қилиш бўйича инфратузилмани ривожлантириш масаласи кўрилар экан, жорий йил охиригача қуввати 150 минг тонна бўлган 12 та логис-

тика маркази ва сифими 143 минг тонна бўлган 224 та музлаткичли омборхонани ишга тушириш зарурлиги қайд этилди.

Ғаллачилик кластерлари, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик комплекслари ташкил этиш, сувни тежовчи технологияларни кенг жорий қилиш бўйича ҳам аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Ижтимоий соҳаларни ривожлантириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Мамлакатимизда таълим, соғлиқни сақлаш, туризм, спорт ва илм-фан соҳалари, хотин-қизлар ва ёшлар масалаларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Жумладан, халқ таълими, соғлиқни сақлаш соҳаларини узоқ муддатли ривожлантириш бўйича концепциялар қабул қилинди. Ижтимоий соҳа ходимларининг иш ҳақи ўртача 1,5-2 баробар оширилди.

Ўтган даврда 14 та янги олий таълим муассасаси, жумладан, 6 та маҳаллий ва 8 та хорижий олий таълим муассасаси филиали фаолияти йўлга қўйилиб, 40 та янги таълим йўналиши ҳамда 41 та янги мутахассислик ташкил этилди. Қабул квоталари ўтган йилга нисбатан 20 фоизга кўпайтирилди.

Туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича қўрилган чоралар натижасида 6 ойда юртимизга 3 миллион нафардан ортиқ хорижий турист ташриф буюрди. Бу ўтган йилга нисбатан 30 фоиз кўпиди. Шунингдек, ўтган йил-

нинг шу даврига нисбатан 28 фоиз кўп туризм хизматлари экспорт қилинди.

Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида 100 миллиард сўм ажратилди. Жорий йилнинг 6 ойи давомида ушбу маблағларнинг 41 фоизи ўзлаштирилиб, хотин-қизлар томонидан 1 минг 755 та лойиҳа амалга оширилди ва 2 минг 240 та иш ўрни яратилди.

Йиғилишда ижтимоий соҳаларни янада ривожлантириш, хизматлар камрови ва сифатини ошириш бўйича қўшимча вазифалар белгилаб берилди.

— Барча давлат идоралари ва корхоналарида тизимли ишлаш, қатъий тартиб-интизом, қабул қилинган қарорларни сўзсиз бажариш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш ва амалий ёрдам бериш ислохотларимизнинг натижадорлигини таъминлашда асосий омил бўлиши зарур ва шарт, — деди Президент.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, ҳудудлар раҳбарлари амалга оширилган ишлар самарадорлиги, 9 ой ва йил якуни бўйича қўлаб-қувватлаган натижалар, бу борадаги устувор вазифаларни бажариш юзасидан ҳисобот берди.

Йиғилиш якунилари бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

ЎЗА

ЭЗГУ АМАЛ

Меҳр-оқибат байрами кенг нишонланди

ИСЛОМ ДИНИ — ЭЗГУЛИК, ИНСОНПАРВАРЛИК ВА МЕҲР-ШАҒҒАТ ДИНИДИР. БУ ЭЗГУ ФАЗИЛАТЛАР, АЙНИҚСА, ҚУРБОН ҲАЙИТИ КУНЛАРИ ЯНАДА ЁРҚИН НАМОЁН БЎЛАДИ.

Одамлар бу кунларда бир-бирига ширин сўз айтиб, аразлашганлар ўртадаги гина-қудратни унутди, йўқсиллар ҳолидан хабар олиниб, кексалар, аёллар ва болаларга ўзгача эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилади.

Айтиш лозимки, байрам бу йил Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги арафасида нишонлангани ҳамюртларимиз руҳи ва кайфиятини янада кўтариб, улар қалбига ўзгача қувонч ва шодлик улашди. Мамлакатимиздаги барча жоме масжидларида Қурбон ҳайити намози ўқилиб, қордошларимиз томонидан Ватанимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги учун дуою хайрлар қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Муборак Қурбон ҳайитининг маънавий ҳаётимизда



эзгулик, шукроналик, меҳр-оқибат каби олижаноб қадриятларни қарор топтиришдаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб, миллий-диний анъаналаримизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг бошқарув қарори

қабул қилиниб, жойларда унинг ижроси таъминланди.

Жумладан, республикаимиз бўйича барча маҳаллалар, 1752 та масжид, 660 га яқин зиёратгоҳ ҳамда 8834 та қабристонда ободонлаштириш ишлари ташкил этилди. Шунингдек, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори

остида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига беминнат мурувват ёрдамлари кўрсатилди. Қолаверса, 60 мингдан зиёд эҳтиёжманд ва кам таъминланган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиниб, уларга жами 5 млрд. 839 минг сўм, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан 247 млн. сўмдан ортиқ миқдорда моддий ёрдамлар кўрсатилди. Меҳрибонлик, Мурувват ва Саховат интернат уйларида яшовчи 2075 нафар ўғил-қизга эса 520 млн. сўмдан ортиқ совға-саломлар улашилди.

— *Озод ва обод юрtega, фаровон элга тўю байрамлар ярашади, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Фарғона вилояти кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Шавакат Эрматов.*

— *Қувонарлиси, бу йилги Қурбон ҳайити байрамини вилоятимиз аҳли ҳам ўзгача шукр ва хурсандчилик билан ўтказди. Бу ҳам бўлса, юртимиз тинчлиги ва оқойишталлигидандир. Байрам кунлари вилоятдаги 1038 та маҳаллада турли тадбирлар ўтказилиб, 77 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, 1346 нафар меҳнат фахрийлари ҳамда 2292 нафар нуруний кексалар ҳолидан хабар олинди. Шунингдек, масжидлар, муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, қабристонлар ободонлаштирилди.*

Бир сўз билан айтганда, бу йилги Қурбон ҳайити инсонларни ўзаро меҳр-оқибатли, мурувватли бўлишга ундаши билан янада аҳамиятли бўлди

Наргиза АБДУЛЛАЕВА,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бўлим бошлиғи.

Ёқилғи нархлари нега ошмоқда?

Ўзбекистон табиий газ қазиб чиқариш бўйича дунё мамлакатлари орасида саккизинчи, МДХда учинчи ўринда туради. Ўзбекистоннинг 5 та нефть ва газга бой минтақаларида углеводород хомашёсининг 250 та кони очилган. Статистикадан кўриниб турибдики, Ўзбекистон ўз аҳолисини тўлиқ газ билан таъминлашга қурби етади. Бироқ куз-қиш мавсумида республикаимиз аҳолисини газ ва электр энергия билан таъминлашда бир қанча муаммолар кузатилмоқда.

Хўш, бутун юртимиз аҳолисини маиший газ, электр энергия, бензин, дизель ёқилғилари билан узлуксиз таъминлаш қай аҳволда? Улар таннархларининг тез-тез кўтарилишига нима сабаб бўлмоқда?

— Электр энергияси тарифларининг ўзгариши мавзуси бугунги кунда муҳокамадор марказида турибди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирининг биринчи ўринбосари Жўрабек Мирзамаҳмудов. — Шу боис бу саволга аниқ мисоллар ёрдамида жавоб берсак. Бугунги кунга қадар бир киловатт электр энергия нархи 250 сўмни ташкил этарди (бугундан, яъни 15 августдан нархлар ошди, 295 сўм). Амалда эса бир киловатт-соат электр энергиясини ишлаб чиқариш учун 450 сўм сарфланади. Яъни,

тўлиқ янгилашга маблағ етишмаслиги, соҳага инвестициялар киритилмаслигини билдиради. Чунки инвестор норентабель ишлаб чиқаришга маблағ сарфламайди. Бундай мисолларни давом эттириш мумкин ва унда ҳеч қандай ижобий жиҳатлар кузатилмайди. Дотациялар, одатда, вақтинчалик чора ҳисобланади. Бу муаммони ўз вақтида бартараф этиш зарур, йўқса, электр энергия таъминотида мунтазам узилишлар бўлаверади.

Нима сабабдан? Жавоби оддий. Биз электр энергиясини камроқ истеъмол қилмаямиз, аксинча, унга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Қолаверса, йилдан-йилга аҳоли турмуш фаровонлиги яхшиланиб, илгари бўлмаган маиший техникалар — телевизор, музлаткич, кондиционер, вентилятор


воситаларига эҳтиёжлар ўсиб борапти. Қайд этилганидек, соҳанинг норентабельлиги туфайли инвестициялар етишмайди. Токи дотация сиёсати давом этар экан, улар келажакда ҳам бўлмайди.

Инсоният тараққиётининг электр токи каби незматидан фойдаланишни давом эттиришимизнинг йўли битта — соҳани рентабельли қилиш. Рентабельликка эса бозор қонуниятлари амал қилиши, яъни электр энергиясининг ҳақи унинг таннарихига кўра тўланиши орқали эришиш мумкин. Бундай ўтиш босқичма-босқич амалга оширилади, одамларнинг манфаатлари эътиборга олинган ҳолда, электр энергиясидан фойдаланиш ҳақи оз-оздан ошириб борилади.

Нархлар паст бўлса, турмушимиз яхши бўлиши ҳақида узоқ мулоҳаза юритиш мумкин. Аммо келажакни ҳам ўйлаш вақти келди — ҳозирги аҳволни ўзгаришсиз қолдирсак, эртага нима бўлади? Электр энергия бўлмаса — замонавий ҳаётимизнинг қулайликлари, жумладан, сеvimли ижтимоий тармоқда қайд қолдиришимиз учун телефонлар ва компьютерлар ҳам бўлмайди.

— Бутун Ўзбекистон аҳолисининг ёқилғи маҳсулотлари — газ, бензин, дизель ёқилғиси ҳамда электр энергияга бўлган талабини таъминлай оладими?

— Газ ва нефтни қайта ишлаш заводларининг ишлаб чиқариш қувватлари республика аҳолисининг эҳтиёжи учун зарур бўлган ёқилғи маҳсулотларини таъминлай олади. Биргина, ўтган йили республика эҳтиёжлари учун



ёқилғи-энергетика маҳсулотларидан: электр энергия аҳоли хонадонларига 12380 млн. кВт.с., табиий газ аҳоли хонадонларига 10,0 млрд. куб.м., ва автомобилларга газ тўлдириш шохобчалари орқали 2,9 млрд. куб.м., суюлтирилган газ аҳоли хонадонларига 414,0 минг тонна ва автоёнилғи қуйиш шохобчалари орқали 309,0 минг тонна, автобензин аҳолига автоёнилғи қуйиш шохобчалари орқали 880,0 минг тонна, дизель ёнилғиси аҳолига автоёнилғи қуйиш шохобчалари орқали 76,4 минг тонна етказиб берилган.

— Ўзбекистонда ички коррупция: ноқонуний фаолият қай даражада назоратга олинган? Аҳолининг «бўйинига» тушаётган асоссиз қарздорликлар ана шундай коррупциялар натижасидан келиб чиқмаяптими?

— Бугунги кунда Ўзбекистонда маҳаллий тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу имкониятлардан ишнинг кўзини биладиган тадбиркорлар оқилона фойдаланган ҳолда самарали бизнес юритмоқда, ўз нуфузини мустаҳкамлаб, янги иш жойлари ташкил этмоқдалар. Афсуски, ҳамма

жойда ҳам вазият бир хил эмас. Ўрганиш назорат тадбирлари жараёнида газ қувурларига ноқонуний улашиб олган тадбиркорлар ҳам аниқланди. Ушбу ҳолатлар юзасидан тезкор ҳисоб-китоблар олиб борилиб, қоидабузарлар ҳисобига 11 миллион 807 минг метр куб табиий газ ёзилди.

Олмалик шаҳридаги «Фруит интенсив» оҳак ишлаб чиқариш корхонаси ана шундай йирик ҳуқуқбузарлардан биридир. Ушбу корхона газ таъминоти шохобчаси билан шартнома тузмасдан 1 миллион 323 минг метр куб газни ноқонуний ишлатган. Худди шундай ноқонуний йўл билан Юқори Чирчиқ туманидаги «Сифат оҳак бизнес» оҳак ишлаб чиқариш корхонасида ҳам 501 минг метр куб табиий газ истеъмол қилинган.

Бундан ташқари, «Ўзнефтьгазинспекция» томонидан нефть маҳсулотлари ва газни ўз вақтида ва сифатли етказиб берилишини ўрганиш бўйича бутун мамлакат бўйлаб назорат тадбирлари ўтказилди. Хусусан, жорий йилнинг 22 июлида Тошкент вилояти ҳудудида ўтказилган текширишларда қатор жиддий қонуёнбузарликлар фош этилди. Мисол учун, ►



аҳоли учун электр энергиянинг нархи давлат томонидан дотация қилинади. Бундай дотациянинг оқибатлари соҳанинг норентабельлигига олиб келади.

Хўш, соҳанинг норентабельлиги нима ва бу нимага боғлиқ? Бу усқуналарнинг аста-секин эскириши, уларни

ва кир ювиш машиналарининг харид қилиниши ҳам электр энергияга бўлган талабни оширмоқда. Бу эса мавжуд қувватларга, фойдаланиладиган усқуналарга қатта юкламани келтириб чиқармоқда. Натижада инфратузилмани қўллаб-қувватлаш ва кенгайтириш

Узоқ йиллик орзу ушалди

Қорақалпоғистон Республикаси Шуманой туманидаги Кетенлер овул фуқаролар йиғини туман марказидан 30 км. узоқликда жойлашган. Шунинг учунми, Туркменистон билан чегарадош бу ҳудуд ривожланишлардан ортада қолганди.

Маҳалла фаоллари эса шу вақтга қадар 70-йилларда қурилган эски иморатда фаолият юритиб келаётганди. «Обод қишлоқ» дастури асосида маҳалланинг янги биносини қуриш учун 450 млн. сўм ажратилди. Мана, кўп ўтмай 6 хонали, барча қулайликларга эга янги маҳалла гузари фойдаланишга топширилди.

Ҳудуд инфратузилмаси ҳам яхшиланмоқда. Ҳадемай, йигин яқинида болалар богчаси, спорт майдончаси ҳам бунёд этилади.

— Маҳалла фуқаролар йиғинлари-

нинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш доимий эътиборимизда, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Шуманой тумани кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ниетулла Жадигеров. — Жорий йилда Кетенлер, Бегжас овул фуқаролар йиғини иморатлари қурибди. Тез кунларда Бегжас овули ҳам янги иш биносига кўчиб ўтади. Келгуси йилда яна 13 та фуқаролар йиғини ўз балансидаги замонавий биноларга эга бўлади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш



органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Кетенлер овулига компьютер жамланмаси туҳфа қилди.

Ўйлаймизки, бу каби сазй-ҳаракатлар фаолларнинг иш самарадорлиги ошишига хизмат қилади.

Омбрбай ЕСБЕРГЕНОВ
«Mahalla»

Қўқон Жаҳон хунармандлар шаҳарлари рўйхатига киритилди.

Аҳоли эҳтиёжи қопланадими?

◀ Чиноз туманидаги «Пахта нефть базаси» масъулияти чекланган жамияти томонидан фермерларга ёқилги тақсимлаш пайтида 81 минг 365 литр камомад юзага келганлиги, шунингдек, ортиқча 140 литр ЭКО дизель ёқилгиси мавжудлиги аниқланган. Хисоботлардаги маълумотлар ва дизель ёқилгисини амалда қўллаш ўртасида 854 минг 730 литр номувофиклик пайдо бўлган.

Талон-торож этиш оркали бойиш фактлари ўрта Чирчиқ тумани ҳудудида ўтказилган текширишлар жараёнида ҳам аниқланди. Жумладан, «Қучлик нефть базаси» МЧЖ фермерларга ёқилги тақсимлаш пунктида экологик тоза дизель ёқилгиси камомади 200 литр, АИ-80 маркали бензин камомади 8 минг 190 литрни ташкил этиши маълум бўлди. Шунингдек, бу ерда 8 минг 44 литр ортиқча дизель ёқилгиси мавжудлиги аниқланиб, мазкур турдаги ёқилгининг ҳақиқий таъминоти ва хисоботлардаги рақамлар ўртасидаги фарқи 40 минг 5 литрни ташкил этиши аниқланди.

Суюлтирилган газни аҳоли уйлари ва ижтимоий муассасаларга белгиланган тартибга мувофиқ етказиб берилиши юзасидан ҳам жиддий таҳлил ўтказилди. Афсуски, бу борада ҳам қонунбузарликлар аниқланди. Хусусан, «Тошкент вилояти бўйича газ таъминоти» минтакавий филиалининг «Бўка газ таъминоти» бўлими фаолияти текширувдан ўтказилганда умумий ҳажми 170 минг 42 кг бўлган мақсадга кўра фойдаланилмаган газ баллонлари мавжудлиги фош этилди.

Бундан ташқари, текширув вақтида 2019 йил январь-июнь ойларида истеъмолчиларга суюлтирилган газ етказиб берилиши пайтида 2 минг 360 кг камомадга йўл қўйилгани аниқланди. Шунингдек, жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида истеъмолчиларга газ етказиб

берилгани тўғрисидаги ҳисобот варақаларида имзоларни қалбакилаштирилгани ҳам таққослаш йўли билан аниқланди. Яъни, аксарият ҳолларда, уй эгалари ўрнига бўлим ишчиларининг ўзлари имзо чекканлар. Бундан ташқари, 140 минг 740 кг суюлтирилган газга доир ҳужжатлар ҳисобот ҳужжатларидан йўқотилган. Яъни, қўпол қондабузарликлар, шу жумладан, ҳисоботни сохталаштириш ҳолатларига йўл қўйилган.

Ушбу салбий ҳолатлар шуни кўрсатадики, ҳозирда барча ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳалол ва самарали меҳнат ортидан даромад олишга ҳаракат қилмаяпти. Аммо, бундай ҳаракатлар учун жазо муқаррарлиги шубҳасиз. Аҳолининг «бўйинига» тушаётган асоссиз қарздорликларнинг аксарияти ана шундай қонунбузиллишлар оқибатида юзага келмоқда.

— Ҳудудлардаги ёқилги қуйиш шохобчаларида бензин маҳсулоти етарлими, уларнинг сифати-чи? Бензинларнинг ноқонуний (бақлашқаларда) сотилишига қандай чора кўрилади?

— Бугунги кунда «Ўзбекнефтьгаз» АЖ тизимидаги «Нефть база» МЧЖ сифимларида етарли миқдорда автобензин қолдиқлари мавжуд бўлиб, аҳолининг ушбу турдаги ёқилги маҳсулотига бўлган эҳтиёжи жойлардаги автомобилларга ёқилги қуйиш шохобчалари оркали тўлиқ таъминланаяпти. 2019 йилнинг 4 август ҳолатига кўра, ҳудудлардаги «Нефть база» МЧЖ сифимларида 82,7 минг тоннадан зиёд автобензин қолдиқлари мавжуд. «Нефть база» МЧЖ тарқатилаётган автобензин сифати давлат стандарти талабларига тўлиқ жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 май «Ёқилги мойлаш материалларини сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорининг 1-бандида ёқилги мойлаш материалларини фақат белгиланган тартибда маҳсус

жиҳозланган стационар, кўчма, контейнерли автоёқилги қуйиш шохобчаларида сотишга рухсат этилган. 2-бандида эса Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ёқилги мойлаш материалларини белгиланмаган жойларда ва ёқилги қарши қоидаларни бузган ҳолда сотиш ҳолларини катъий бартараф этиш, ушбу қоидаларга риоя қилмаган шахсларга нисбатан материалларни ўз вақтида расмийлаштириш ва уларни жавобгарликка тортиш учун тегишли оғанга тошпирилиши белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, 2016 йилнинг октябры ойида «Республика ҳудудида сунъий равишда нефть маҳсулотлари танқислигини келтириб чиқариш ва талабнинг ошиб кетиши, фуқаролар томонидан нефть маҳсулотлари билан чайқовчилик қилиш ҳолатларининг олдини олиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзнефтьгазинспекцияси» ва «Ўзнефтьмаҳсулот» акциядорлик жамиятлари томонидан ҳамкорликда амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар режаси» ишлаб чиқилган ва ишлар давом эттирилмоқда. Ёқилги мойлаш материалларини ноқонуний (бақлашқаларда) сотилиш ҳолатлари аниқланган тақдирда белгиланган тартибда расмийлаштирилади ва ҳуқуқ тартибот органларига тегишли чоралар кўриш учун тақдим этилади.

Аҳолимиздан ҳам илтимос қилган бўлардики, бефарқ бўлмадан бундай ҳолатларга тўғри келиб қолганларида бизга зудлик билан хабар беришларини сўраб қоламиз.

— Жорий йил куз-киш мавсумида аҳолини газ ва электр энергия билан узлуксиз таъминлаш қай даражада бўлади?

— Жорий йил куз-киш мавсумида аҳолини газ ва электр энергия билан узлуксиз таъминлаш бўйича барча чоралар кўрилмақда. Бу борада Ўзбе-



кистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги «Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани 2019/2020 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарорга асосан, Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани 2019/2020 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Иқтисодиёт тармоқлари учун 6,5 млн. тонна ҳажмида, шу жумладан, аҳоли учун 911 минг тонна, бюджет соҳаси ташкилотлари учун 405 минг тонна қўмир маҳсулотлари 2019/2020 йиллар куз-киш даврида таъминланади. Аҳолига 245,2 минг тонна ҳажмида суюлтирилган газ, иссиқлик таъминоти ташкилотлари учун 8,4 минг тонна печь ёқилгиси, 1,6 минг тонна мазут ва 12,2 минг тонна техник туз етказиб берилади.

Аҳолини ишончли ва узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида 12 та блок, 15 та қозон агрегати, 2 та турбина, 3 та буғ-газ ва 1 та газ турбина қурилмасини капитал таъмирлаш ишлари октябр ойингача тугатилади. Бундан ташқари, инвестицион дастур доирасида «Навий ИЭС»ида

қуввати 450 МВтга тенг бўлган янги буғ-газ қурилмаси ишга туширилди. Сентябрь-декабрь ойларида эса янги «Тўрақўрғон ИЭС» электр станциясида умумий қуввати 900 МВтга тенг иккита буғ-газ қурилмаси фойдаланишга топширилади, «Тахиятош ИЭС»ида эса 2019 йилнинг 4 чорагида қуввати 230 МВтга тенг бўлган биринчи буғ-газ қурилмасини ишга тушириш ва 2020 йилнинг 1 чорагида қуввати 280 МВтга тенг иккинчи буғ-газ турбинасини фойдаланишга топшириш мўлжалланган. Таъмирлаш ишларини амалга ошириш ва янги замонавий энергоэффектив қувватларнинг натижасида куз-киш мавсуми давомида 29 млрд. кВт.с (2018-2019 йил куз-киш мавсумида 27,5 млрд. кВт.с) электр энергияси ишлаб чиқарилиши кутилмоқда ва 0,5 млрд. куб.м. табиий газни бўшатишга эришилади. Шунингдек 6666 та трансформатор пункти ҳамда 20,0 минг км.дан ортиқ узунликдаги электр тармоқлари мукамал таъмирланади ҳамда 2653 та трансформатор пункти ва 7229,5 км. узунликдаги электр тармоқлари реконструкция қилинади. Ушбу ишларни амалга ошириш натижасида мамлакатда 8 мингта яқин маҳаллаларда электр таъминоти яхшиланади. Рустам ЮСУПОВ тайёрлади.

Пойтахт маҳаллалари орасида қайси жамоа финалга йўлланма олди?

Футболнинг шиддатли, жамоанинг бирдамлиги муҳлисига ҳам юқади. Шунинг учун ҳам унинг ишқибозлари кўпайса кўпаядики, асло қамаймайди. Буни биргина Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ҳамда Футбол Ассоциацияси ҳамкорлигида мини-футбол бўйича ўтказилаётган «Чарм тўп» анъанавий мусобақасига қизиқувчилар сони ортиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

13-14 ёшдаги футбол ошқикларини бўлажак яшил майдон «юлдуз»ларини бир ерга жамлаган мусобақанинг барча босқичлари мурасасиз кечмоқда. Бу юртимизнинг ҳар бир қишлоғу маҳалласида спортнинг оммабоплик касб этаётганини кўрсатади.

Хусусан, Тошкент шаҳри маҳаллаларо босқичида 5200 нафардан зиёд ўсмир қатнашди. Шаҳар босқичида

эса туман ва минтакавий босқичларда ғалаба қозонган 4 та жамоа ғолиблик учун тўп сурди.

Миробод туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби шу куни маҳалласи жамоасини қўллаб-қувватлаш учун йиғилган муҳлислар билан тўлди.

Натияжаларга кўра, Учтепа туманининг «Бешкайрағоч» маҳалласи биринчи, Миробод туманининг «Сарикўл»



маҳалласи иккинчи ва Сергели туманининг «Ҳонобод» ҳамда Юнусобод туманининг «Биллур» маҳаллалари учинчи ўринни эгаллади. Ғолиб жамоалар қимматбаҳо совға-

лар ва дипломлар билан тақдирланди. Биринчилиқни қўлга киритган жамоа эса навбатдаги босқичга йўлана олди.

Садокат МАХСУМОВА
«Mahalla»

Ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби бўйича ҳукумат қарори қабул қилинади.

Тадбиркорнинг ҳуқуқи ва мулки кафолатли ҳимояда

Қуни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфрамулкмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида»ги фармони имзолади.

Фармонда баъзи мансабдорлар давлат ҳимоясида бўлган хусусий мулкнинг дахлсиз эканлигини, ҳар қандай ваз билан хусусий мулкни, шу жумладан, аввал хусусийлаштирилган мулкни олиб қўйиш, асосли заруратсиз бузиб юбориш ғайри ҳуқуқийлигини аниқлаб етмаётгани ҳамда ер участкаларини ажратишда ўзбошимчаликларга йўл қўйилаётгани таъкидланди. Бу эса мулкдорларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоялаш кафолатларини кучайтириш ва бундай ҳуқуқбузарликларга йўл қўйганлиги учун ушбу масъул шахсларнинг жавобгарлигини оширишни таъқозо этаётир. Давлатимиз раҳбари томонидан Бош прокуратура ва Ўзбекистон Республикаси Президенти

донлаштириш, қўаламзорлаштириш тадбирларига, темир-терсак ва макулатура йиғиш ҳамда бошқа ишларга мажбурий жалб қилишнинг қатъиян таъқиқлангани диққатга сазовордир. Зеро, ўтган йиллар мобайнида бу каби амалиёт қўллаб кичик бизнес эгаларининг жонига теккани ҳеч кимга сир эмас. Шунингдек, янги қоидага қўра, ҳар қандай шаклда қишлоқ хўжалигидаги мавсумий ишларга (экиш ва йиғиб олиш ишларига) ва меҳнат ресурслари, пул маблағлари ва бошқа моддий бойликларни йўналтириш билан боғлиқ бошқа тадбирларга жалб қилиш ҳам раҳбар ходимларга нисбатан жазо чораси қўлланишига олиб келиши мумкин.

Ҳоким селектори тадбиркорсиз ўтадиган бўлди

Ўтган давр мобайнида турли даражадаги ташкилотлар, жумладан, ҳокимликларнинг тун ярмидан ошганда бошланадиган селектор йиғилишларида иштирок этиш шарти ҳам тадбиркор ва фермерларнинг жонига теккан амалиётлардан бири эди. Масалан, пластик маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхона раҳбари соҳасига мутлақо дахлсиз бўлган, қишлоқ хўжалиги ёки халқ таълими юзасидан ўтказилаётган йиғилишда тонгача қолиб кетганига мажбурланарди. Эндиликда тадбиркорлар иштирокида мажбурий тартибда, шу жумладан, уларга нисбатан маъмурий ва бошқа чораларни қўллаш таҳдиди остида йиғилишлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш қатъиян маън этилди.

Энди ҳоким фермернинг ерини олиб қўя олмайди

Мухим ўзгаришлардан бири шуки, 2020 йил 1 январдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри,



туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини олиб қўйиш ва бир фермер хўжалигидан бошқасига ўтказиш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар эгалигида бўлган, улар фойдаланадиган ва мулк бўлган ер участкаларини жамоат ва давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш бўйича ваколатлари тегишли халқ депутатлари Кенгашларига берилмоқда. Депутатлар мазкур соҳадаги масалаларни коллектив равишда, адолатли ҳал этишлари лозим бўлади. Бу — мулк соҳасидаги муаммоларнинг адолатли ечимини топиши билан бир қаторда, маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларининг ҳам жонланганига хизмат қилади.

Сирдарёда янги эксперимент ўтказилади

Шунингдек, 2020 йил 1 февралга қадар Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тартиб-таомилларини апробация қилиш бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш режалаштирилмоқда. Қонунийлик, ихтиёрийлик, ҳақ тўлаш, хусусийлаштириладиган ер участкаларининг ва уларда жойлашган қўчмас мулк объектларининг бирлиги, ер участкаларини хусусийлаштиришнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга қаратилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тартиб-таомилларининг самарадорлигини аниқлаш, уларни хусусийлаштириш механизмларини

амалда қўллаш самарадорлигини баҳолаш тажрибанинг асосий мақсадлари этиб белгиланган.

Янги агентлик хусусий мулк ҳимоячиси бўладими?

Фармонга мувофиқ, Иктисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурида Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. Агентликнинг хусусий мулк ҳимоясида амалга оширадиган ишлари белгиланган бўлади. Жумладан, эндиликда мазкур ташкилот кичик бизнес ва тадбиркорликни, хусусий тадбиркорликнинг барча шакллари ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириб боради. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади ва уларнинг ижроси устидан назорат қилади. Ваколатли давлат органлари ва ташкилотларининг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, бизнес муҳитини яхшилаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради.

Шунингдек, фармон орқали тадбиркорлик фаолиятида янада қулайликлар яратувчи, тадбиркорларга эркинлик ва янги имкониятлар берувчи қатор имтиёзлар жорий этилмоқда.

Баҳромжон ОБИДЖОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилар
палатаси депутати.



ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга соҳада қатъий ва тизимли назорат ўрнатиш топширилди.

Тадбиркорни ҳимойликка мажбуран жалб қилиш жавобгарликка сабаб бўлади

Фармоннинг аҳамиятли жиҳатларидан бири сифатида тадбиркорлик субъектларини ўзларининг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга, шу жумладан, ҳимойлик ва хайрия ёрдами кўрсатиш ишларига, ҳудудларни обо-

Маҳалламиз паҳлавонлари беллашди


СПОРТ

Қарши педагогика коллежида «Маҳалламиз паҳлавонлари» кураш мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши ташаббуси билан қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада турнирнинг туман (шаҳар) босқичида ғолиб бўлган 110 нафардан зиёд ўғил-қиз олтига вазн тоифасида беллашди.

Қизғин ва муросасиз руҳда кечган баҳсларда қизлар ўртасида Қосон туманининг «Наврўз» маҳалласидан курашчи кизлар Фарангиз Барақасева (44 кг.), Нигора Давронова (48 кг.) ва Рухсара Чориева (52 кг.) 1-ўринни қўлга киритди. Ўғил болалар ўртасида эса Миришкор тумани «Ўзбекистон» маҳалласи вакиллари Акбар Қурбонов (46 кг.) ва Хиросон Нормуродов (50 кг.), 55 кг. вазн тоифасида эса Дехқонobod туманининг Нодира номи маҳалласи вакили Қувончбек Норминглиев тенгсиз эканликларини исботлашди.

Шоҳиста БОЗОРОВА
«Mahalla»



Ўзбекистон ва Хитой Афғонистон масаласида учрашув ўтказди.

Халқаро миграция ташкилотининг маълумотига кўра, 2018 йилда аҳолининг бир давлатдан бошқа давлатга кўчиш суръати олдинги йилларга нисбатан рекорд даражада ўсиб, муҳожирлар сони 244 миллион нафардан ортган. Бу — жаҳон аҳолисининг 3,3 фоизига тенг. Экспертлар ўсиш суръати ҳали узоқ вақт сақланиб қолишини таъкидлашмоқда. Уларга кўра, ҳозирда ва яқин келажақда мигрантларнинг асосий қисмини ҳорижга иш излаб кетганлар ташкил қилади.



Меҳнат миграцияси жамиятимизга қандай таъсир кўрсатмоқда?

Меҳнат миграцияси масаласи — мамлакатимизнинг ҳам оғрикли нуқталаридан бири. Тахминларга қараганда, ҳозирда 3 миллион нафарга яқин ҳамюртимиз яқин ва узоқ хорижда ишламоқда. Уларнинг аксарияти тер тўкиб, оиласининг моддий аҳволини кўтаряпти. Аммо мусофирлик ва дарбадарлик одамнинг рухий ҳолатига, ахлоқ-одоб, ҳатто менталитетига-да ўзига хос таъсир ўтказиши бор гап. Айниқса, бегона муҳитга тушиб қолган ёшларда бу яққол кўзга ташланади. Кейинги пайтларда жамиятшуносликда «мигрант дунёқароши», «мигрант характери», «мигрант менталитети» сингари тушунчаларнинг вужудга келаётгани ҳам шундан.

Хўш, мусофирлик бугун меҳнат миграциясида бўлган юртдошларимиз дунёқарошига қандай таъсир ўтказяпти? Бу ҳақда «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори, академик Раъно Убайдуллаеванинг фикрлари билан қизиқдик.

Муҳожирлар қайтадими?

— Яқинда марказимиз мутахассислари томонидан «Миграцион жараёнлар жамоатчиликлари назарида» деб номланган тадқиқот ўтказилди, — дейди Р.Убайдуллаева. — Унга кўра, юртимиздаги миграцион жараёнларнинг ўзига хос жиҳатлари ва сабаблари, аҳолининг бу жараёнга нисбатан муносабати, меҳнат ва таълим миграцияси бўйича ҳуқуқий савияси таҳлил қилинди. Сўровлар миграция юртдошларимизнинг ватанпарварлик кайфиятига

Ёхуд Ўзбек муҳожиротда миллийликдан айрилмаяптими?

зарарли таъсир этмаётганини кўрсатмоқда. Муҳожиротга отланган фуқароларимизнинг аксарияти ўз келажагини Ўзбекистон билан боғлайди. Уларнинг 98,2 фоизи, албатта, юртимизга қайтиб келиш, ишлаб топган пули эвазига оиласининг моддий аҳволини яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини бошлашни ният қилган. Бундай кайфиятни жинси, миллати ва ёшидан қатъи назар мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан турли сабабларга кўра чет элга отланаётган инсонларда кузатиш мумкин. 1,8 фоиз фуқаролар эса бошқа мамлакатда доимий яшаб қолишни истайди.

Сўровда иштирок этганларнинг 31,5 фоизи хорижга ишлаш учун бир ярим йил муддатга йўл олаётганини айтган. Жуда узоқ муддат ёки ярим йил, уч, тўрт ойга кетаётганлар камчилик. Миграция ҳудудини танлашда фуқароларимиз асосий мезон сифатида ўша мамлакатда ёрдам беришга тайёр яқин қариндошлари, дўстларининг борлиги, виза тизимининг соддалиги каби ҳолатларга алоҳида эътибор беришади. Қувонарлиси, йилдан-йилга чет элдан иш топишда бандлик агентликлари хизматларидан фойдаланаётганлар сони ошаётир.

Иш топилса, хорижга кетмасди

Халқимизда ватанпарварлик туйғуси устун. Имкон бўлса, ўз юрти тараққиёти учун ишлашни афзал билиш

бизнинг одамларга хос фазилат. Марказ томонидан ўтказилган тадқиқотлар ҳам бунни тасдиқлайди. Масалан, меҳнат миграциясига отланганларнинг асосий қисми муносиб иш топилса, ватандан кетмаслигини таъкидлаган. Шунга қарамай, иштирокчиларнинг тенг ярми ҳар ойда ёки уч-тўрт ойда бир марта хорижда ишлаётган қариндошидан пул шаклида ёрдам олишини тасдиқлагани меҳнат миграцияси миқёсини тасаввур қилиш имконини беради.

Чет элда ўқётганларнинг 63 фоизи Ўзбекистонга қайтмаган

Таълим миграцияси юртимиз учун жуда муҳим саналади. Зеро, бугун қайси соҳани қараманг, малакали мутахассислар етишмайди. Шу боис хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқалари тинимсиз кучайтириб боришмоқда. Аммо бу борада ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар оз эмас. Масалан, тадқиқотларга кўра, чет элда тахсил олганларнинг 63 фоизи ҳали мамлакатимизга қайтмаган. Шунга қарамай, сўровда иштирок этганларнинг аксарияти — 88,2 фоизи хорижда тахсил олаётган қариндошларининг Ватанимизга қайтиши тарафдори экани маълум бўлди. Аммо улар мазкур масалани чет элда таълим олаётган фуқаронинг ўзи ҳал этиши лозимлигини таъкидлаган. Бундан ташқари, халқимизнинг аксар қисми таълим олиб

бўлгач, юртга келишга шошилмаётган мутахассисларга нисбатан салбий муносабатда экани ойдинлашди.

Хулоса ўрнида

Юртимиз меҳнат бозори ҳар йили 500 мингга яқин янги ишчи кучи билан тўлиб боради. Бу ёшларнинг тўлиқ бандлигини таъминлаш учун ҳар йили камида 400, 450 мингта янги, муносиб иш ўрни ташкил қилиб боришимиз лозимлигини билдиради. Шунингдек, ўтган йиллар мобайнида соҳадаги кўзбўямачиликлар туфайли миллионлаб юртдошларимиз «бекорчи» бўлиб қолганини ҳам ҳисобга олиш лозим. Демак, аҳолининг меҳнатга яроқли қисмига қатламларини банд қилишга миллионлаб янги иш ўринлари керак. Аниқки, йиллар давомида тўпланиб келган мазкур муаммони бир-икки йилда ҳал этишнинг имкони йўқ. Демак, ҳозирча аҳолининг бандлигини таъминлашда миграцион жараёнларга суянишга мажбурмиз. Бунда миграция ҳодисасини илмий жиҳатдан ўрабни, мамлакатимиз учун фойдали йўналишга буриш борасида ҳуқуқ тадқиқотлар олиб бориш лозим. Айтайлик, миграция оқимини меҳнат юқори баҳоланадиган, қадрланадиган бозорларга буриш услублари устида ишлаш айни муддао бўлар эди.

Улдуғбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»

МЕНДА САВОЛ БОР...

Хусусий бандлик агентлиги фақат хорижга ишга жойлайдими?

— Ишга жойлашмоқчиман. Аммо чет элга бориш ниятим йўқ. Хусусий бандлик агентликлари Ўзбекистондан ҳам иш топишга қўмаклашадими?

Наргиза ҚОДИРОВА.
Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри.

— «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги қонунга кўра, хусусий бандлик агентликлари аҳолига мамлакатимиз ҳудудида ишга жойлаштиришга, иш бевувчилар учун кадрлар танлашга, хориждан иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштиришга, айни соҳада ахборот ва маслаҳат

хизматлари кўрсатишга ҳақли.

Ўзбекистон ҳудудида иш излаётган шахсга иш танлаш бўйича хизматлар хусусий бандлик агентлиги ва иш қидираётган шахс ўртасида тузилган хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома асосида амалга оширилади. Бу хизматлар иш қидираётган шахслар тўғрисидаги ахборотни иш бевувчилар ўртасида тарқатиш, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тарқатиш, бундан ташқари аҳолига иш бевувчиларни излаш, иш

қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш бевувчилар билан музокаралар ўтказиш, иш бевувчилар ва иш қидираётган шахслар ўртасидаги суҳбатга тайёргарлик кўриш ҳамда музокараларда (суҳбатларда) иштирок этиш, иш бевувчилар ва иш қидираётган шахслар ўртасидаги меҳнат шартномалари лойиҳаларини тайёрлашни ўз ичига олиши мумкин.

Хушнудбек
ХУДОЙБЕРДИЕВ,
хуқуқшунос.

Меҳнат вазирлиги айрим хусусий бандлик агентликлари фаолиятини текширишни режалаштирмоқда.

Аҳоли муаммоларига маҳаллаларда ижобий ечим топишмоқда БУНИНГ НАТИЖАСИДА МАҲАЛЛА ХАЛҚЧИЛ ТУЗИЛМАГА АЙЛАНИБ, ОДАМЛАРГА ЯНАДА ЯҚИНЛАШДИ



Одамлар ҳаётига кириб бормай, улар билан мулоқот қилмай туриб, жамиятдаги мавжуд муаммоларга ечим топиш мушкул. Шу боис сўнгги йилларда юртимизда аҳоли муурожаатлари билан ишлаш борисида бутунлай янгича тизим йўлга қўйилди. «Халқимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун кўриши керак» деган тамойил ҳаётимизга татбиқ қилинган, кўп соҳаларда, хусусан, маҳалла тизимида ижобий ўзгаришлар кузатилди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 2 апрелдаги «Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борадаги ишларга янги мазмун бахш этиб, маҳаллани одамларга янада яқинлаштирди.



«Энди мен ҳам Ўзбекистон фуқаросиман!»

Сетора Нуралиева — Сурхондарё вилояти Шарғун шаҳарчасидаги «Маданкон» маҳалласида истикомат қилади. Ўзбекистонда туғилган бўлишига қарамай, у узоқ йиллар ўз юртида худди бегоналардек яшади. Мактабни тамомлаб, айни Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини оладиган вақт жиддий муаммога рўбарў келди. Ота-онасининг фуқаролиги бўлмаганлиги боис Сеторага ҳам масъул ташкилотлар томонидан фуқаролик паспорти берилиши рад этилди. Эҳ-ҳе, ўтган йиллар давомида у нажот истаб бормаган ташкилот, ёрдам сўраб қирмаган муассаса қолмади.

Ана шундай кунларнинг бирида Сетора маҳалла фуқаролар йиғинига ўзини қийнаётган муаммо юзасидан муурожаат қилди. Шундан сўнг унга керакли тавсиялар берилиб, маҳалла кўмағида масъул ташкилотларга зарур ҳужжатлар тўпланди. Қувонарлиси, Президентимизнинг бағрикенглик, инсонпарварлик сисёвати туғайли С.Нуралиева туғилиб ўсган Ватани, Ўзбекистон деган катта оиланинг ҳақиқий аъзосига айланди. Энди у ҳам баралла «Мен Ўзбекистон фуқаросиман!» деб айта олади.

— Бу кунларни узоқ кутдим, — дейди Сетора Нуралиева. — Ўзинг туғилиб ўсган юртингда эмин-эркин яшаш масъул қанчаллик қийин эканлигини сўз билан тасвирлаб беролмайман. Мактабни тамомлагач, олийгоҳга кириб, бирор соҳанинг етук мутахассиси бўлсам, она Ватаним тараққиётига муносиб ҳисса қўйсам, деган бир олам орзуларим бор эди. Аммо паспорт муаммоси туғайли бу орзум амалга ошмади. Бу орада ота-онам вафот этди. Барча фарзандлар бувимнинг қўлида қолиб кетдик. Шунча уринишларимдан кейин 2015 йил менга ФБШ, яъни фуқаролиги бўлмаган шахс паспорти берилди. Аммо шахсни тасдиқловчи бу ҳужжат билан айтириш ҳуқуқларга эга бўлмадим.

Маҳалла раисига ушиб муаммо юзасидан учраганимда улар бу масалада менга, албатта, ёрдам беришларини айтиб, қўнғилимни тоғдек қўтарди. Қарангки, бир неча йилдан буён ҳал бўлмаётган муаммоли масалага маҳалланинг аралашуви билан тезда ижобий ечим топилди. Яқинда маҳалла фуқаролар йиғинидан қўнғироқ қилиб, Ўзбекистон фуқароси бўлганим ҳақидаги хушхабарни етказишганида, тўғриси, ишонмадим. Рост эканлини билгач, янгиликни ақилларимга ҳам етказдим. Улар ҳам худди мен каби рўса севинишди. Насиб қилса, бундан кейин тенгдошларим қатори Ўзбекистон фуқароларига бериладиган барча имкониятлардан тўла фойдаланиб, мамлакатимиз раёнақи учун сидқидилдан меҳнат қиламан!

«Оғир кунларимда маҳалла ёлғизлатиб қўймади»

Қашкадарё вилояти, Дехқонобод туманида яшовчи Ўнгол Тожиёва тақдир рўбарў қилган яхши инсон билан оила курди. Аммо қалби бегубор орзуларга лиммо-лим аёл ҳаётнинг қутилмаган синовлари ва зарбаларига дуч келди. Ўнгол опанинг турмуш ўртоғи оғир хасталикдан вафот этгач, уч фарзанди билан ёлғиз қолиб кетди. Дастлаб ота-онасининг уйда яшган аёл кейинчалик «ўз аравасини ўзи тортиши» кераклигини тушунди. Аммо рўзгорнинг камини тўлдириш, мурғак гўдақларни катта қилишнинг ўзи бўлмади. Қолаверса, нураб ётган хонадонини таъмирлай деса, «қўли калталиқ» қилади.

Айтиш керакки, бир хонадоннинг тинчлиги бузилса, нажот истаб, аввало, маҳаллага келинади. Оиладаги «қўйди-чиқди» муаммолари, ғам-ташвишлар ҳам маҳалла кўмағида ҳал этилади. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг «Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонидан сўнг бу борадаги ишлар янада жадаллашди.

«Қўрғонтош» маҳалласида яшовчи Ўнгол Тожиёванинг турмушидаги барча муаммолари фуқаролар йиғини раиси Хусниддин Чориев бошчилигида ўрганилиб, унга ёрдам бериш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди. Дастлаб, хомий ташкилотлар кўмағи билан ёлғиз аёл яшаётган уй таъмирлаб берилди. Шунингдек, фарзандларининг ҳар бирига ҳамда боқувчисини йўқотганлиги учун Ў.Тожиёвага нафақа тайинланди.

— Турмуш ўртоғимдан кейин рўзгор тебратишга анча қийналиб қолдим, — дейди Ўнгол Тожиёва. — Шукр, оғир кунларимда маҳалла ёлғизлатиб қўймади. Уларнинг кўмағи билан аста-секин ҳаётимни яна изга соддим. Энди ўз мутахассислигим бўйича ишга жойлашмоқчиман. Яқинда маҳалла фуқаролар йиғинига ушиб масалада муурожаат қилдим. Йиғиннинг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассиси менга бу борада ёрдам беришини айтди. Насиб қилса, шу ойнинг ўзида иш бошлайдиган бўлишим.

— Маҳалламиз туман марказидан анча олисда жойлашган, — дейди Дехқонобод туманидаги «Қўрғонтош» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хусниддин Чориев. — Айни пайтда ҳудудда 3283 нафар фуқаро, 712 нафар оила аҳил-инокликда яшаб келмоқда. 2019 йилнинг ўтган даври мобайлида фуқароларнинг 100 дан ортиқ муурожаати қаноатлантирилди. Жумладан, уй-жойга муҳтож 4 нафар фуқаронинг муаммоси маҳалла кўмағи билан ҳал этилди. Қолаверса, яқинда тадбиркорларга қоврак учун ер ажратилиши борисида туман мутахассисларига муурожаат қилдик. Ўйлаймизки, бу масала ҳам яқин кунларда ўзининг ижобий ечимини топади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ишсизлик нафақаси тайинланадими?



— Яқинда мен ишлаётган ташкилот иқтирозга учраб, фаолияти тугатилди. Шундан кейин ишсиз қолдим. Айтишгичи-чи, ўзимга мос иш топганимча мен каби фуқароларга нафақа тайинланадими? Агар тайинланса, унинг миқдори қанча?

Жобир РЎЗИЕВ,
Сурхондарё вилояти.

Абдувоҳид АХМЕДОВ,
Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари қасаба уюшмаси Республикаси Кенгаши юрист-консулти:

— Ҳа, тайинланади. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 29-моддасига мувофиқ ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган тақдирда, ишсизлик нафақаси

олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга олдинги иш жойидаги ўртача иш ҳақининг эллик фоизи миқдорда, аммо конун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан оз бўлмаган ва нафақанин ҳисоблаш пайтида Ўзбекистон Республикасида таркиб топган ўртача иш ҳақидан ортиқ бўлмаган миқдорда ишсизлик нафақаси тўлаш қафолатланади.

«Рўзгорнинг камини тўлдириш осон эмас»



экан. Қувонарлиси, маҳалла кўмағи билан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйгач, ишларим юришиб кетди. Бугун хонадонимда «Доня парранда» МЧЖнинг 1500 та бройлер товуқларини парвариш қиламан. Энг асосийси, қилаётган меҳнатимиз бесамар кетмаяпти. Насиб қилса, кейинги йил қўшимча ер олиб, тадбиркорлик фаолиятимни янада кенгайтирмоқчиман.

Мулоқот — икки томонлама фикр алмашиш дегани. Демак, маҳалла ва халқ ораси қанчалар яқинлашса, ҳудуддаги мавжуд муаммолар ўз-ўзидан барҳам топади. Бу эса юртда тарққиёт ва фаровонлик даражаси янада юксалади, деганидир.

Саъдулло ТУРСУНОВ
«Mahalla»

Бу йил 50 ёшдан ошган 672 нафар абитуриент имтиҳон топширди.

ТАШАББУС ЙЎҚ ЖОЙДА ТАРАҚҚИЁТ БЎЛМАЙДИ

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга ошириладиган ислохотлар оилалар тинчлиги, фаровонлигининг муҳим омилларидан. Кейинги йилларда уй юмушлари, фарзандлар тарбиясидан ажралмаган ҳолда тадбиркорликнинг турли йўналишларида самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар сафи сезиларли равишда кенгайиб бормоқда. Амалга ошириладиган истиқболли лойиҳалар ривожда Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббусдан бири — хотин-қизлар бандлигини таъминлашга бўлган эътибор бу борадаги ишлар қўламини янги bosқичга олиб чиқди.



ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассиси Зумрад Қодирова. — Шу кунга қадар 40 нафардан ортиқ хотин-қизлар тушман бандликка қўмаклашиши бўлими билан ҳамкорликда иш-ишчилик, пойабзал фабрикасида ишга жойлашди, 13 нафар ҳақ тўланадиган жамоат ишларида жалб этилди, 45 нафар уйда ўтираётган хотин-қизларга «Хар бир оила — тадбиркор» дастури асосида имтиёзли банк сармоялари олишга қўмаклашди. Яқин кунда аёллар ўзгаллик салони, юмшоқ кўйгучлар тайёрлаш йўналишида янги лойиҳалар ишга туширилади. Лекин бу маҳалламизда ишсиз хотин-қизлар йўқ дегани эмас. Асосий масала, аксарият хотин-қизлар фарзанд тарбиясидан ортиб ишлаш имкониятига эга эмас. Айни кунда маҳалламизда 410 нафар 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган бола бор. Ҳудуддаги 10-мактабгача таълим муассасасининг умумий қуввати 110 нафарни ташкил этади, холос. Қолаверса, бу таълим маскани бир пайтда 3 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги болажонларга «хизмат» қилишни инобатга олсак, муаммо қанчалик муҳимлиги аён бўлади. Мавжуд масалага ечим топиш мақсадида тадбиркор Абдурахим Ҳамдамов ҳусусий болалар боғчасини очиб ташаббуси билан чиқди. Аммо маҳалла ҳаёт тарзи учун муҳим бўлган бу хайрли ишга сармоя ажратилмаётгани боис қўрилиш билан боғлиқ бўлган ишлар мана икки йилдирки, ечимини кутиб турибди.

— Унинг этагидан тутган хунарманд ҳар жиҳатдан билимли, сабр-бардошли, қўзғатувчан бўлиши талаб этилади. Чунки битта кичик гиламни марамига етказиб тўқиш учун ой ва йиллар керак бўлади. Шу боис гиламдўзлар меҳнати асрлар давомида қадрланиб келинади.

Гиламдўз келинининг таъкидлашича, бу хунарга меҳр қўяётган маҳалла хотин-қизлари кўпчиликини ташкил этади. Бирок тармок фаолиятини кенгайтириш учун жой етишмаётгани бу борадаги ишлар ривожига тўсиқ бўлаётди.

«Ҳаммаси яхши, энди қиламиз»

Бағдод тумани марказида жойлашган Муқимий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасида бошланган беш ташаббус доирасидаги ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган, десак муболага бўлмайди. Фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассиси Кимсаной Алиева бу борада аниқ таҳлил ва ҳужжатлар билан ишламагани шундоқ кўриб турибди. Биз мутахассисдан беш муҳим ташаббус бўйича йиғинда амалга ошириладиган ишлар ҳақида берган саволимизга жўяли жавоб ололмадик. Ҳатто бу ҳақидаги мавжуд ҳужжатлар тўплами, белгиланган иш режалари, истиқболдаги ишлар ҳуусидаги сўроқларимизга «Бизда ҳаммаси яхши, энди қиламиз» дейишдан бошқа гап айта олмади. Устига-устак маҳалла фуқаролар йиғини биносининг абгор холатини кўриб, хайратимиз янада ортди. Туман марказида «савлат» тўкиб турган бинонинг деворлари ёрилиб кетган. Ичкарига қадам босишга юрак бетламайди. Атрофини бегона ўт-ўланлар босган ховли супурги «юзини» кўрмаганига ачина бўлган. Мавжуд холатдан хижолат бўлган маҳалла фаоллари янги бино қурилиши билан боғлиқ турфа баҳоналарни келтириб бошлашди. Тўғри, иш бор жойда камчилик, муаммолар бўлади. Аммо ишлаш учун оддий шароит бўлмаган жойда маҳалла, одамлар ҳаёт тарзи учун муҳим бўлган масалага қай тарзда ҳал этилади? Хуллас, қўмакчининг ўзи қўмакка муҳтож бўлган жойда унум ва барака бўлмайди.

Янги лойиҳалар истиқболи

— Туманимизда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, фаровонлигини ошириш борасида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган, — дейди Бағдод тумани ҳўкмати ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Диффа Қаримова. — Ҳозирги кунда асосий эътибор ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий келиб чиқиши, анъана ва урф-одатларини асраб-авайлаш, хунармандчилик, томоқчачилик, чорвачилик ва бошқа кичик ишлаб чиқариш тармоқлари фаолиятини кенгайтириш, янги ташаббусларни қўллаб-қувватлашга

ДАРВОҚЕ...

Фарғона вилоятида «2019–2020 йилларда хотин-қизларни иш билан таъминлаш ишларини тизимли ташкил этиш дастури»нинг барча йўналишлари бўйича 294 минг 350 та янги иш ўринлари яратиш белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 майдаги «Республика ҳудудида тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Учкўприк, Олтириқ, Бувайда, Риштон, Тошлук, Ўзбекистон, Фарғона, Фуқарат ва Ёзёвон туманларида энгил конструкцияли тикув-трикотаж цехлари ташкил этиш белгиланган. Бу вилоятда 3 минг нафарга яқин хотин-қизлар бандлигини таъминлаш имконини беради. Айни кунда «Fargona Baraka Chevarlari» МЧЖ томонидан Ёзёвон, Риштон ва Фарғона туманларида янги корхона қуриш ишлари олиб боришмоқда.

қаратишмоқда. Шу мақсадда туманимиздаги барча маҳалла фуқаролар йиғинларида хотин-қизлар бандлигини таъминлашга йўналтирилган, икки йилга мўлжалланган 612 та лойиҳа ишлаб чиқилди. Айни кунга қадар 150 дан ортиқ янги лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши туфайли 4 минг нафардан ортиқ аёллар бандлиги таъминланди. Шунингдек, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси қўмаги билан 27 нафар тадбиркорлик йўналишида фаолият бошламоқчи бўлган аёлларга 610 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар берилди. Натيجида чекка ҳудудларда ҳам замонавий ва ихчам ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш орқали янги иш ўринлари яратиш имконияти тугиди.

Бир сўз билан айтганда, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасида амалга ошириладиган истиқболли лойиҳалар қўламини кенг ва ранг-баранг. Фақат бундан самарали фойдаланиш, мавжуд имкониятларни ишга солиш зарур. Чунки ташаббус бўлмаган жойда тараққиёт, ривожланиш бўлмайди.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»

Водий бозорларида машхур

Фарғона вилояти Бағдод туманидаги «Пахтабод» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги бўш турган бинода ташкил этилган тикувчилик тармоғининг ишга тушганига ҳали унча кўп бўлгани йўқ. Лекин бу ерда тайёрланаётган аёллар либослари нафақат ички, балки водий бозорларида ҳам анчайин харидордир. Чунки тикувчиликда ўзига хос малака ва маҳоратга эга бўлган пахтабодлик хотин-қизларнинг изланишлари туфайли корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати кун сайин ортиб, маҳсулот сифати яхшиланмоқда.

— Бу ерда маҳалламизнинг 15 нафар чевар хотин-қизлари доимий иш билан таъминланган, — дейди корхона раҳбари Сарваржон Дадажонов. — Тез кунларда яна янги дастгоҳлар олиб келиб ўрнатмоқчимиз. Бу маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш билан бирга, ўнлаб аёллар бандлигини таъминлайди. Либосларимиз «Мастура ая» ёрлиги билан тайёрланади. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Аямиз чеварчилик, тадбиркорлик борасида кўнларга устоз. Шу боис корхонамизда тайёрланаётган либослар ўзига хослиги, қўлай, замонавий ва миллий менталитетимизга мослиги билан ажратиб туради.

Хусусий боғча қурилиши учун маблағ ажратилмаяпти

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш йўлида тадбиркорлик фаолиятини бошлаган Зулхумор Авазова маҳалланинг ташаббускор аёлларидан. У банкдан олинган 20 миллион сўмлик имтиёзли сармоя ҳисобига ўз хонадониди мўъжаз тикувчилик тармоғига асос солди. Айни кунда бу ерда 4 нафар маҳалла хотин-қизлари аёллар рўмоли, трикотаж маҳсулотлари тайёрламоқда.

— Маҳалламизда аёллар бандлигини таъминлаш борасида амалга ошириладиган ишлар салмоқли, — дейди «Пахтабод» маҳалла фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан

Хўжакишлоқ гиламлари Туркия ва Германияга экспорт қилинмоқда

Қўштепа туманидаги «Дўрмон» маҳалласидан Бағдод туманининг Хўжа кишлоғига келин бўлиб тушган Меҳриноз Жўрасанинг ипак гиламлар тайёрлаш борасидаги ташаббуси маҳалла фаоллари томонидан қўллаб-қувватланди. Бу бежиз эмас. Чунки ёш келин ўз вақтида туғилиб ўсган маҳалласида ташкил этилган «Исмоилжон гиламлари» корхонасида ишлаб, малака ва маҳоратини оширган. Шу боис маҳалладаги 20 нафардан ортиқ хотин-қизлар гиламдўз келинга «шогирд» тушди. Айни кунда хўжакишмоқлик аёлларнинг қалб кўри билан тўкилган ипак гиламлари Туркия, Германия мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

— Гиламдўзлик беназир хунар, — дейди тадбиркор Меҳриноз Жўрасева.

Хивада «Қовун сайли» фестивали бошланди.

Ўзгаришлар бор, аммо...

Йиғинлардаги хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассисларнинг маҳалла фаоллари билан ҳамкорлиги қай даражада?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралда қабул қилинган «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармониغا мувофиқ, маҳаллаларда Хотин-қизлар кўмиталарининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислар фаолиятининг ташкил этилиши куйи бўғинларда хотин-қизлар билан ишлаш самардорлигини ошириш, уларнинг жамиятдаги фаоллигини таъминлашда муҳим кадам бўлиб кизмат килди.

Айниқса, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, ме-

нат шароитларини яхшилаш, уларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунарамдчиликка кенг жалб этиш, аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлганлар билан яқка тартибда ишлаш борасида мазкур тузилманинг ўрни алоҳида аҳамият касб этмокда.

Ракамларга мурожаат этадиган бўлсак, биргина жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Бухоро вилоятида 7000 нафардан ортиқ хотин-қизларнинг бандлиги таъминланиб, 2 минг нафарга яқин аёллар банк имтиёзли кредитлари эвазига ўз бизнес лойиҳаларини амалда татбиқ этишди. Шунингдек, оилаларни ўрганиш профилактик тадбирлар натижасида

хотин-қизлар жиноятчилиги ўтган йилга нисбатан сезиларли даражада камайди.

— Президентимиз жорий йил 29-30 март кунлари вилоятимизга таширлари чоғида Бухоро вилоятини хотин-қизлар масалалари бўйича намунали ҳудудга айлантириш бўйича ўз тавсия ва кўрсатмаларини берган эдилар, — дейди вилоят Хотин-қизлар кўмитаси бош мутахассиси Зарина Қурбоннова. — Дарҳақиқат, биз жиноятчилигинг камайгани билан ҳар қанча мақтанмайлик, маънавий бешиқларидан бири ҳисобланган Бухорои шарифда хотин-қизлар томонидан содир этилган биргина ҳуқуқбузарлик ҳам фаолиятимизга берилган энг катта салбий баҳодир. Шу боис, вилоятда хотин-қизлар муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва унга тезкорлик билан ечим топиш, муаммони келтириб чиқарувчи омилларни излаш ва бартараф этиш мақсадида «Умид қаноти» электрон дастури фаолиятини йўлга қўйдиқ. Ушбу дастурни самарали юритиш мақсадида барча маҳаллалардаги хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислар планшет қурилмалари билан таъминланди.

Эндиликда мутахассисларимиз оилаларни ўрганиш жараёнида хотин-қизлар масалаларига оид муаммоларни ушбу планшет орқали онлайн дастурга киритишади. Дастур оператив равишда ушбу муаммони шу вақтнинг ўзида тегишли ижрочида етказилади. Дастурда ҳар бир қайд этилган муаммонинг муқддоти автоматик равишда белгиланади ҳамда агар асословчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда мурожаат назоратдан чиқарилмаса вилоят ҳоқими ўринбосари — Хотин-қизлар кўмитаси раиси, сектор раҳбарларига ижрочининг масъулиятсизлиги ҳақида хабар юборилади.

Дастур ишга туширилган ўтган бир ойга яқин вақт давомида мутахассислар томонидан киритилган 6 мингга яқин муаммонинг 2 мингдан ортиғи тегишли ваколатли органлар томонидан бартараф этилди. Қолган муаммолар эса ўрганиш босқичида турибди.

Мутахассиснинг иши фақат аёллар жиноятчилигини бартараф этишми?

Маҳаллалардаги хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий



кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассиснинг аёллар жиноятчилигининг олдини олиш борасидаги юқоридаги ҳаракатлари эътирофга лойиқ, албатта. Аммо уларнинг фуқаролар йиғинидаги фаолияти фақатгина шу билан чекланганими?

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 мартдаги қарори билан тасдиқланган Хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис тўғрисидаги Низомга мувофиқ, мутахассис лавозими бўйича фуқаролар йиғини кенгашининг таркибига кирази ва фуқаролар йиғини билан яқин ҳамкорликда ўз фаолиятини амалга ошириши белгилаб қўйилган. Аммо баъзи маҳаллаларда мутахассисларнинг мутлақо мустақил ҳаракат қилиши, фуқаролар йиғинининг ўз фаолиятига дахлдор масалаларга эътиборсиз муносабатда бўлиши кузатиломқда.

Хусусан, маҳаллалардаги Яраштириш комиссиялари фаолиятининг асосий ишчи органи илгари диний матрифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳисобланарди. Ушбу лавозим ўрнида ташкил этилган хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислар низоминда ҳам оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш, эрта никоҳ ва ажрашишларнинг олдини олиш бўйича самарали чоралар кўриш вазифалари тузилманинг асосий функцияларидан бири сифатида қайд этилган.

Аммо кўп ҳолларда комиссия фаолияти сўрови маҳалла фуқаролар йиғини раисидан талаб этилгани боис баъзи мутахассислар масъулиятдан ўзларини четга олиш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

— Баъзида ажрим ёқасига келиб қолган оилаларга бориб сўхбатлаштириш ёки Яраштириш комиссияси аъзоларини йиғиб муҳокама қилиш борасида мутахассисга таклиф билан чиққанмишда уларга туман хотин-қизлар кўмитасидан бошқа топшириқ бўлгани, айни пайтда комиссия иши билан шуғулланишга вақти йўқлигини рўқча қилишади, — дейди номини ошкор этишни истамасган фуқаролар йиғини раисларидан бири. — Ҳолбуки, маҳаллада ҳам ишлат асосида икки киши — раис ва масъул

котиб ишлайди. Тизим фаолиятига оид 30 дан ортиқ вазифаларни бажаришга эса уларнинг жисмоний жиҳатдан имконияти етмайди. Шу боис фуқаролар йиғини комиссиялари ишини юритишда кенгаши аъзоларининг ҳам кўмаги зарур.

Айнан мазкур йўналишдаги ҳамкорлик шиларининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги оқибатида жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан оилавий ажримлар сони 38 тага кўпайди. Шунингдек, нотинч оилалар яъни, оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликлар содир этганликлари учун профилактик хисобга олинганлар сони 95 тага ошди.

Мазкур ҳолатлар оилалардаги муҳитни ўрганиш, аниқланган ижтимоий муаммоларни ҳал этиш борасида ҳали кўп-лаб ишларни амалга ошириш зарурлигидан далолат беради.

Ечим нимада?

Албатта, муаммоларнинг ўзини санаш билан масала ҳал этилиб қолмайди. Шу боис мутахассис, шунингдек, бошқа кенгаши аъзоларининг ҳам кенгаши олдидаги ваколат ва мажбуриятларини аниқлаштириш лозим.

Шунингдек, мутахассис ва маҳалла раиси ўртасидаги вазифавий муносабатларга ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ойдинлик киритилиши талаб этилади.

Яна бир жиҳат. Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги «Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида мувофиқ, раис ва масъул котибларнинг ойлик маопи оширилгани ҳолда, мутахассислар маоши ўзгариши эътиборга олинган. Бозор иқтисодиёти шароитида эса моддий рағбат иш сифати самарадорлиги кафолатларидан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Хулоса шунки, фуқаролар йиғини фаолиятида айнан хотин-қизлар ва оилалар билан ишлаш йўналишида хотин-қизлар фаолияти алоҳида ўрин тутади. Шу боис ушбу тизимни маҳалладан айро эмас, мувофиқ равишда йўлга қўйиш самарали бўлар эди.

Ақбар РУСТАМОВ
«Mahalla»

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ



ЭХТИЁЖМАНД ОИЛАЛАРГА АРЗОН УЙ-ЖОЙЛАР

Бухоро шаҳридаги эҳтиёжманд оилалар, жисмоний имконияти чекланган фуқаролар, шунингдек, сағит ва маданият соҳаси ҳодимлари ва фаол ёшлардан бир гуруҳи учун 10 та етти қаватли арзон уй-жойларнинг тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Президентимизнинг 2016 йил 22 ноябрдаги «2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп қаватли уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида бунёд этилиб, мустақиллигимизнинг 28 йиллик шодиемаси, қолаверса, Қурбон хайити муносабати билан фойдаланишга топширилган уйларнинг ҳар бир хонадони иситиш тизими, совуқ ва иссиқ сув, электр энергияси ва табиий газ билан тўлиқ таъминланган. Уйлар ёнида автотранспорт воситалари учун тураржой ва болалар майдончаси ҳам барпо этилган. Қисқа айтганда, замонавий шаҳарсозлик асосида бунёд этилган мазкур уйлар 420 та оиланинг тураржойга бўлган эҳтиёжини қондириш имконини яратди.

Ўзига ҳос шаҳарчанинг барпо этилишига сарфланган жами 102 миллион 600 миллион сўмлик маблағнинг 12 миллион сўмдан ортиғи хонадон соҳибларининг дастлабки тўлов бадала ва тижораг банкларининг кредит маблағи ҳисобидан молиялаштирилди. Замонавий уйларнинг узок муддатли ипотека кредити асосида тақдим этилгани ҳам аҳоли учун яратилган имтиёз ва имкониятнинг амалий тасдиғидир.

— Тўрт нафар фарзандим билан ижарама-ижара юришдан қарчагандик, — дейди янги уй соҳибаларидан бири, 2-гуруҳ ногирони Роҳила Файзуллаева. — Ўз шахсий уйимизга эга бўлганимизга ҳали ҳам ишоналмайман. Бизга яратилган бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимиздан миннатдоримиз. Бундай шинам уйда фарзандларимизни бекаму қўят улғайтириш учун барча шароитлар муҳайё.

Маҳаллаларда автомобиль сақлаш жойи бўладими?

ЙЎЛАКЛАР ОЛДИ БАНДЛИГИ САБАБ «ТЕЗ ЁРДАМ» ВА ЮК МАШИНАЛАРИНИНГ КИРИБ-ЧИКИШИДА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАР ҚАЧОН ЕЧИМ ТОПАДИ?

ватлаш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган. Унда нима учун юкориди келтирилган хусусий тadbиркорнинг муаммоси декабрь ойидан буён ўз ечимини топмапти?

Сабаблар асослими?

— Бу лойиҳа туман ҳокимлиги тасдиқдан ўтган. Президентимизнинг 2018 йил 15 августдаги «Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича экспериментни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосан, шаҳар ҳокими тақдим қилинган, — дейди **Миробод туман ҳокими ўринбосари Бобур Мансуров**. — Лойиҳа ҳимоядан ҳам ўтган, лекин негадир баённомага киритилмади. (Хар бир ҳимоядан кейин баённома чиқарилади. Кейин Бош вазир томонидан тасдиқланади). Эҳтимол, шаҳар ҳокими бу ер сув ёқасида жойлашгани учун қурилиш қилишни лозим топмагандир. Ҳозир бундай ҳудудлар очик қолдирилиб, ҳеч нарса қуришга рухсат берилмапти. Бизнинг ҳисоб-китобимизга кўра, танланган ҳудуд сув ёқасидан 8 метр узокликда жойлашган. Хар бир машинанинг вазни ўртача бир тонна

моқда, деган гапдан бошқа жўялироқ жавоб ололмадик.

Бугун юртимизда тadbиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кенг қўлдан ишлар амалга оширилмоқда. Мутасаддилар зиммасига эса уларни қийнаётган муаммоларга ечим топиш вазифаси юклатилган. Шундай шароитда бирор бизнесни йўлга қўйиш ниятидаги ишбилармоннинг сарсон бўлиб юрганини қандай изохлашга ҳам ҳайронмиз. Агар унинг фаолияти учун бирор қаршилиқ туғдирадиган ҳолатлар бўлса, бундан тadbиркорни огоҳ этиш, қолаверса, бошқа тавсиялар билан фаолиятига кенг йўл очиб бериш керак эмасми?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 августдаги «Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича экспериментни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан давлат-хусусий шериклик шартларида автомобил йўллари бўйлаб пулли автомобиль тўхташ жойларини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, хусусий инвесторларни жалб қилган ҳолда кўп қаватли автомобил сақлаш жойларини қуриш дастурларини тасдиқлаш белгиланган.

Эринчокликми ёки тўлови қиммат?

Мавзу юзасидан Тошкент шаҳрининг бошқа туманларидаги вазиятни ҳам ўргандик. Яшнобод тумани «Бирлашган» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги кўп қаватли уйлар атрофи ҳам автоуовлар билан тўла. Гаражлар бузиб ташланган. Лекин шундоқкина уйлар рўпрасида хусусий автоуовлар ҳам мавжуд экан. Лекин негадир саноклигина машина турибди ҳолос. «Food express-service» хусусий корхона иш бошқарувчиси Баҳром Қўзибоевнинг таъкидлашича, миқдорлар сони жуда кам, кўпчилик кўчада қолдирилган автомобилга бирор шикаст етгандан кейингина уларга мурожаат қилар экан. Автоуовларга қуно тун наватчилик ташкил этилган. Тўловлар миқдорига келадиган бўлсак, бир кун учун уч минг сўм этиб белгиланган. Бир жойини доимий банд қилиш учун эса ойига 95 минг сўм тўлаш қийро. Энг муҳими, автомобиль ҳеч қимга ҳалал бермайди, хавфсизлиги таъминланади. Лекин фуқаролар тўловдан қочиби ёки эринчоклиги сабаб бундай тураргоҳлардан унумли фойдаланишни исташмапти.

Назаримизда, маҳалла масъулари ва ҳамкор ташкилотлар билан бу борада тушунтириш ишларини янада кенгайтириш вақти келди. Аҳоли ва тadbиркорни ўзаро қелинсувини таъминлаб, талаблар тўлиқ қондирилса, муҳомага ҳам ҳожат қолмайди. Зеро, хар нарсанинг ўз ўрни ва жойида турганига нима етсин.

Шахноза РАҲИМҲЎЖАЕВА
«Mahalla»



Шойтахтимизнинг Миробод тумани «Толариқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, «Шер – Темурхон савдо» хусусий корхонаси раҳбари **Шерали Тошев** ҳудудда истикомат қилаётган аҳоли учун муносиб шароит яратиш мақсадида замонавий автомобилотransпорт воситаларини сақлаш жойи қуришни ният қилган. Ҳужжатлар ва янги иншоот лойиҳаси туман ҳокимлигининг тасдиқдан ўтиб, Тошкент шаҳар ҳокимлигига топширилган. Аммо орадан анча вақт ўтган бўлишига қарамай, мурожаат ўз ечимини топмапти.

Ишимни пайсалга солишяпти

— Маҳалламиз ҳудудидаги эски гаражлар бузилгач, кўп қаватли уй йўлаклар, маҳалла гузари олдида машиналар кўпайиб кетди, — дейди **Шерали Тошев**. — Кўпчилик бундан азият чекапти. Йўлаклар олди бандлиги сабаб «Тез ёрдам» ва юк машиналарининг кириб-чиқишида муаммолар юзага келяпти. Аҳоли ҳам нима қилсин, машинасини қўйишга бошқа жой йўқ-да. Ҳокимликдан масъул ходимлар келиб маҳалламиз ҳудудидаги ташландик жойни обод қиладиган тadbиркор кераклигини айтишганда, ҳаёлимга биринчи келган фикр автоуовларгоҳ қуриш бўлди. Барча ҳужжат ишларини ҳал қилдим. Туман ҳокимлиги лойиҳани тасдиқлаб беришди. Лекин шаҳар ҳокимлигидан 3-4 ойдан буён аниқ жавоб ололмапман. Автоуовларгоҳ ёнида автомобилларга хизмат кўрсатиш пунктларини ҳам барпо этмокчиман. Натижада 10 нафар маҳалладошимиз ишли бўлади. Тadbиркорларга шундай кенг йўл очиб берилаётган вақтда нима учун ишим бундай пайсалга солинаётганини ҳеч тушунмапман. Қуни кеча мурожаат қилганимда ҳам сизнинг ишингиз ҳозирча тўхтаб турибди, дейишди. Биз танлаган ҳудуд эса ҳозир хароба аҳволда.

Талаб анча ортган

Аҳолининг турмуш шароити яхшиланиб боргани сари имкониятлари ҳам анча кенгаймоқда. Ўз шахсий автомобилига эга бўлаётган оилалар сони аввалгидан анча ортган. Шундай вазиятда кўп қаватли уйда истикомат қиладиганлар баъзан автоуовини хавфсиз, уйига яқин жойга қўйиш масаласида қийналишади. Авваллари бу борада гаражлар одамлар қорига яраган бўлса, охириги йилларда уларнинг бузилиши қатор муаммоларни юзага келтирди. Ҳозир фақатгина «Толариқ» маҳалласи эмас, кўллаб ҳудудларда йўлак қаршиси, болалар ўйин майдончаси ёки маҳалла гузари олдидаги турнақатор машиналарнинг саногига етиб бўлмайди. Бу ўз-ўзидан шу ҳудудда истикомат қилаётган фуқаролар учун қатор ноқулайликларни юзага келтирмоқда.

Ҳўш, бундай ҳолатларни бартараф этиш мақсадида қандай ишлар амалга

оширилмоқда? Бузиб ташланган гаражлар ўрнида янги иншоотлар барпо этиляптими? Фуқароларни яна қандай муаммолар ўйлантирмоқда?

Автомобилотransпорт воситаларини сақлаш жойлари қачон қурилади?

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2017 йил 1 июндаги «Тошкент шаҳрининг туманлари ҳудудида автомобилотransпорт воситаларини сақлаш жойларини тартибга келтиришнинг қўшимча чо-



ра-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, Тошкент шаҳрининг туманлари ҳудудида шаҳарсозлик қоидалари ва санитар нормалари талабларига жавоб бермайдиган автомобилотransпорт воситаларини сақлаш қурилмаларини бузилиш ҳисобига кўп қаватли автомобилотransпорт воситаларини сақлаш жойларини қуриш кўзда тутилган. Қолаверса, маҳалла фуқароларига шароит яратиш, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, мавжуд тирбандликларнинг олдини олиш, мавзелар кесимида кенг қўламли ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мақсад қилинган. Унда кўп қаватли автомобилотransпорт воситаларини сақлаш жойларини қуриш ихтиёрини билдирган тadbиркорлик субъектларининг мурожаати ва лойиҳаларини иноватта олиб, улар томонидан таклиф этилаётган лойиҳани амалга ошириш, аниқланган қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича ишчи гуруҳлар тузилган.

Қўринадики, бу масалада тadbиркорлар учун кенг имкониятлар очилган. Уларни хар томонлама қўллаб-қув-

бўлса, элликта машинанинг оғирлигини ҳисоблаб кўраверинг. Ернинг сув тарафга сурилиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Сув ёқаси доим намга тўйинган бўлади. Каттароқ машиналар бундан-да оғирроқ бўлади. Бу йил баҳор ойларида қанча ёгингарчилик бўлди. Қолаверса, 10-15 метр нарида аҳоли тураржойи ҳам мавжуд. Биз тижоратдан кўра, одамларнинг хавфсизлигига эътибор қаратишга мажбурмиз.

Агар автомобиллар сони кундан-кунга ошиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, замонавий автоуовларгоҳларга ҳам талаб анча юқори эканини кўраемиз. Лекин бу масалада шаҳар ҳокимлиги турли йўналиш мутасаддилари билан келишган ҳолда якуний қарорни қабул қилади. Ёнгин хавфсизлиги, архитектура, кадастр ва шу каби соҳа талаблари чуқур таҳлил қилинади.

Тadbиркор нега сарсон?

Биз юкоридаги фикрларнинг тасдиғини топиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилганимизда, бу лойиҳа ҳозирги кунда қўриб чиқил-

«Янгисор» — қачонгача сувга зор?

Тахририятимизга Андижон вилоятининг Асака тумани «Янгисор» маҳалласида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролар мурожаат қилиб, ҳудудда йиллар мобайнида ечимини топмаётган қатор муаммолар қалашиб қолганини билдирди. Электр таъминотидаги узилишлар, ичимлик сувининг йўқлиги, йўлларнинг абгор аҳволи шулар жумласига киради. «Mahalla» мухбири янгисорликлар мурожаатини ўрганиб чиқди.

Ишчи гуруҳ қаёққа қараган?

— Маҳалламизда уч мингдан зиёд аҳоли, 1300 га яқин оила истиқомат қилади, — дейди «Янгисор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шўхратбек Зиёев. — Худудимизни ободонлаштириш, янги ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш ишлари 2012 йил бошланганди. Аммо шу пайтга қадар асосий муаммоларимиз ечим топмади. Қолбуки, республика ишчи гуруҳи вакиллари худудимизда бўлганида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланган эдилар. Афсуски, хайрли ишлар охирига етказилмади.

Халкимиз «Сабр қилсанг гўрадан халво бигур», дея бекорга айтмаган. 2018 йилда янгисорликларнинг орзуси ушалди. Худуд «Обод маҳалла» дастурига киритилди. Ишлар тезгина бошланиб, мавжуд муаммолар бартараф этилди. Ҳар ҳолда шундай маълумот ҳисоботларда кўрсатиб ўтилди. Амалда эса...

Биринчи муаммо: электр таъминоти

«Обод маҳалла» дастури ижроси учун ажратилган маблағ нотўғри сарфланди. Маҳалланинг Қонди кўчасида яшовчи аҳоли фаровонлигини таъминлашга, инфратузилмани янгиллашга мўлжалланган ишлар қозғола қилиб кетди. Боз устига, электр таъминотини яхшилаш учун ажратилган 50 та бетон симёғоч Янгисор кўчасига олиб кетилди. Бу эса икки кўча аҳолиси ўртасида айрим тушунмовчиликлар келиб чиқишига

сабаб бўлди. Қолбуки, дастурга биноан бутун маҳалла бирдай ободонлаштирилиши керак эди.

— Дастурга кўра маҳалла худуди тўлиқ симёғочлар билан таъминланиши кераклигини айтиб, Асака туман электр тармоқлари корхонаси раҳбари Хурсандбек Йўлдошевга мурожаат қилганимизда у кишидан худудимизда Қонди кўчаси борлигидан беҳабарлигини эшитиб, хайратландик, — дейди маҳалла фаолларидан бири Мархабо Акангбоева.

— Ахир, Юртбошимиз раҳбарлар олдида халқ билан кўпроқ мулоқот қилиб, уларнинг дарду ташвиши, орзу-мақсадларидан бохабар бўлишдай эзгу вазифани кўйганини ҳаммамиз биланмиз-ку! Худудимизга электр симлари уйланинг томлари, қўлбола ёғочлар орқали тортиб келинган, ҳеч қандай эҳтиёт чораси кўрилмаган. Шамол кўтарилса, симлар ерга тушади. Бирон қор-ҳол бўлмасин, дея юрагимизни ховучлаб яшаймиз. Яқинда шундай воқеа юз берганида учта фарзандимни уч тарафга пойлоқчи қилиб қуйдим, токи биров беҳосдан тоқли симни босиб олмасин.

Фуқаролар йиғини раисининг айтишича, бу ерда трансформатор ва симёғочларни зудлик билан алмаштириш зарур. Масалага ойдинлик киритиш учун туман электр тармоқлари корхонаси раҳбари Х. Йўлдошев билан боғландик.

— Қондиликларнинг эътирози тўғри, — дейди у. — Бу жойда электр таъминотини яхшилаш масаласи туман дастурига кўра, 2021 йилга мўлжалланган. Куни кеча ушбу муаммони туман ҳокимлигидан



ДАРВОҚЕ...

Ҳозирда республикамизда 478 та қишлоқда

«Обод қишлоқ» дастури амалга оширилмоқда. Жорий йилда ҳар бир туманда учтадан қишлоқда «Обод қишлоқ» дастури амалга ошириляпти. Ушбу мақсадларга 6 трлн. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилган. Жараён 1,6 миллион нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган 478 та қишлоқни қамраб олган. Умумий узунлиги 5476 километрдан иборат минтақавий йўллар (ички кўчалар) таъмирланяпти. 36 мингдан ортиқ ҳамда умумий узунлиги 2458 километр бўлган тунги кўча ёритиш ҳамда 21 та алоқа тизими яхшиланмоқда.

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш тизими такомиллаштирилиб, 556 та автобекат қуриш ҳамда умумий қиймати 46,3 миллиард сўмлик 189 та замонавий автобус харид қилиш кўзда тутилган.

Ичимлик суви таъминоти тизимини яхшилаш мақсадида 2219 километр янги тармоқ ҳамда 221 та сув иншоотини қуриш, 729 километр тармоқлар ҳамда 163 та сув иншоотларини реконструкция қилиш жадал давом этапти.

Шунингдек, 361 миллиард сўм миқдоридан маблағлар ҳисобидан электр ва газ таъминоти тизимини яхшилаш, 214,2 мингга яқка тартиблаг, 1182 та кўп хонадонли уй-жойларни таъмирлаш, 378 та кўп хонадонли уй-жойлар худудларини ободонлаштириш, 280 та мактабгача таълим, 510 та мактаб, 237 та соғлиқни сақлаш ҳамда 439 та бошқа ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва таъмирлаш режалаштирилган. Шу билан бирга, жами 2532 та бозор инфратузилмаси объектлари қайта қурилмоқда. Ирригация-мелиорация соҳасида 296 километр ирригация ва 1538 километр мелиорация объектлари барпо этилмоқда.

муҳокама қилиб, уни 2020 йилнинг 3-чорагигача хал қилишга келишдик. Ана шунда аҳоли хонадонларига тортилган барча симёғочлар алмаштирилади, ўрама кабеллар тортилади, янги трансформатор ўрнатилади.

«Сувни пулга сотиб оламиз»

Ичимлик суви ҳақидаги хасратларни тинглаб, электр тармоқларини янгиллаш масаласи ҳолва экан, деган тўхтама келдик. Қишлоқ аҳолиси шўролар давридан буён ичимлик сувини пулга сотиб олиб истеъмол қилади. Бир пайтлар артезиан қудуғи қовланган эди, аммо суви шўр чиқиб, истеъмолга ярамади. Танаси бошқа

дард билмас, деганларидай на Асака тумани ҳокимлиги, на «Сувокова» ташкилоти, на одамларнинг аҳволини ўрганиш учун келиб-кетидаган турли комиссиялар, ишчи гуруҳлари, жамоатчилик назорати қондиликларнинг жонига ора қира олмаяпти.

— Биздан юқоридан жойлашган Андижон туманининг «Иттифоқ» маҳалласи ўрамада мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади, — дейди фаоллардан Соҳибахон Қодирова. — Улар қурувларни тешиб, ўз боғларига сув очишган. Агар шу ҳолга барҳам берилса, балки биз тарафларга сув чиқиши мумкин бўлар. Ҳозирча ўринбой деган хожатба-

рор ҳамқишлоғимиз машинасида сув келтириб, коримизга яраяпти. Шундай бўлса ҳам, халёб бекорга сув олишга уяласан киши. Кеча пулимиз йўқлиги учун сувсиз қолдик. Ҳафта-сига 15-20 минг сўмлик сув харажати тинкамизни қуритиб юборди. 2012 йилдан буён биз бормаган идора қолмади. Қизиги шундаки, ҳамма раҳбарлар хайрихоҳлик билдиради, қуюқ ваъдалар беради, аммо муаммо хал этилмайди.

«Йўлни энди қуриб берарсиз, ҳожини ота...»

Маҳалла худудига машина билан кириш фалон пулга олинган уловни хавф остига қўйиш билан баробар. Биз ҳам автоуловимизни ярим чакирим нарида қолдириб келишга мажбур бўлдик. Ўт ўчириш, тез тиббий ёрдам машиналари бу ерга қандай келаркин, аклимиз етмади. Маҳалла этагида Улғубек Мирзажоновнинг «Такдир қувончи» сабзавотчилик фермер хўжалиги бор. Фермер қўлидаги ҳужжатига, асосан, йўлни торайтириб юборган. Аҳолининг бу масала бўйича мурожаати ҳам мутасаддиларнинг қулоғига кирмаяпти. Биз туман ҳокимлигининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари билан боғланмоқчи эдик. Аммо у ҳаж зиёратини адо этгани кетганлигини айтишди.

Шундан сўнг туман ҳокимлигининг бош мутахассиси Мақсудбек Мамаतोҳунов билан боғланиб тушунтириш олдик.

— Чиндан ҳам маҳаллада ичимлик суви йўқ ҳисобида, — дейди у. — Фуқароларнинг қийналаётганлигини ҳеч ким инкор этмайди. Шунинг баробарида, ҳокимлик ҳам қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Хонобод шаҳридан тортиб келинаётган магистрал сув тармоғи келаси йили Асака туманига қадар етказиб келинади. Ана шунда нафақат «Янгисор», балки тумандаги «Файзобод», «Эркин», «Қўжган», «Меҳнат» каби 45 та маҳаллада ичимлик суви таъминоти яхшиланади. Шунингдек, мавжуд йўлни кенгайтиришдан ташқари, яна 2,5 километр масофага асфальт ётқиқиш, 2 километрини эса шағаллаш зарурияти борилигини ҳам ҳисобга олганмиз.

Нима ҳам дердик, мутасаддилар муаммоларни ечиш борасида жиддийроқ бош қотириб, аҳолини рози қилиш йўлида қатъий ҳаракат қилишса-ку яхши. Аммо бизга айтилган гаплар ҳам доимгидек қуруқ ваъда бўлса бундан ёмони йўқ.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ
«Mahalla»



«Ахсикент»да ўтган сайлов суд қарори билан бекор қилинди. Нега?

Тахририятимизга Наманган шаҳридаги «Ахсикент» маҳалласида яшовчи фуқаро Воҳиджон Нишоновдан шикоят аризаси келиб тушди. Унда ўта жиддий масала — жорий йилнинг май ойида мазкур маҳаллада бўлиб ўтган сайлов жараёнининг ноқонуний ўтгани даъво қилиниб, бунга етарли асослари борлиги айтилган. Очиги, ушбу ариза мавзуси ва долзарблиги бизни қизиқтириб қўйгани боис дарҳол унинг муаллифи билан кўришишга ошиқдик. Назаримизда, оқсоқолликка ҳавас қилиб, етарли овоз тўплай олмаган ёки бирон яқинини ушбу лавозимга ўтказиш ҳаракатидаги фуқарони учратамиз, деб ҳаёл қилгандик. Лекин дастлабки таассуротлар алдамчи экан: рўпарамизда ёши етмишни қоралаган, оппоқ соқоли кўксига тушган бир нуроний турарди.

Сайлов ўтди, можароси ҳамон давом этмоқда

— Нафақага чикканимга анча йил бўлган — дейди Воҳид ота Нишонов фикримизни ўққандек бўлиб. — Фуқаролар йиғини раислигига ярамайман. Бирон қариндошимни ҳам бу масъулиятли ишга аралаштириш ниятим йўқ. Бироқ шу йилнинг 6 май куни маҳалламизда бўлиб ўтган фуқаролар йиғини раиси сайловида иштирок этиб, кўз ўнгимизда юз берган кўзбўямачилик, ҳўжакўрсинга ўтказилган сайловнинг адолатсиз яқунидан сўнг бир неча маҳалладошлар бу масалани очик қолдирмасликни мақсад қилдик. Шундан сўнг бир неча идораларга «югур-югур»ни бошлаб юбордик. Мен билан бир ҳамфикр маслақдошларим ҳам ҳаётнинг анчик-чучутини татиган, обрў-эътиборли инсонлар. Начора, кексайганда шу юмуш ҳам бор экан, зиммамизда...

Аризачи бир даста ҳужжатларни қўлимизга тутқазди. Дастлаб Наманган шаҳар маъмурий судига киритилган шикоят аризаси билан танишдик. Унда

даставвал маҳалла фуқаролари томонидан кўрсатилган номзод сайлов жараёнига қўйилмаганлиги, вакилларга таклифномалар тартибсиз тарқатилгани, сайлов ўтдиган жойда иштирокчиларга етарли шароит яратилмагани (масалан 516 нафар вакил учун 285 донга стул қўйилган ва сайлов бошланганида унинг ҳам бир қисми бўш бўлган), санок комиссиясига аъзо сифатида номзодлардан бирининг қариндоши қўйилгани каби «ғаройиб воқеа»лар бирма-бир қаламга олинган. Жами эътирозлар 14 та бандни ташкил этади ва остида 23 нафар кишининг исм-фамилияси келтирилиб, имзо қўйилган.

Иш судга кўриб чиқилди

— Бу шикоят аризасини ёзганимизга қадар шаҳар ҳокимлигига, Наманган шаҳар бўйича сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссияга бир неча бор мурожаат қилдик, — дейди В.Нишонов. — Лекин бизга қуруқ ваъдалар берилди. Ахвол эса ўзгармади. Шундан сўнг энг тўғри йўл



сифатида судга даъво киритиш ҳаракатига тушдик. Бунда яна бир қанча қийинчиликларни (хатто қаршиликларни) енгиб ўтишга тўғри келди. Ва ниҳоят адолат қарор топди: «Ахсикент» маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган сайлов маъмурий суд қарори билан ҳақиқий эмас, деб топилди.

Дарҳақиқат, жорий йил июль ойининг 5-санасида Қосонсой тумани маъмурий суди раиси Б.Абдуллаев раислигида бўлиб ўтган очик суд мажлисида мазкур шикоят атрофлича кўриб чиқилган. Салкам беш қоғозни тўлдирган суд ҳужжатидан айрим жумлаларни келтириб ўтамиз:

«Ахсикент» маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови бўйича ўтказилган фуқаролар вакиллари йиғилишининг 2019 йил 6 майдаги 1-сонли йиғилиш баёнига асосан, санок комиссияси 5 (беш) нафар шахсдан иборат тартибда тузилган бўлса-да, овозларни санаш натижалари бўйича тузилган баённома 3 (уч) нафар комиссия аъзоси томонидан имзоланган, ҳолос. Қолаверса, санок комиссиясининг баённомаси қонунга

хилоф равишда комиссия раиси томонидан эмас, аъзоси томонидан ўқиб, эшиттирилган.

Гарчанд, жавобгарлар сайлов амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилганини таъкидласалар-да, суд овозларни санаб чиқишда йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатларини овоз бериш яқунларига таъсир қилган, деб ҳисоблайди.

Ана шунақа, гаплар. Хуллас, суд мажлисида ҳар бир ҳолатга аниқлик киритилган, масаланинг қонуний жиҳатлари эътиборга олинган ва аризаларнинг шикоятни қаноатлантирилган. «Жимжимадор» қилиб айтганда, Наманган шаҳар «Ахсикент» маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)ни сайлаш бўйича 2019 йилнинг 6 май куни ўтказилган сайлов ҳақиқий эмас, деб топилган.

Бунга қандай йўл қўйилди?

Энг аввало, фуқароларнинг ҳукукий онги ўсиб бораётган бир даврда ҳар бир ишга ёндашишда мавжуд тартиб-қоидалар бузилса, оқибати ана шундай шармандалик билан тугаши аниқ. Ҳолатни ўрганиш жараёнида эътиборимизни тортган яна бир жиҳат — «Ахсикент»да 6 май куни бўлиб ўтган сайловда санок комиссияси аъзосига қариндош бўлган номзод раисликка сайланган(!) ва орадан ҳеч қанча вақт ўтмай «саломатлиги ёмонлашгани сабаб» ишдан бўйлаб ҳақида ариза берган. МФЙ раиси вазифасини бажариш эса бошқа бир (айнан маҳалланинг бир гуруҳ вакиллари хоҳлаган, лекин номзоди рўйхатга олинмаган) фуқарога юклатилган. Орадан вақт ўтиб, яъни 27 июнь куни бу ҳақда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Наманган шаҳар кенгашининг 240-сонли буйруғи ҳам қабул қилинади. Ажабланарлиси, соҳага тааллуқли расмий йиғилишларда «саломатлиги ёмонлашгани учун ариза ёзган раис» қатнашади. Амалда эса фуқаролар йиғинини «вақтинча

раис» бошқаради. Ана сизга «олам-олам гул».

(Барча иштирокчиларнинг исм-фамилияси муаллифга маълум, суд ҳужжатларида келтирилган. Бироқ, айрим сабабларга кўра, ошқор этилмади).

Энди нима бўлади?

Худди шу савол билан Маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Наманган шаҳар кўмаклашувчи комиссияси раиси биринчи ўринбосари Талъат Гаффаровга мурожаат қилдик.

— Ҳақиқатан ҳам, «Ахсикент» маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови жараёнида ишчи гуруҳи томонидан бир қатор камчиликларга йўл қўйилган, қонунбузилиш ҳолатлари юз берган, — дейди Т.Гаффаров. — Биз мавжуд вазиятни ўрганиб, жорий йилнинг август ойи ичида мазкур маҳаллада қайтадан сайлов ўтказишга қарор қилдик. Бу сафар барчаси шаффоф ва ҳолислик билан ўтди.

Дарҳақиқат, шу йилнинг 8 август куни «Ахсикент»да яна маҳалла фуқаролар йиғини раислигига сайлов бўлиб ўтди. Бу гал яна икки кишининг номзоди кўрсатилди ва ўша «вақтинча раис» кўпчилик овоз билан расман йиғин етакчилигига сайланди. Ҳартугул, иккинчи маротаба ўтган сайловдан шикоятчиларнинг ҳам кўнгли тўлди. Демак, дастлабки сайловда номзоди рўйхатга олинмаган кишини кўпчилик раисликка муносиб кўрган экан. Боиси у узок йиллар шу маҳаллада «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмасига раҳбарлик қилган, йиғин ҳаётининг «кирк-чирк»ларини яхши билади, одамларнинг ишончини қозонган.

Халқимиз бежиз «Қингир ишининг қийинг қирқ йилдан кейин ҳам чиқади» демаган. Юқоридаги ҳолатда «қийин»нинг чиқиши узокқа қўзилмади, одил суд ўз ҳукмини айтди. Ундан қандай хулоса чиқариб олиш ҳар кимнинг ўзига ҳа-вола. Бизни ўйлантирган бир савол очик қолмоқда: амалдаги қонунчиликка кўра, эндиликда маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) уч йил муддатга сайланиши керак. «Ахсикент»да сайлов ҳақиқий эмас, деб топилгандан сўнг уч ой муддат ўтиб сайланган янги раис ушбу уч йиллик муддатни тўлиқ адо этса, демак, мазкур маҳалладаги кейинги сайлов ҳам барча маҳалла фуқаролар йиғинлари билан бир вақтда эмас, балки, улардан уч ой кейинроқ ўтармикан? Яна ким билади, дейсиз...

Илҳомжон РАҲМАТОВ
«Mahalla»

МЕНДА САВОЛ БОР...

Қасаба уюшма етакчиси қандай сайланади?



— Қорхонамизда қасаба уюшма ташкилотини тузилмаган. Қасаба уюшмасини ташкил этиш ва унга етакчи сайлаш қандай амалга оширилади?

Гулнора АХМЕДОВА,
Фаргона вилояти.

Дўстмурод ТҶИЧИЕВ,
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси етакчи мутахассиси:

— Қасаба уюшмаси ташкилотини бўлмаган қорхонада қамида 5 нафар ходим биргаликда уни ташкил этиши мумкин. Бунинг учун қайси тармок қасаба уюшмасига кирмокчи бўлса, ўша тармок қасаба уюшмасининг устави билан танишиб чиқиш лозим. Шундан сўнг қорхона меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (умумий йиғилиш қақиринининг имкони бўлмаган йирик қорхоналарда конференция)

ўтказилиб, қасаба уюшмаси ташкилотини тузиш ва қайси тармок қасаба уюшмаси тизимига кириш ҳақида қарор қабул қилинади. Шунингдек, йиғилиш (конференция)да:

— 15 нафаргача қасаба уюшмаси аъзосини бирлаштирган бошланғич қасаба уюшмаси ташкилотини — қасаба уюшмаси ташкилотчиси, унинг ўринбосари ва газначи;

— 15 ва ундан ортиқ қасаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирган бошланғич ташкилотда — қасаба уюшмаси қўмитаси ва (агар бошланғич ташкилот алоҳида ҳисоб рақамига эга бўлса) тафтиш комиссияси сайланади. Бошланғич ташкилот ташкил этилгандан сўнг ўн кун муддатда бу ҳақда қайси тармок қасаба уюшмасига кирилмокчи бўлса, шу қасаба уюшмасининг ҳудудий ташкилотига (туман, шаҳар кенгаши, вилоят бирлашган қўмитасига), улар бўлмаган тақдирда эса — қасаба уюшмаси Республика кенгашига хабар қилинади.



Янги ва чидамли навларга эҳтиёж катта

Бунинг учун ўзлаштириш эмас, илмий салоҳиятдан унумли фойдаланиш зарур

Олимлар одам, ҳайвон ва ўсимлик генлари тузилиш жиҳатидан бир-бириса жуда ўхшаш эканини таъкидлашмоқда. Бундан кўриш мумкинки, табиат яхлит бир тизимдан иборат. Ундаги барча тирик мавжудот ҳаммиса бир-бирини тўлдириб келган. Аммо давримизга келиб чуқур илмий изланишлар ва янгилıklar қўламини тобора кенгайиб бормоқда. Айниқса, гени ўзгартирилган, гибрид технологияси асосида яратилаётган янги навли маҳсулотлар кундан-кунга кўпаймоқда. Буни қишлоқ хўжалиги соҳасида катта натижа дейиш мумкин. Лекин табиат қондаларига ўзгартириш киритишнинг салбий оқибатлари йўқми, деган савол туғилиши аниқ. Шу йўналишдаги ўзгаришларни таҳлил қилиш мақсадида Геномика ва биоинформатика маркази илмий ишлар бўйича директор муовини, биология фанлари доктори Забардас Бўриев билан суҳбатлашдик.

— Сайёрамизда йилдан-йилга иқлим ўзгариб, ҳарорат кўтарилиб бораётгани сабаб курғокчилик, сув муаммолари ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда, — дейди З.Бўриев. — Ирригация тизими ва дренажларнинг яхши ишламаслиги натижасида ер ости сувлари юқорига кўтарилиб, шўрланиш ортиб борапти. Бу қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликнинг тушиб кетишига сабаб бўлаётган абиотик (табиат билан боғлиқ бўлган) факторлар ҳисобланади. Бундан ташқари, охириги йилларда биотик факторлар ҳам анча кўпайди. Яъни ҳар хил бактерия, вирус, замбурут, ҳашарот ва зараркунадалар сонини ортиб бормоқда. Юртимиз ҳудудига ҳар хил янги ҳашаротлар кириб келяпти. Масалан, дуга абсолют (помидор қуяси) деган ҳашарот помидор барглари кўриб қўйяпти. Бунинг натижасида ҳосилдорлик кескин тушиб кетди. Бошқа экинлар мисолида ҳам шу ҳолатни кузатиш мумкин. Бундай ёмон ҳолатлардан чиқиш йўлларида бири, янги ва чидамли навларни яратишдир. Бунинг учун махсус инновацион технологиялар ва янги ҳа ёндашув зарур.

— Бирор маҳсулотнинг янги намини яратиш учун қанча вақт талаб этилади? Бу борада қандай янги технологиялар қўлланилмоқда?

— Айтайлик, аввал битта янги пахта намини яратиш учун 25-30 йил вақт кетарди. Ҳозир бунча узок кутишнинг имкони йўқ. Шунинг учун Геномика ва биоинформатика марказида ген-нокаут технологияси асосида узог билан олти-саккиз, баъзан уч йил ичида янги навлар яратилляпти.

Бундан бир неча йил аввал маҳсулот генини ўрганиш учун унинг ҳосилга киришини кутишга тўғри келарди. Маркерларга асосланган селекция технологияси ёрдамида эса ниҳол униб чиққач, селекция ишини амалга ошириш имкони туғилди. Бунда аниқлик даражаси ортади ва вақтдан ютиш мумкин. Шунингдек, аввалгидан фарқи равишда бир йилда икки-уч марта ҳосил олишга ҳаракат қилиялми. Бундай усуллар орқали янги нав яратиш муддатини қискартиришга эришялми.

Марказимизда бу борадаги ишлар икки йўналишда олиб борилмоқда. Биринчиси, ча-тиштириб, фақат молекуляр маркерлар ёрдамида селекция жараёни тезлаштирилади. Иккинчиси, ген-нокаут технологияси ёрдамида маҳсулотнинг айрим генлари ўзгартирилади ва янги биотехнологик нав яратилади. Бу нисбатан қискарот вақт талаб этади. Асосийси, хавфли жиҳати йўқ, чунки бегона ген киритилмайди. Ўзининг гени ўзгартириб қўйилади, ҳосил. Шу усул ёрдамида картошканинг янги «Сарнав» тури яратилди. Унинг битта генини ўзгартириб, илдиз системасини яхшиладик. Натижада ҳосилдорлик 30 фоизгача оширилди. Ҳозир бу нав дала синовларидан ўтказилмоқда. Асосий эътибор эса унинг био-хавфсизлигига қаратилмоқда.

— Янги навларни қўлай-тириш борасида сўз кетганда, юртимизга хорижий мамлакатлардан кириб келаётган махсус кадоқланган уруғларга ҳам тўхталмай иложимиз йўқ...

— Хориждан кириб келаётган уруғлар гибрид технологияси асосида олинган бўлиб, иккита нав ча-тиштирилиб, биринчи авлод уруғ яратилади. Биринчи йил ҳосилдорлик жуда юқори бўлади. Кейинги авлодда эса кўрсаткич кескин тушиб кетади. Қолаверса, бир-бирдан узокрок бўлган турлараро ча-тиштиришда насл қондирилмайдиган даражада уруғлар сони камайиб кетади. Бу технология илк бор 1970 йилда Европа компаниялари томонидан жўхори навлари устида амалга оширилган. Уларнинг асосий мақсади, уруғларни қўлайтириш имкони чеклаш бўлган.

Ҳозир юртимизга баъзи қишлоқ хўжалиги экинларининг 90 фоизгача уруғлари хорижий давлатлардан кириб

келяпти. Лекин ҳали уларни текшириш тўлиқ йўлга қўйилгани йўқ. Айримларигина таҳлил қилинляпти, ҳосил. Қай-сидир маънода экинлардаги касаллик ва ҳашаротларнинг қўлайиб кетаётганини шу ҳолат билан ҳам боғлаш мумкин. Бунинг учун етарлича асосларимиз ҳам бор. Яқинда шундай тут ва ток қўчатлари ёкиб юборилди.

Ишлаб чиқарувни сотиб олинаётган уруғнинг кафолати керак. Чет эл компаниялари эса униб чиқиш ва ҳосилдорлик кафолатини берапти. Бу бозор, деҳқон ҳам далада бекор ишлашни хоҳламайди. Шундай экан, муаммага ечимни чекаш билан эмас, балки юртимизда уруғчиликни ривожлантириш, ўзимизда ҳам шундай компанияларни ташкил қилиш орқали топиш мумкин. Бунинг афзаллики жиҳатлари қўп. Биринчи навбатда, ташқаридан турили касалликлар қўриб келишнинг олди олинади. Қолаверса, ўзимизда уруғчилик компанияларининг иш бошлаши билан нархлар арзонла-



олишда махсус технологиялардан фойдаланиш борасида ҳам анчагина қўлайликлар туғилмоқда. Интенсив бокка аънавий боғларга нисбатан 3-4 баробар кўпроқ қўчат сигдириш мумкин. Табиийки, олинаётган ҳосил ҳам анча юқори бўлади.

Бошқа давлатлар қатори биз ҳам шу тизимга ўтишга мажбурмиз. Аҳоли ва талабнинг охиб бориши бу технологиядан фойдаланиш эҳтиёжини юзага келтирмоқда. Тўғри, уларнинг мазаси борасида бирор гап айтиш қийин. Лекин боғдорчилик йўналишида қадимий навлар жамланган катта коллекцияларимиз мавжуд. Мана шу имкониятдан фойдаланиб ўзимизда қўчатчилик ривожлантирилса, уларни пай-вандлаб, интенсив боғ барпо этилса, ҳам сифат, ҳам ҳосилдорлик ортади.

— Бугун деҳқончилик ва боғдорчиликда жуда қучли кимёвий дори воситаларидан фойдаланиляпти. Бунинг инсон саломатлигига таъсири масаласи нима учундир эътибордан четда қолмоқда.

— Бу фақат Ўзбекистонда эмас, бутун дунёда юз бераётган жараён. Бонси биотик таъсирлар қучи ортиб кетган. Францияда бўлганимизда, экинлардан бир марта ҳосил олиш учун 10 мартагача дори-лар билан ишлов берилаётганига гувоҳ бўлдик. Аслида бир марта сепилган дори 20 кунгача таъсирини сақлаб туради. Бу муддат ўтган, касаллик ёки ҳашарот тушиши хавфининг олдини олиш учун яна дори сепишга эҳтиёж туғилади. Ҳосил пишиб етилгач, агротехнология талабига кўра, кимёвий воситалар эҳтиёж мумкин эмас. Бу уларнинг қўлланмасида ҳам ёзиб қўйилган.

Ортиқча кимёвий дорилар сепилишининг олдини олиш ва самарали натижага эри-

лиш мақсадида секин-асталик билан персоналлаштирилган қишлоқ хўжалиги тизимига ўтишга ҳаракат қилинмоқда. Бунга кўра, битта навга ик-лим шаронтидан келиб чиқиб алоҳида ўғит, стимулятор, агротехнология ва ишлов тавсия этилади. Юртимизда бу борада махсус қарор қабул қилиниб, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида илк тажриба-синов ишлари бошлаб юборилган.

— Бугунги кунда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш борасида қандай вазифалар долзарб аҳамият касб этмоқда? Уларнинг ечими борасидаги тақдирларингиз?

— Ҳозир ўзбек брендини яратиш энг асосий масалалардан бирига айланган. Дунёда ҳаммиса ўхшаш йўқ маҳсулотларга талаб қучли бўлган. Юртимиз тупроғида пишиб етилган узум, гилос ва анорнинг мазасини эса ҳеч нарсга тенглаштириб бўлмайди. Аммо базиди шундай меваларни экспорт қилишда ҳам муаммолар юзага келмоқда. Сабаби қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жаҳон стандартлари бўйича сертификатга эга бўлиш масаласи муаммолигича қолмоқда. Қолаверса, қишлоқ хўжалиги юристларини тайёрлашимиз керак. Бу ўз ҳақ-хуқуқларимизни ҳимоя қилишда аскада.

Экспорт ҳажмининг ортиши ишлаб чиқариш сифатига ҳам таъсир кўрсатади. Соғлом рақобат муҳити шаклланади. Аҳолининг катта қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланишини ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг турмуш шаронти бундан ҳам яхшиланади.

— Фикр ва тақдирларингиз учун ташаккур!

«Mahalla» мухбири
Шахноза РАХИМХЎЖАЕВА
суҳбатлашди.



Ўзбеклар қачон 50 миллионга етади?

ЁХУД ДЕМОГРАФИК
МУАММОЛАРГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР

Мамлакатимиз шиддат билан ривожланиб бораётган айни кезларда юртимиз аҳолисининг сони, ундаги таркибий ва сифат жиҳатидан ўзгаришлар муҳим аҳамият касб этади. Айтиш жоизки, миллий иқтисодиётимизда инновацион тенденцияларнинг таъсири кучайиши билан жамиятимиздаги демографик ўзгаришларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти йил сайин ортиб бормоқда. Бу жараён, авваламбор, юртимиз аҳолиси миқдорининг юқори суръатларда ошиб бораётгани билан боғлиқдир.

1990 йилда Ўзбекистонда 24,3 млн. киши истиқомат қилган бўлса, бу рақам 2019 йилнинг бошига келиб 33 млн. 255 минг 538 нафарни ташкил этди. Хозирги даврда аҳолисининг йиллик табиий ўсиши 450-500 минг кишига тўғри келади. Демограф мутахассисларнинг маълумотларига кўра, 2050 йилга бориб мамлакатимиз аҳолиси 46-47 млн. кишини ташкил этади. Юртимизда кечаётган демографик жараёнлар тўғрисида **иқтисод фанлари доктори, профессор Баҳодир Умурзоқовнинг** фикрлари билан қизиқдик.

Қайси босқичдамиз?

— Хорижий мамлакатлардаги инновацион тенденция-

лар таъсиридаги демографик жараёнлар хозирги даврда энг муҳим ва долзарб омил сифатида тан олинмоқда, — дейди Б.Умурзоқов. — Ўзбекистонда ҳам охириги йилларда бу масала муҳим аҳамият касб этапти. Аҳоли миқдорининг ўзгариш динамикаси, барча ҳудудларда мутаносиб жойлашуви, таркибий тузилиши, асосан, давлатимиз иқтисодий ривожланишининг стратегик омиллари ва унинг келажак учун ижтимоий-иқтисодий параметрларини шакллантиришга таъсир этади. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистондаги демографик жараёнлар хозирги халқаро демографик низомларга мувофиқ соғлом тарзда ривожланмоқда.

ДАРВОҚЕ...

Дунё қаёққа қараб кетяпти?

Бугунги кунда сайёрамизда 7 миллиарддан ортиқ киши истиқомат қилади. Аҳоли сони кун сайин ўсмоқда.

БМТ прогнозларига кўра, аср ўрталарига бориб, ер юзиде 100 ёшдан ошган 3,2 миллионга яқин киши истиқомат қилади. Бугунги кунда уларнинг сони 300 мингдан ошиб кетган. 2050 йилда аҳолининг ўртача ёши 76, 2100 йилда эса 85 ёшни ташкил қилади. Бунга соғлиқни сақлаш тизимининг яхшиланиши, иқтисодий фаровонлик сабаб бўлади.

БМТ маълумотларига кўра, 2025 йилда ер юзиде 8,1 миллиард киши истиқомат қиладиган бўлса, асрнинг ўрталарида бу рақам 9,6 миллиардга етади.

Аммо Европа мамлакатларида туғилиш камаймоқда. Ахвол шу тахлит давом этадиган бўлса, 40 йилдан кейин қитъа аҳолиси 100 миллион кишига камайд. 60 ёшдан ошган фуқаролар сони 47 фоизга кўпайиб, меҳнатга яроқли фуқаролар 24 фоизга осяди. Таҳлилчиларнинг айтишича, демографик муаммолар билан биргана Европа халқлари тўқнаш келаётгани йўқ. Тез орада Жанубий Корея, Япония, Тайван, Сингапур ва ҳатто Хитой ҳам меҳнатга яроқли фуқароларга муҳтожлик сезади.

«Учинчи дунё» мамлакатларида мутла-

қо бошқача вазиятни кузатиш мумкин. Бу мамлакатларда ҳар 15 ойда аҳоли 100 миллион кишига кўпаймоқда. Бугунги кунда 15 ёшдан кичик ҳар 10 нафар боланинг 9 нафари ривожланаётган мамлакатларда истиқомат қилади. 2050 йилда жаҳон аҳолисининг 70 фоизи кам даромад кўрадиган 25 та мамлакатда истиқомат қилади. Жаҳон ёшларининг кўпчилиги иш топиш қийин бўлган мамлакатларда истиқомат қилиши бу давлатларнинг қашшоқлашувиға олиб келади ва ушбу минтақаларда яшовчи одамларнинг тараккий этган давлатларга кўчиб кетиши табиий ҳолға айланади.



Дунё таърибасидан келиб чиқиб ҳулоса чикарадиган бўлсак, хозирги ривожланиш даврида жаҳондаги барча давлатлар каби Ўзбекистон ҳам демографик соҳада эволюцион жараёнларни, яъни демографик ўтишнинг муайян босқичларини бошидан ўтказиши тайин. Маълумки, биринчи босқич юқори даражадаги туғилиш ва ўлим миқдори билан боғлиқ бўлса, иккинчи босқичда ижтимоий тараккийёт ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги муваффақиятлар туфайли ўлим даражаси кескин камайиши, туғилишнинг юқори даражаси сақланиб қолиши кузатилади. Ўзбекистон ўзининг демографик ривожланишида дунёнинг кўпдаб давлатлари сингари иккинчи босқичдан ўтиб, ёш аҳоли қатлами ўсиб бориши туфайли учинчи босқичга қадам қўйган.

Жаҳон амалиётида демографик ривожланишнинг тўртинчи босқичи ўлим кўрсаткичи туғилишдан ошиб кетиши ва депопуляция жараёни кириб

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:



Жаҳон бўйича миллатдошларимиз сони қанча ва улар қаерларда яшайди?

Хорижий экспертларнинг маълумотиға кўра, дунё бўйича 40 миллиондан ошқиб ўзбек миллатига мансуб киши яшайди. Уларнинг асосий қисми Ўзбекистонда истиқомат қилса, қўшни Афғонистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистонда ҳам кўпсонли ўзбек миллати вакиллари бор. Умуман олганда, дунёнинг ҳар бир давлатида ўзбекларни учратиш мумкин.

келиши билан характерланади. Бу эса давлатнинг демографик ва ижтимоий хавфсизлигига таҳдид солади.

Меҳнат бозоридаги вазият қандай?

Юртимизда нисбатан юқори туғилиш даражаси мавжуд. Бугунги кунда мамлакатимиз меҳнат ресурслари аҳолининг 57 фоиздан ортигини ташкил этади. Демографик ривожланиш ва инновацион тенденциялар таъсирида ҳамда иқтисодиётдаги туб таркибий ўзгаришлар натижасида меҳнат бозоридаги вазият кескинлашиб бормоқда.

Меҳнатга лаёқатли аҳолининг иқтисодий фаол қисмига назар ташласак, уларнинг ярмидан кўпи норасмий ишлаб чиқариш секторида банд эканига гувоҳ бўламиз. Жамиятдаги меҳнат ресурсларини саноат ва ҳудудлар микёсида тақсимлаш, улардан фойдаланиш самарадорлиги, малакавий даражаси кабилар бўйича жиддий муаммолар борлиги айни ҳақиқатдир.

«Аҳолининг кексайиши» рўй берадими?

Демографик жараёнлар учун яна бир муҳим масала — Ўзбекистон аҳолиси улушида пенсионерларнинг ўрни аста-секин ўсиб боришидир. Яқин келажакда республикада «аҳоли кексайиши», яъни пенсия ёшидагиларнинг миқдори 2050 йилга бориб икки бараварига ошиши кутилмоқда. «Аҳолининг қариши», асосан, хозирги 30-35 ёшда-

гиларнинг ўттиз йилдан сўнг пенсия ёшига етиб бориши ва улар ўрнига келганлар нисбий жиҳатдан камлиги билан ифодаланади.

2017 йил бошида Ўзбекистонда 4,6 млн. нафар расман ишлаб турганлар 3,1 млн. нафар пенсионерга пенсия маблағларини тўлаб туриш имкониятини яратган эди. Ўртача ҳар бир пенсионерга 1,5 нафар ишчи тўғри келган бўлса, мутахассислар тахмини бўйича 2050 йилга келиб пенсионерлар сони 6 млн. кишига ошганда, Пенсия жамғармасининг молиявий ҳолати сезиларли даражада мураккаблашиб қолиши мумкин.

Муаммолар жиддий тус олмаслиги учун...

Давлатимиз томонидан мамлакатимизда демографик муаммолар жиддий тус олишининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар вазиятнинг юмшатиши шубҳасиз. Бу ижтимоий-иқтисодий соҳани ривожлантиришга қаратилётган эътиборда яққол кўзга ташланади. Чунончи, пенсия тизimini такомиллаштириш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш, инновацион технологияларга ҳос иш ўринларини ташкил этиш ва фаолиятини юритиш, тиббий хизмат сифатини яхшилаш борасида қўрилаётган чора-тадбирлар, Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолининг рўйхатда олишни ўтказиш концепцияси тасдиқлангани ва бошқа жиҳатларни тилға олиш мумкин.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
тайёрлади.

Инновацион ривожланиш вазирлиги 15 нафар ёш олимни Германияга юборади.

Бугунги кунда коррупция халқимизнинг асосий ташвишларидан бирига айлангани яширилмай қўйилди. Муаммога очиқ кўз билан қараямиз. Зеро, душманга қарши курашиш учун аввал унинг ким эканини билиб олиш лозим. Ўтган йилларда, айниқса, ҳуқуқ тизимларида уя қурган коррупцион схемалардан аҳоли кўп азият чеккани ҳам бор гап. Масалан, Адлия вазирлиги тизими таркибида ҳисобланувчи нотариуслар, ФХДЁларда ҳамон эски замонасини қўмсаётганлар, қилиқларини қўймаётганлар топилади. Яқинда вазирлик коррупцияга қарши курашда янги тажрибани бошлади. Хўш, Антикоррупциявий комплаенс деб аталувчи янги дастур ўзи нима? Ундан қандай натижалар кутиляпти. Бу ҳақда Адлия вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи Севара Ўринбоевнинг фикрлари билан қизиқдик.



Антикоррупциявий комплаенс нима?

Ёхуд Адлия вазирлиги коррупциядан холи соҳага айлана оладими?

Кураш бошланди, энди ортга қайтиш йўқ

— Коррупциянинг илдизини қуришти учун ҳар бир соҳада назоратни кучайтириш, шу каби ҳолатга олиб келувчи оқибатларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича тизимли чоралар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалда қўллаш бўйича комплекс ёндашув зарур, — дейди **С. Ўринбоев**. — Бугунги кунда турли давлат органлари иллатга қарши курашда ўз услубларини қўлламоқда. Буларнинг қай бири юқори самара беришини, албатта, вақт кўрсатади. Адлия вазирлиги ҳам тизимда коррупцияга қарши курашишда қатор босқичларни ўз ичига оладиган янгиликларни жорий қилмоқда. Биринчи босқичда Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш сиёсати ишлаб чиқилди. Антикоррупциявий комплаенс ана шу сиёсатнинг бир қисми ҳисобланади.

Идоравий комплаенс қандай ишлайди?

Идоравий комплаенс тизими ўзида касбий ва ахлоқий қондалар ижросини таъминлаш, қонунчилик, ички тартиб-қондаларга риоя этилмасликка оид ҳаттарларни қамайтириш мақсадида амалдаги қонун ҳужжатлари ва ички идораий ҳужжатлар бузилишига йўл қўймаслик бўйича профилактик чора-тадбирлар ва олдини олувчи ҳаракатлар мажмуини назарда тутadi. Комплаенс тизими ходимлар ўртасида коррупцияга мойиллиқни пасайтиради, иллат билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар хавфини қамайтиради.

Коррупцияга қарши курашишдаги тамойиллар қандай?

Бунда вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашишда асосий тамойиллар белгилаб олинди. Ҳар қандай кўринишдаги коррупцияга муросасиз муносабатда бўлиш, коррупцияга оид ҳаттарларни мунтазам баҳолаш, профилактик характердаги чоралар, ахборот, ташкилий ва назоратдан комплекс тарзда фойдаланиш, вазирлик тизимида коррупцияга кўп учраётган йўналишни тақомиллаштириш, коррупциявий ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун жавобгарлиқнинг муқаррарлиги шулар жумласига киради.

Мазкур тамойилларга амал қилиш коррупцияга қарши кураш фаолиятини амалга оширувчи ходимларнинг асосий вазифасига айланади. Хусусан, ҳар қандай даражадаги лавозимда ишлаётган ходим коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этса, у билан хайрлашамиз. Адлия органларида ишловчи ходимларда ҳалоллик муҳим хислатга айланиши лозим.

Вазирликдан келганлар энди «мехмон» қилинмайди

Кураш сиёсатини ишлаб чиқиш жараёнида муаммонинг барча жиҳатларига эътибор қаратилади. Ҳатто, энг майда ҳолатлар ҳам назардан четда қолмади. Жумладан, жамоатчилик ва фуқаролар билан ўзаро ҳамкорлик, коррупцияга қарши экспертиза, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, «сирли мижоз» тадбири, совга-лар бериш ва олишни чеклаш,

текшириш ва ўрганишлар ўтказиш, одоб-ахлоқ қондаларига риоя қилиш сиёсатимизнинг асосий йўналишлари ҳисобланади. Масалан, кўпчилик назарида жуда оддий маиший масала ҳисобланган ўзбекона меҳмондўстлик ҳам назаримизда ноконуний ҳаракатлар учун замин яратади. Вазирлик ходими ҳудудларга хизмат сафарига борганда уни меҳмон қилиш арзимаган нарса бўлиб кўриниши мумкин, лекин бунинг оқибатида бошқа ноҳус ҳолатлар (меҳмонни рози қилиш учун пул йиғиш ва ҳ.к) келиб чиқаётгани ҳам сир эмас. Шу сабабли биз адлия органлари ходимларига ҳудудларга хизмат сафари давомида тизимдаги ва бошқа идоралар ходимлари билан умумий овқатланиш жойларига бориш тақиқланди.

Иккинчи фаза якунлари бўйича қутилаётган натижалар

Стратегик сиёсатни ишлаб чиқиш курашимизнинг биринчи фазаси ҳисобланади. Иккинчи фаза чора-тадбирлари коррупциявий ҳолатларнинг келиб чиқмаслигини таъминлашга йўналтирилган. Аммо биз қандай дастур қўлламайлик, фуқароларнинг фаоллиги кузатилмас экан, порахўрлик, таъмағирлик каби ҳолатлардан бизни оғохлантирмас экан, иллатдан бутунлай қутулишнинг иложи йўқ. Шу сабабли бу босқичда фуқаролардан коррупциявий ҳолатлар келиб чиққанида зудлик билан вазирлик тизимидаги масъул шахсларни оғохлантириш талаб этилади. Бу ўринда коррупциявий ҳолатларни фож этган шахслар сир қутулиши қафолатланган.

ДАРВОҚЕ...

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КИМ ҚАНДАЙ КУРАШАДИ?

Порахўрликка қарши ҳар бир давлат ўз ҳолича курашиб келади ва қаердадир коррупцияга деярли барҳам берилган бўлса, бошқа жойда бу иллат «гуллаб-яшнаш»да давом этмоқда. Коррупцияга қарши курашиш борасидаги жаҳон тажрибасига назар ташлайлик.

Хитой

Хитойда порахўр бир умрлик қамок ёки ўлим жазосига маҳкум этилади. Маълумотларга кўра, 2003 йилдан бери бу давлатда 10 мингга яқин мансабдор отувга ҳукм қилинган, 120 минг нафари эса узоқ муддатларга қамалган. Айрим ҳолатларда пора билан ушланган амалдорларнинг қўллари чопилган.

Бундан ташқари, хитойликлар пора олиш иллатига қарши курашиш бўйича махсус курсларга қатнашади. Давлат хизматчилари руҳий ва жисмоний машқлар орқали ақл ва таналарини соғломлаштиришади. Шунингдек, Хитойда онлайн-ўйин ишлаб чиқилган бўлиб, бу ўйинда фойдаланувчилар порахўр амалдорларни бутун қариндошлари билан қириб ташлашлари керак бўлади.

АҚШ

Қўшма Штатларда ҳам коррупцияга қарши курашга алоҳида эътибор қаратилган: порахўрлик олинган поранинг уч баравари миқдоридagi жарима, айрим ҳолларда эса 15 йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Мансабдор бирор шахсан муаммосини ижобий ҳал қилиб бериш учун совға олса, жиноий жавобгарликка тортилади. Давлат идоралари ходимлари мансаб ваколатларини сунестеъмол қилиш ҳолатлари сезилганида тегишли органларга хабар беришлари шарт. Бундан ташқари, давлат хизматчилари топган даромадлари ҳақида декларация тўлдиришга мажбур.

Сингапур

Мамлакатда барча даражадаги амалдорларнинг фаолиятининг тўлиқ шаффофлиги таъминланган. Амалдорларнинг мажбурий роташиеси тартиби жорий этилган. Амалдорларнинг фуқаролар билан муносабатларида турли бюрократик тўсиқлар олиб ташланган механизм яратилган. Бундан ташқари, барча мансабдорларнинг машошлари сезиларли даражада оширилиб, суд тизими мустақиллиги таъминланган, пора олганлик ва берганлик учун қатъий жазо белгиланган. Шу билан бир вақтда коррупциянинг ҳар қандай кўриниши ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб турувчи мустақил оммавий ахборот воситалари шакллантирилди.

Сингапурнинг биринчи бош вазири Ли Куан Юнинг коррупция устидан галаба қозониши исган инсон ўз қариндошлари ва яқин дўстларини ҳам қамашга тайёр бўлиши кераклиги ҳақидаги машҳур ибораси мамлакатда коррупцияга қарши кураш аёвсиз бўлганидан далolat.

Муҳими ҳар бир фуқаро порахўрликка одалланган қўлларга қўл тутилиши ҳаром деб билиши, ўзидаги ушбу иллат билан қурашишга қуч топа олишида.

Улугбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»

Андижонда шоир ва ёзувчилар ҳокимларга маслаҳатчи сифатида бириктирилади.

— Мен тўйни қайтараман, аслида сизга кўнглим йўқ эди, уй олишни ўйлаб совчи қўйгандим. Биласиз, озу кўп ютукқа эришганман, сиз ҳокимиятда ишлайсиз. Менинг ютуқлариму сизнинг ишхонангиз ҳурмати учун ёшлар уйдан квартира ажратишади, деб ўйлагандим. Шу боис «ЗАГС»дан ўтишни ҳам тезлаштиргандим. Афсуски, натижа бермади, бизга уй беришмади. Келинг, шу ерда нуқта қўяйлик, кўриб турганингиздек, никоҳимиз омадли бўлмаяпти, бу биринчи қадамданоқ аниқ...



никоҳга амр этган. Қолаверса, У Зот инсон ҳаётини турли тартибсизлик ва келишмовчиликлардан, харом-харишдан, ифлосликлардан ва уларнинг оқибатидан келиб чиқадиган бало-офатлардан сақлаш учун ҳам шундай қилган.

Расулulloх (с.а.в.): «**Ким уйланса, батаҳқиқ, имонининг ярмини мукаммал қилибди. Қолган ярмида Аллоҳга такво қилсин**», деганлар. Афсуски, бугун айрим йигитларимиз никоҳнинг ана шундай муқаддаслигини англамай, шахсий манфаатини ўйлаб, нафс йўлига кириб, оила қуришга ҳаракат қилмоқда. Аслида исломда никоҳнинг ҳамма харажати эркак томонидан қопланади. Динимизда сеп йўқ. Ҳозир баъзи йигитлар келиннинг сепини кўзлаб, унинг орқасидан келади диган фойдани ўйлаб, оила қуришга чоғланаётгани исноддир.

Келин-куёвлар мактаби самара бериштими?

Айни пайтда Навоий шаҳрида «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда ФХДБ бўлими ҳамкорлигида «Бўлғуси келин-куёвлар» инновацион мактаби фаолияти йўлга қўйилган. Бу ерда никоҳдан ўтиш мақсадида ФХДБга ариза ёзган ёшлар учун дарслар ўтиломоқда. Машғулотларни малакали психолог ва тренерлар олиб боришади. Шунингдек, Ёшлар иттифоқи томонидан бўлғуси келин-куёвларга оилавий ҳаёт асосларини ўргатишга бағишланган илмий ва бадиий адабиётлар тўплами совға қилинаётир.

— Бундай саъй-ҳаракатлар ёшларга оила муқаддаслигини англаштишга хизмат қиляпти, — дейди «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази бош мутахассиси Саида Исроилова. — Бир жуфтлик «инновацион мактабга оила қуришга тайёр-мизми, йўқми шуни билиш учун, ўзимизни синаб кўриш мақсадида келдик» деди. Улар энди институтнинг I-курсини битиришган экан. Дарслар натижасида шошилмаслик кераклигини тушунишибди, бир-бирларини янада кўпроқ ўрганишга, оила қуришга тайёрланишга қарор қилишибди. Бу ёшларнинг оила масъулиятини англаётганидан дарак.

Дарвоқе, келин-куёвлар мактаби фойда қўрсатаётганидан буён юқоридagi каби тўй ўтмасдан никоҳни бекор қилишнинг истаётган ёшлар учрамаёпти. Аслида, бу ҳам оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш учун амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг натижасидир.

Сиз бунга нима дейсиз, маҳалладош?

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»

Имтиёз учун қурилган оилалар: биз қай томонга кетяшимиз?

НИКОҲДАН ЎТИШ УЧУН АРИЗА ЁЗГАН ЁШЛАР ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТИШГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ-Ю БЕДАРАК КЕТИШДИ. СУРИШТИРСАК, ЙИГИТ ҲАМКАСБ ҚИЗ БИЛАН ЎЗАРО КЕЛИШИБ НИКОҲДАН ЎТМОҚЧИ БЎЛГАН, МАҚСАДИ ЭСА ЁШЛАР УЙИГА ЭГА БЎЛИШ ЭКАН

Кейинги сўзлар Сарвинозиннинг қулоғига қирмади. «Кетдик» деганча, Алишер уни ФХДБ бўлимига бошлади. Йигитнинг орсизлиги, қизнинг ғурури туфайли бу иш узокка чўзилмади. Ҳали тўй бўлмасдан туриб, уларнинг никоҳи бекор қилинди.

— 2017 йилда ҳудудимизда еттига жуфтлик унаштирилгач, тиббий кўрикдан ўтиб, никоҳини расмийлаштирган ҳолда, тўйгача ажралишга қарор қилган, — дейди Навоий шаҳар ФХДБ бўлими mudirаси Дилобар Пардаева. — «Оила» маркази, маҳалла ва Ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда бу ҳолатнинг олдини олишга кўп уриндик, аммо ҳали бунёд бўлмаган бахт қасрлари пойдеворини сақлаб қолишнинг имкони бўлмади. Ачинарлиси, бу ҳолатга, асосан, йигитлар сабабчи бўлишмоқда. Уларнинг сарпо-сурук, қизнинг сепи масаласидаги норозиликлар, келин тарафини алдаб, ўзини бойвачча қилиб кўрсатиши ёки ишсиз ҳолатда «фалон корхонада ишлайман», дейиши, тўйгача бу ёлғонларнинг фош бўлиши никоҳ бекор қилинишига олиб келган. 2018 йилда эса 3 марта шундай ҳолат қайд этилган. Жумладан, туспа-тузук, олий маълумотли, 25-26 ёшдаги бўлғуси келин-куёвнинг никоҳи бекор қилинди. Бу жараёнда ҳам куёвтура «бош ролда», у ҳокимиятда ишлайдиган қизга уйланса, Ёшлар уйдан квартира ажратилишига ишонган экан. Бу орзуни рўёбга чиқмагач, осонгина бўлажақ рафикасидан воз кечди.

Халқимиз азалдан оилани, никоҳни муқаддас ҳисоблайди. Афсуски, бугун бу қарашлар анча ўзгарди. Оиладан воз кечиш, никоҳни бекор қилиш оддий ҳолга айланиб қолди. Ҳали бунёд бўлмаган оилани барбод қилиш, тўйдан аввал никоҳни бузиш эса дилини оғритадиган аянчли ҳолатдир. Қолаверса, кексаларимиз фотиҳанинг бузилишини ҳосиятсиз ҳисоблашади. Айниқса, тўйи қайтган қизга эл ичида осон эмас. Қарангки, бугун айрим йигитлар бир бегуноҳ қизнинг шаънини, қадр-қимматини ўйламай, тунухга ботишдан чўчишмаяпти.

Уй олиш «операцияси» тўхтатилади

— Уй-жой илнжиди никоҳдан ўтиш ҳолатлари кейинги пайтда дам-бадам учраёпти, — дея сўхбатимизни давом эттиради Д.Пардаева. — Масалан, жорий йилнинг февраль ойида никоҳдан ўтиш учун ариза ёзган ёшлар тиббий кўрикдан ўтишга йўлланма олишди-ю, бедарак кетишди. Йигитнинг маҳалласидан суриштирсак, у ҳамкасб қиз билан ўзаро келишган ҳолда никоҳдан ўтмоқчи бўлган, мақсадлари эса биргалишиб ёш оилалар учун қурилаётган кўп қаватли уйдаги хонадонга эга бўлиш экан. Турган гапки, йигит ва қизнинг бу режасидан уларнинг ота-оналари хабарсиз бўлишган. Катталар билишгач, уларнинг аралашуви билан уй олиш «операцияси» тўхтатилади. Ота-оналар фарзандларига ростдан ҳам турмуш қу-

ришларини тавсия қилишибди, лекин улар бунга қўнишмабди.

Демак, ёшлар бир-бири тўғрисида аниқ ҳулосага эга, муносабатлари қай даражада эканини билишади. Аммо бошпанали бўлиш учун сохта оила қуришмоқчи. Алҳазар, оиланинг ҳам сохтаси бўлар-канми? Ахир, оила дегани, ота-она, опа-ука, ака-сингли ва ўғил-қиз дегани-ку. Наҳотки ота-онанинг сохтаси, туғишган жигарнинг ясамаси бўлса?!

«Прописка» учун никоҳдан ўтмоқчи бўлишган

Вилоятларда яшовчилар учун пойтахтда рўйхатда туриш осон эмаслиги маълум. Бир неча йиллар аввал Тошкент шаҳрида рўйхатда туриш кимларнингдир даромад манбаига айланган, коррупция авж олишига сабаб бўлаётган омилардан бири эди. Ўша пайтларда «прописка»ни ҳал қилиб бераман» дея шайтоннинг минг бир ўйинини қилган учарлар кўп эди. «Олди-берди» эвазига иш битириб, чўнтак тўлдирганлар ҳам бўлди. Энг ёмони, Тошкентда «прописка» қилиш учун оиласини, никоҳини ўйинга тикканлар бор.

— 2014 йил эди, у пайтлар фуқаролар йигини масъул котиби эдим, — дея эслайди Навоий шаҳридаги «Лочин» маҳалласи раиси Муҳаббат Шарипова. — Маҳалламиздаги ибратли оиланинг аёли судга ажралиш учун ариза ёзганини эшитдик. Суриштирсак, бу номтагина ажралиш экан. Гап шундаки, Тошкентдаги дугонаси билан шундай режа

тузишибди. У каби тошкентлик дугонаси ҳам ажрашаётган экан. Аёлнинг турмуш ўртоғи ана шу дугона билан, ўзи эса унинг эри билан расмий никоҳдан ўтар экан. «Аслида биз ҳам, улар ҳам ажрашмайди, бу шунчаки қоғозда, мен ва турмуш ўртоғимнинг Тошкентдаги «прописка»сини ҳал қилиш учун» дер эмиш. Қизик, никоҳдан ўтгани тўғрисидаги гувоҳномани бекор қилиш, паспортда оилавий ахволи тўғрисида урилган муҳрни йўққа чиқариш шунчалик осонми? Ахир, ҳар бир давлат ўз фуқароси тўғрисида у туғилганидан то вафот этгунга қадар бўлган даврдаги маълумотни йиғиб боради. Ана шу маълумот базасига «никоҳи бекор қилинган» деган ёзувнинг тушиши-чи? Яхшиям, пойтахт ва Тошкент вилоятида рўйхатга олиш тартиб-таомилида ўзгаришлар бўлиб, сохта никоҳларга чек қўйилди. Лекин ўз вақтида кимлардир биргина «прописка» учун муқаддас ришта — никоҳдан орсизларча фойдалангани ҳам бор гап.

Оила қуришда таъмағирлик — исноддир

— Оила Аллоҳ таолонинг розилигини топиш, Набий (с.а.в.)нинг ахлоқлари, исломий одоблар билан ўзини зийнатлаш учун қурилади, — дейди Навоий вилояти бош имом-хатиби ўринбосари Дилшод Эргашев. — Аллоҳ таоло, аввало, инсон ҳаётининг ифбат ва поклик, муҳаббат ва севги, ўзаро ишонч ва ҳурмат асосида бўлиши учун

Ўзбекистондаги 4 та аэропортда «Очиқ осмон» режими жорий этилади.

ДАРВОҚЕ...

Хорижий ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг таҳлилларида «кластер» тушунчасига бир қатор таърифлар берилган.

Кластер – битта соҳага биравдан ва бир-бири билан узвий алоқада бўлган корхоналар гуруҳи.

Кластер – битта географик ҳудудда жойлашган ва битта тармоқни ташкил қиладиган фирмалар гуруҳи.

Кластер – махсус соҳалар бўйича битта географик ҳудудда фаолият юритаётган, бир-бири билан боғлиқ бўлган ва бир-бирини тўлдирувчи компаниялар, институтлар гуруҳи.

Кластер – горизонтал ва вертикал равишда функционал боғлиқ бўлган фирмалар гуруҳи.

Кластер – жамоавий, хусусий ва ярим жамоавий кўринишда бир-бири билан боғлиқ ва ўзаро бири-бирини тўлдирувчи фирмалар, тадқиқот ва ривожланиш институтлари гуруҳи.

Кластер – тижорат ва нотижорат ташкилотлари гуруҳи бўлиб, у гуруҳда фаолият юритаётган ҳар бир фирманинг рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади.

Кластер – ҳудудий концентрациялашувга асосланган ва технологик занжирга боғланган товар ва хомашё етказиб берувчилар, асосий ишлаб чиқарувчиларни биравлаштирган индустриалашган мажмуа.

ривожланмоқда. Бойси, далада ишлар тизими йўлга қўйилган. Бир текис эгاتларда маҳаллий ўғит аралаштирилиб, шарбат усулида сув оксизлаштирилган.

— Меҳнат қилган, албатта, барака топади. — дейди пудратчи Ғайбулла Ҳайдаров. — Экинч мавсуми бошлангандан буён дала шийпонига оилавий кўчиб келганмиз. Шу ернинг ўзида икки маҳал иссиқ овқат ташкил қилинган. Ўтаётган ҳар бир кун ғўза ривожини учун муҳим. Шунинг учун кечаю кундуз ишлаймиз. Ойлик маошлар вақтида тўланмоқда. Ҳозир ғўзаларимиз 12-13 тагача қўсақ солди. Насиб этса уларнинг сони 20 данадан ошса, қутилган натижани беради. Кластер усулида ишлаш бизга жуда маъқул. Илгари техника, минерал ўғит, ёнилғи, сув масаласи бўйича оғир бўлар эдик. Далада иш қилиб, ўша муаммоларни ҳал қилиш билан банд бўлардик. Натижада ҳеч бирини вақтида амалга ошира олмадик. Ҳозир эса ҳаммаси муҳайё. Фақат ишлаш керак.

Замонавий лазерли «дилнабаза»

Корхона жамоаси ғалладан бўшаган майдонларга 2020 йил ҳосили учун ерларни тайёрлаш ишларини ҳам бошлаб юборган. Шунинг учун ҳозирда хориждан келтирилган замонавий лазерли 4 та «дилнабаза» ерларни обдан текислаш ишларини олиб бормоқда. Улар орқали жорий йилда 400 гектар ерни текислаш режалаштирилган. Чунки ер қанчалик текис бўлса, самарадорлик шунча юқори бўлади.

Қашқадарёда амалга оширилаётган бу лойиҳа виллоят иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшади, кишлоқ хўжалиғи меҳнатқашлари турмуш даражасини кўтариллишига ва уларнинг оилавий даромадлари ошишига замин яратади.

Шоҳиста БОЗОРОВА
«Mahalla»

КЛАСТЕР: МОҲИЯТ, САМАРА ВА ИСТИҚБОЛ

Кластер — инглиз тилидаги «cluster» сўзидан олинган бўлиб, таржимада гуруҳ, тўп, тўп-лам, бос, шода каби маъноларни англатади

Кўпгина манбаларда ривожланган давлатларнинг тажрибалари барқарор ижтимоий-иқтисодий таракқиётни таъминлашда, инвестицион фаоллиқни оширишда, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришда, халқаро логистика марказлари, эркин иқтисодий зоналарда кластерларнинг ўрни ва аҳамияти юқори эканлиги кўрсатилган. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва бошқаришда кластерлардан фойдаланиш бўйича анчагина тажриба ҳам тўпланган.

Масалан, кишлоқ хўжалигида кластер усулининг жорий этилиши ерни шудгорлашдан ҳосилини етиштиришгача, хомашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган жараёндаги кўп босқичли комплекс ёндашув тизimini яратди. Содда қилиб айтганда, кластер тизими моҳиятан бир мажмуа доирасида бир жамоа бўлиб

мой муҳофаза қилиш, бандлигини таъминлаш ва муносиб меҳнат шaroитларини яратиш каби муҳим масалалар ечими ўз ифодасини топган.

Барчамизга маълумки, хомашёдан кўра, уни тайёр маҳсулот кўринишида сотиш, экспорт қилиш ҳам давлатга, ҳам ишлаб чиқарувчига фойда келтиради. Кластер тизимида эса шу мақсадга эришиш мумкин. Қашқадарё виллоятда кластер асосида иш бошлаган «Индорама агро текстиль» маъсуляти чекланган жамияти бу борада юқори натижаларга эришмоқда.

Хомашёдан тайёр маҳсулотгача

Мазкур хорижий корхонага виллоятнинг Қасби ва Нишон туманларидан қарийб 11 минг гектар ер майдони ажратилган.

— Президентимиз Кишлоқ хўжа-

эришилмоқда. Айни пайтда ушбу компанияга «Абдулла Қодирий», «Қаптарли», «Қирққулоч», «Янгиобод», «Ширинобод», «Балхияк», «Самарқанд», «Ойдин» каби маҳаллалар ҳудудидан 5200 гектар майдон ажратилган. Энг асосийси, ушбу далаларда 10 минг нафардан ортиқ фуқароларнинг бандлиги таъминланди. Айни кунларда ушбу майдонларда пахтанинг «Бухоро-8» ва «Бухоро-6» навлари парваришланмоқда.

Автоматлаштирилган техникалар афзаллиги

Кластер тизими техникалар харид қилишда ҳам қўл келмоқда. Шу бойси айни пайтда корхона тасарруфидаги ғўза майдонларида хориждан келтирилган «Orthman» русумли 25 дон кишлоқ хўжалиғи техникалари куну тун ишланмоқда. Улар агротехник ишларни сифатли бажариш билан бирга иқтисодий самарадорликка ҳам эга. Масалан, бундай тракторлар орқали бир кунда ўртача 65-70 гектар ғўзани культивация қилиш мумкин.

— Техникаларимизнинг барчаси автоматлашган, — дейди корхона муҳандиси Раҳматулла Чўлбиев. — Битта тракторга 3 та механизатор бириктирилган. Улар навбатма-навбат ишлайди. Дори сепадиган техникаларимиз ҳам жуда самарадор. Бир кунда 200-250 гектар майдонга кимёвий воситаларни сепа олади. Уларнинг узлуксиз ишлаши учун замонавий ёнилғи ташиниш техникалари ҳам харид қилинган. Ҳар бири 8 минг литрдан зиёд ёнилғи сиғимига эга. Ёнилғи даланинг бошигача етказиб берилмоқда. Мақсад — ғўзанинг баравж ривожланишини таъминлаш.

Янгиланган сўғориш тизими

Ќўза парваришида сўғориш тизимининг яхши йўлга қўйилгани ҳам муҳим. Чунки ишлов берилиб гулга кирган ғўзалар тез сувга келади. Бунинг учун корхона жамоаси мавсум бошидан пухта тайёргарлик кўрди.

— Корхонамизга қарашли ерларда 113 та сув олиш иншооти, 267 километр сув йўллари мавжуд, — дейди корхона бош ирригатори Ўткир Гойипов. — Сўғориш мавсуми бошлангунга қадар зарур чора-тадбирлар кўрилди. Шу бойси сўғориш тизимида муаммолар йўқ. Ишчи ва хизматчиларнинг барчаси махсус этик, фонар ва сув тараш учун зарур бўладиган бошқа ашёлар билан таъминланган.

Қасби туманидаги пудратчи Ғайбулла Ҳайдаров даласида ҳам айни кунларда иш қизгин. 52 гектар майдонда парваришланаётган ғўзалар баравж



ерларни шудгорлаш, чигит экиш, ғўзани парваришлаб, пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш, хомашёни қайта ишлашгача бўлган барча фаолиятни ўз ичига қамраб олади. Айниқса, енгил саноат корхоналарининг хомашё етиштириш манбаи саналган дехон ва фермер хўжаликлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашда мазкур усул яхши натижалар бермоқда.

Аграр соҳанинг «локомотиви»

Президентимиз таъбири билан айтганда, кластер тизими тез орада аграр соҳанинг локомотивига айланди. Бинобарин, кишлоқ хўжалиғи, айниқса, пахтачилик тармоғи қанчалик саноатлашса, давлатнинг экспорт салоҳияти шунчалик ортади, халқнинг турмуш фаровонлиғи юксалади.

Пахта-тўқимачилик кластери нафақат енгил саноатни, балки ўз йўлида кишлоқ хўжалиғи, озик-овқат саноати, фармацевтика, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби ўнлаб тармоқларни ҳам қамраб олади. Мазкур тизимнинг пировард мақсадида юқори сифатли, «Ўзбекистон» бренди остида маҳсулотлар яратиш, аҳолини ижти-

лиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида туманимизда амалда қўлланган — пахтани етиштиришдан тортиб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган босқичларни ўз ичига қамраб олган кластер усулига алоҳида тўхталди, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Нишон тумани кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Бекназар Сариев. — Туманимизда кластер усули жорий этилиши одамларнинг ерга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирмоқда. Бунга доимий иш ўрни ҳамда моддий манфаатдорлиқни таъминлаш орқали

Ўзбекистонда яна 20 та мамлакат фуқаролари учун визасиз режим белгиланди.



Эски тракторлар утилизация қилинадими?

Мамлакатимиздаги тракторларнинг ярми хизмат муддатини ўтаб бўлган

Яқин ўтмишимизда оммавий фойдаланишда бўлган бирор нарсани янгиси билан алмаштирилиши тўғрисидаги миш-миш тарқалса, бунинг ортида ана шу «янги»ни Ўзбекистонга олиб келган ёки ишлаб чиқараётган «бақувват танишлари» бор тadbиркорлар тургани тахмин қилинади. Масалан, ўтган йилларда савдо шохобчаларидаги касса аппаратларини бир неча марта мажбуран «янада замонавий»сига алмаштирилиши дўкондорларнинг эътирозига сабаб бўлган ёдимишда. Яқин кунларда эса яроқлилик муддати тугаган енгил машиналарнинг утилизация — йўқ қилиниши тўғрисидаги гап-сўзлар аҳолини хавотирга содди.

Яшики, мутасаддилар агар шу каби амалиёт бошланса, эски автомобиль эгаси уловини топириш эвазига коникарли миқдорда компенсация олиши мумкинлигини тушунтириб қўйчиликни тинчлантирди.

Аммо ўтган hafta Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўтказилган «Хукумат соатида» янграган иддаолар

фермерларимизда хавотир уйғотгани бор гап. Зеро, бу гап яроқлилик муддатини ўтаб бўлган қишлоқ хўжалиги техникалари, жумладан, тракторлар тўғрисида бормоқда. Таъкидланишича, мамлакатимизда фойдаланилаётган тракторларнинг ярми хизмат муддатини ўтаб бўлган. Хўш, юртимизда фермер ва аҳоли эгаллигидаги эски тракторлар утилизация қилиниши мумкинми?

Эскини ямагунча...

— Туманимиздаги фермерларнинг аксарияти эски — ишлаб чиқарилганига бир неча ўн йилдан ошган техникалар, тракторлардан фойдаланади, — дейди Фаргона вилоятининг Олтиариқ туманидан фермер Қодиржон Эрматов.

— Уларнинг баъзилари шўролар давридан буён эксплуатация қилинади. Бу, албатта, иш унумдорлиги, хосилдорликка таъсир қилмай қолмайди. Техника таъкидчилиги, айниқса, боғдорчиликда яққол кўзга ташланади. Масалан, қатор оралаб ер ҳайдайдиган, ўғит ёки зараркунандаларга қарши дори сепадиган, бoshка юмуш-

ларни бажарадиган кичик хажмли тракторлар деярли йўқ. Эскича услубда ташкил қилинган боғларда тракторларнинг кабинасини ечиб қатор орасида фойдаланиш мумкин. Аммо замонавий интенсив боғларда бунинг имкони йўқ. Мослаштирилган махсус техника керак. Бундан ташқари, эски тракторларнинг фойдасидан кўра зиёни кўпроқ экани ҳам маълум. Аввало, бундай тракторлар ёқилги ва мойни ҳалдан зиёд кўп исроф қилади. Тез-тез таъмирга муҳтож. Ёқилгининг чала ёниши оқибатида экологияга ҳам одатдагидан анча кўп зарар етказиши. Ахир халқимиз «эскини ямагунча эсинг кетади», дея бекорга айтмаган-ку.

«Янгисига алмаштириб беришсаяди...»

Шунга қарамай, ҳозирги кунда аксар фермерлар ана шу тракторлардан фойдаланишга мажбур. Чунки юртимизда қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш соҳаси жиддий оқсаяпти. Буни тушуниш учун далалар, боғларга назар солиш қифоя. Дехқонларимиз битта трактор ўн дақиқада уздайлаётган ишни суткада кўп кучи билан амалга оширяпти. Ишлаётган янги техникаларнинг аксарияти хориждан келтирилган. Уларнинг нархи ҳам анча-мунча фермерни «чакиб олиши» турган гап.

— Фермерларнинг қулай нархларда, кредит ёки лизингга замонавий тракторлар билан таъминланиши натижасида қатор ҳамкасбларимиз замонавий техникага эга бўлишганди, — дейди Қашқадарё вилоятининг Яқкабоғ туманидан фермер Ҳаким Окбoев. — Эски тракторларнинг эса енгил автомашиналар сингари тартибда янгисига алмаштириш амалиёти жорий қилинса кўнгилдаги иш бўларди.

Ўзбекистонда қанча трактор бор?

Фермерларнинг сўзини расмийлар ҳам тасдиқламақда. Аммо эски тракторларни утилизация қилиш масаласи ҳали кун тартибда йўқ экани таъкидланаяпти. Тўғри, бу қачондир содир бўлиши мумкин. Аммо ҳозирда эски техникаларнинг ўрнини боса оладиган янгилари мавжуд эмас. Бу шароитда утилизация бутун қишлоқ хўжалигини қарахт ахволга

олиб келиб қўйиши мумкин.

— Ўзбекистонда шу кунларда 241 мингга қишлоқ хўжалик техникаси мавжуд, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси Шерзод Раҳимов. — Шундан 52 мингтаси трактор хисобланади. Тракторлар билан таъминланганлик даражаси сабзавот ва полизчиликда — 54 фоиз, боғдорчилик ва узумчиликда — 48 фоиз, чорвачиликда — 55 фоизни ташкил этади. Шундан боғдорчиликка ихтисослашган тракторларнинг 57 фоизи, транспорт тракторларининг 41 фоизи, ҳайдов тракторларининг 31 фоизи ўз хизмат

фоизини субсидиялаш ҳамда банк кредити ёки лизингга сотиб олинган техникалар бўйича фоиз ставкаларининг 50 фоизини давлат томонидан қоплаб бериш механизми жорий этилган.

Соҳа қачон ривожланади?

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш соҳаси агбор ахволда экани маълум. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги матбуот хизмати таъкид этган маълумотларга кўра, соҳа йилдан-йилга «ўтириб» бормоқда. Бизнинг техникалар хорижники билан рақобатлаша олмайди. Иш-



«Мослаштирилган махсус техника керак. Бундан ташқари, эски тракторларнинг фойдасидан кўра зиёни кўпроқ экани ҳам маълум.

муддатини ўтаб бўлган. Йиллар мобайнида вужудга келган мазкур муаммони бир лаҳзада хал этиш имкони йўқ. Шу боис Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан 2019-2025 йилларда соҳани техникалар билан таъминлаш борасида дастур ишлаб чиқилган. Унга кўра, шу йиллар оралигида мева-сабзавотчиликка ихтисослашган кластерлар 100 мингдан ортиқ янги қишлоқ хўжалиги техникаси, жумладан, 18 минг 744 та мослаштирилган техника билан таъминланиши режалаштирилган. Фермерларга қулайликлар яратиш мақсадида республикада ишлаб чиқариш замонавий техникани сотиб олишда қийматининг 15

лаб чиқаришга илм-фаннинг сўнгги ютуқларини жорий этиш, оригинал конструкторлик ечимларидан фойдаланиш, бозорбоп нархларни қўллаш даражаси коникарли эмас. Тизимдаги қорхоналар йилга 26 минг дона техника ишлаб чиқариш қувватига эга бўлса-да, ўтган йили 11,5 минг дона қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарилган, холос. Жорий йилнинг биринчи ярмида 3 минг дона қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарилди ва бу рақам ўтган йилга нисбатан 50 фоиз кам. Мазкур шароитда 6 йилда биргина мева-сабзавотчиликка ихтисослашган кластерларга юз мингдан ортиқ замонавий техникани етказиб бериш тўғрисида гапирилиши ҳам ҳожати йўқ. Демак, ислохотни, аввало, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, йўқотилган заводларни тиклаш, уларни замонавий технологиялар билан таъминлаш, аллақачонлар чет элларда ишлаётган тажрибали конструктор, мутахассисларни қайта жалб қилишдан бошлаш даркор.

Улугбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

Фойдаланишдан чиққан ерлар Хиндистон технологияси асосида ўзлаштирилади

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги йиллар давомида ирригация ва мелiorация ҳолати ёмонлашуви натижасида фойдаланишдан чиқиб кетган бўз ерларни ўзлаштиришда сув таъминотининг тежамкор ва замонавий усулларини қўлламоқда. Бу йўналишда хорижий инвесторларга имтиёзлар берилган. Жумладан, бўз ерлар инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик асосида 50 йилгача берилиб, соҳани ривожлантириш учун мамлакатимизга киритиладиган хомашё, техникалар, эҳтиёт қисмлар учун божхона тўловлари олинмайди.

Яқинда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Хиндистоннинг «Shakti Pumps Ltd» компанияси билан мамлакатимиз ирригация ва мелiorация тизимида янги қуёш энергиясида ишлайдиган технологияларни қўллаш юзасидан музокара олиб борди. Хорижлик ҳамкорларга замонавий технология асосида Навоий вилоятида минг гектар фойдаланишдан чиққан ерларнинг ўзлаштирилиши таъкид этилди. Натижада мазкур ҳудудда қуёш энергияси асосида 700 метргача ер остидан сувни чиқаришга эришилади.

Компанияга энергия тежамкорлиги бюроси (Bureau of Energy Efficiency) томонидан беш юлдузли рейтинг берилган бўлиб, бутун дунёнинг етакчи ишлаб чиқарувчиларидан бири саналади. Зангламайлиган нўлатдан ясалган юқори сифатли 260 турдаги насос ва моторларни ишлаб чиқаради.

Мева маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг харажатларини қоплаб бериш тартиби тасдиқланди.

Қирғизистонда таъсир жанги: бунда аслида ким ютиб, ким ютқазади?

ГОҲИДА «ЛОЛА», ГОҲИДА «ОПИУМ» НОМИ БИЛАН АТАЛГАН ИНҚИЛОБЛАРДАН ОДДИЙ ОДАМЛАР АЗИЯТ ЧЕКДИ, ХОЛОС. АФСУСКИ, МАМЛАКАТ ҶУША МАСЪУЛИЯТСИЗ СИЁСАТ ГИРДОБИДАН ТЎЛА КУТУЛА ОЛГАНИ ЙЎҚ

Атамбаев Россияга нега борганди?

Қирғизистонда катта таъсир доирасига эга бўлган Россия аввалига собиқ президентдан дахлсизлик мақоми олиб ташланишини мамлакатнинг ички иши деб атади ва вазиятга аралашини ниятида эмаслигини баён қилди. Аммо кўп ўтмай, Қирғизистондаги сиёсий жанжал катталашиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида Кремль раҳбарияти Алмазбек Атамбаевни Москвадаги музокараларга таклиф этди.

Қирғизистон бўйича Россиянинг позицияси аввалдан яхши маълум. Россия бу мамлакатни иттифокчи, ўзига яқин давлат сифатида кўради. Икки маротаба сиёсий силкинишларни бошдан ўтказган мамлакатда учинчи марта ҳам рангли инкилоб юз беришини истамайди. Шунинг баробарида Владимир Путин томонлари Қирғизистон халқининг манфаатлари йўлида зиддиятни тўхтатишга чакирди. Унинг фикрича, мамлакат сиёсий баркарорликка муҳтож, барча одамлар амалдаги президент атрофида бирлашишлари ва унга давлатни ривожлантиришда ёрдам беришлари керак. Ташвишларда жон бор ахир. Қирғизистонда 30 йил ичида 29 нафар Бош вазир алмашди. Бу қадар ҳукумат иққирозини дунёнинг ҳеч бир мамлакатини бошдан ўтказмаган, десак, муболаға бўлмайди.

Бу жараёнда Ўзбекистоннинг ҳам позицияси аниқ. Ўзбекистон Қирғизистондаги воқеаларнинг тинч йўл билан ечилиши тарафдори бўлгани ҳолда, унинг ички ишларига аралашини истамайди. Зеро, мамлакатимиз ташқи сиёсатининг асосий тамойилларида ҳам Ўзбекистон бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслиги битиб қўйилган. Президент Шавкат Мирзиёев 8 август куни Қирғизистон президенти Сооронбай Жээнбеков билан телефон орқали мулоқот қилди. Мулоқотда Қирғизистонда тинчлик ва баркарорликни сақлаш муҳим экани алоҳида қайд этилди. Қўшни мамлакатдаги вазият амалдаги қонунчилик доирасида тез орада баркарорлаштишга умид билдирилди.

Президентлар ўртасидаги низога нима сабаб бўлди?

2017 йилнинг октябрида бўлиб ўтган президентлик сайловидида келиб чиқиб жанабублик бўлган Сооронбай Жээнбеков ғолиб деб топилди. Сайлов кампанияси вақтида Атамбаев Жээнбековни қўллаб-қувватлади. Амалдаги президент ва унинг ўтмишдоши ўртасидаги зиддият янги президент ўз ваколатларини бажаришга киришганидан кейин бошланди. Собиқ президент Бишкекда ўтказил-

ган митингларда меросхўрини танқид қила бошлади. Натижада ўртада низо юзага келди. Аслида мамлакатдаги айрим доиралар Атамбаевни Қирғизистоннинг тараккиётига ҳалал берган ва коррупциянинг кучайишига туртки берган «сиёсий гўрлик» рамзи сифатида кўришарди. Зиддият шунга бориб етдики, коррупцияга алоқадорлик айблови билан Атамбаевнинг бир нечта яқин сафдошлари қамолқа олинди. Коррупциянинг боши Атамбаевга бориб тақалиши ойдинлашгач, Қирғизистон парламенти мамлакатнинг собиқ президентларини жавобгарликка тортишни кўзда тутувчи қонун лойиҳасини шу йилнинг апрелида маъқуллади. 16 майда уни президент Жээнбеков имзолади.

Янги қонунга биноан, собиқ президент мутлақ дахлсизликка эга бўлмайди — уни жиний жавобгарликка тортиш учун парламент ўта оғир жиноят содир этиш айбловини илгари суриши, уни Бош прокуратура тасдиқлаши керак. Бундан ташқари, қонунга кўра, собиқ президент сиёсий, давлат ҳокимияти органларида махсус давлат лавозимларини, шунингдек, сиёсий партияларда мансабдор лавозимларни эгалламаслиги ёки сиёсий партиялар фаолиятида бошқа йўл билан иштирок этмаслиги керак. Бу қонундан кўриниб турибдики, ҳокимият навбатдаги сайловда Алмазбек Атамбаевнинг иштирок этишига йўл қўймоқчи эмас.

Воқеалар ривож шимол ва жануб рақобати...(ми)?

Экспертлар айтаётганидек, Қирғизистон каби давлатларда «бир қозонда икки қўчқорнинг боши қайнамайди». Шу пайтгача собиқ президент иштирокида қолган мақом, унинг социал-демократик партия раҳбарлигида қолиши амалдаги сиёсий қучлар ҳокимиятига соя солаётгани.

Шунингдек, Жээнбеков мансуб бўлган жанубий қирғиз элитаси назарида унинг сайловда ғалаба қозониши жануб ва шимолнинг давлат бошқаруви ва бизнес соҳасидаги доимий рақобатида олган қасоси ҳисобланади. Мазкур рақобат маҳаллий сиёсий жараёнларнинг моҳияти саналади: масалан, шимоллик Аскар Акаев ўз вақтида жанублик Абсамат Масалиев ўрнини эгаллади, 2005 йилда Акаевнинг ағдарилиши ҳокимиятда жанубий клан вакили Курманбек Бакиевнинг ўрнашиб олишига имкон берди, инкилобдан кейинги даврда ўтказилган сайлов 2011 йилда шимоллик Атамбаевга йўл очди.

Бу ўйин мавжуд марказдан қочувчи тенденцияларнинг чуқурлаштирили, холос. Қарама-қаршилик ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай натижа билан тугаши мумкин, ижобий нарсани кутиб



Сўнги пайтларда Қирғизистонда юз берган ҳодисалар жаҳон ҳамжамияти эътиборида бўлди. Аввалига собиқ президент Алмазбек Атамбаевнинг дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этилиши, унга нисбатан қатор айбловлар эълон қилиниши, уни қамолқа олиш, мамлакатда коррупцияга қарши бошланган уруш республикадаги сиёсий вазиятни қизитиб борди. Жорий йилнинг 8 августидида Атамбаевнинг мамлакат махсус қучлари томонидан ҳибсга олинishi эса бу воқеаларнинг мантикий давоми бўлди.

бўлмайди. Шу нуктан назардан, Қирғизистоннинг тўртинчи президенти ўз мамлакатидида назардан қолган одамлар қаторини тўлдирди, алаҳхусус, биринчи ва иккинчи президентлар аллақачон бу қатордан ўрин олиб бўлганди.

Жиний «авторитет»нинг қочиши уюштирилганими?

2013 йилда узок муддатли қамол жазосини ўтаётган қонундаги ўғри Азиз Батукаевнинг тузалмас ҳасталик билан оғриётгани ҳақидаги сохта ҳужжатлар асосида қўйиб юборилиши ва унинг Россияга (Батукаев этник чечен бўлиб, тарихий ватани Чеченистонга қартер рейс билан жўнаб кетган) қочириб юборилиши Атамбаев ва Жээнбеков ўртасидаги баҳсларга сабаб бўлган яна бир омил бўлди.

Жиний авторитетнинг қочиши узок вақт Қирғизистондаги бош сиёсий мавзулардан бирига айланди. Президент мамлакатда юз бераётган барча нараса учун жавобгар экан, ўша пайтда давлат раҳбари бўлган Атамбаев бу жиний ҳодиса учун жавобгар бўлиши керак, деган қарашлар ҳам йўқ эмас. Буни Атамбаевнинг ўзи ҳам яхши тушунади, шу боис журналистларга берган интервьюларининг бирида қочиб кетган ўғрибошини қайтариш ҳақида Россия раҳбариятига мурожаат қилганини яширмади. Бирок бу уринишлар энди беҳуда эди. Москва бу қақирқларни эшитмади, бизга тааллуқли эмас, деб қўя қолди. Атамбаев бу масалада Чеченистон раҳбари Рамзан Қодировга мурожаат қилганим ёки йўқ, бу номаълум, аммо қонундаги ўғрининг қочиб бўлиши нафақат Қирғизистондаги сиёсий муҳитни тўзғитиб юборди, ҳатто собиқ президентнинг умрбод қамол жазосига олиб келиши мумкин бўлган драмага айланди.

Атамбаев қўлга олинди, бироқ...

Жорий йилнинг 7 август куни Қирғизистонда навбатдаги сиёсий кескинлик тўқилишлари авж олди. Мамлакат махсус қучлари собиқ президентнинг уйига бостириб кириб, уни қўлга олишга ҳаракат қилди ва қуролли тўқнашув келиб чиқди. Махсус операциянинг биринчи босқичида Атамбаевнинг Қўй-Тош қишлоғидаги уйи атрофи ва ичкарисидаги майдон яхши ўрганилмагани, ҳаттоларга йўл қўйилгани боис бир киши ҳалок бўлди, 100 га яқин киши яраланди. Боз устига, «Альфа»нинг олти нафар жангчиси мудофааланувчилар

томонидан асирга олинди, қалтақланди ва қуролсизлантирилди.

Бу чинакамига уруш эди. Қирғизистон қуч ишлар тизимлари дастлаб уни бой беришди. Расмийлар бунини очик тан олишди. Ички ишлар вазири ва Миллий хавфсизлик давлат қўмитаси раҳбарлари истеъфого қиқшишга тайёрликларини билдиришди. Бирок президент Жээнбеков аризани қабул қилишдан бош тортди. Ишғолни давом эттиришга қарор қилинди. 8 август куни эрталаб қирғиз давлатининг собиқ раҳбари таслим бўлди. Бирок Атамбаев тарафдорлари осонликча таслим бўлгани йўқ. Қўй-Тошда ҳам, Бишкекда ҳам қўзи қонга тўлган намоийишчиларнинг бебошлиги махсус воситалар ёрдамида бостирилди.

Бошқа йўли ҳам йўқ эди. Чунки иккита инкилобни бошдан кечирган Бишкек Евроосий иқтисодий ҳамжамиятига аъзо давлатлар ҳукумат бошлиқларини қутиб олишга ҳозирлик қўраётганди. Бирок учинчи инкилобга яшил қироқ ёнмади. Одамлар инкилоб дохийларининг сафсаталари ва ваъдаларидан қарчаб бўлган. Гоҳида «лола», гоҳида «опиум» номи билан аталган инкилоблар оммавий талон-торожлик, бошбошдоқлик, ўзвонлик ва қароқчилик билан тугагани бугун ҳеч кимга сир эмас. Масъулиятсизликка асосланган ҳаракатлардан оддий одамлар азият чекди, холос. АФСУски, мамлакат ўша масъулиятсиз сиёсат гирдобидан тўла қутула олгани йўқ.

Собиқ президент нималарда айбланмоқда?

Мамлакат Бош прокурори Ўтқурбек Жамшитовнинг сўзларига кўра, Алмазбек Атамбаевга беш эпизод бўйича айблов қўйилиши мумкин. У гап Қўй-Тош қишлоғида ер участкаларининг ноқонуний эгаллиниши, жиний авторитет Азиз Батукаевнинг қонунга зид равишда озод этилиши, Бишкек ИЭС модернизацияси бўйича коррупция иши ва унга ноқонуний тарзда қўмир етказиб берилиши ҳамда тadbirkор Субихи Пархата иштирокидаги коррупция факти ҳақида бораётганини таъкидлади. Аввалига гувоҳ сифатида қўрилган Алмазбек Атамбаев Қўй-Тошдаги тартибсизликлар ва бир ҳарбий ўлимни ортидан энди оғир жиноятларда айбланиши ва умрбод қамол жазосига тортилиши мумкин. Воқеалар ривожини кузатиб борамиз...

Абдували САЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.

Тожикистон Ўзбекистон автомобиллари божни пасайтирди.

Браконьерлик: афсуски, сўнгги йилларда бетартиб ов қилиш натижасида юртимизда жайронларнинг сони кескин камайиб кетмоқда

ЯҚИНДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ
МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ ИНСПЕКТОРЛАРИ
ТОМОНИДАН ТАХТАКЎПИР ТУМАНИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН РЕЙД ДАВОМИДА
БРАКОНЬЕРЛАРНИНГ ҚОНУНГА ХИЛОФ ИШЛАРИ ФОШ БЎЛДИ.

Хайвонот дунёсига катта микдорда моддий зарар етказилди

Маълум бўлишича, ўша кунни ту-
мандаги Қўнғиротқўл овул фукаралар
йиғинида фукаралар – М.Д., Т.М., А.Ж.
ҳамда Қ.Қ. бошқарувидаги УАЗ-469
русумли, давлат белгиси 95 J 752 ЕА
бўлган автотранспорт тегишли тартиб-
да тўхтатилиб, Биохилма-хиллик ва
муҳофаза этилаётган табиий ҳудудлар
масалалари бўлими ходимлари томо-
нидан текширилганда, Ўзбекистон
Республикаси «Қизил китоби»га кири-
тилган 3 бош отиб ўлдирилган жайрон,
ов қуроли борлиги аниқланди.

Текшириш давомида фукаро Қ.Қ. га
тегишли бўлган ИЖ-58 2х12 калибмли
№ Р-05351-сон ов қуроли, прожектор,
ўқ ва ўқотарлар, 3 бош жайрон ашё-
вий далил сифатида олинди. Ўзбеки-
стон Республикаси прокуратураси
маълумотларига кўра, қонунбузарлар
«Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш
ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги
Ўзбекистон Республикаси Қонуни
ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудо-
да «Ов ва балиқ овлаш қоидалари»
талабларини бузиб, юртимиз хайвонот
дунёсига катта микдорда моддий зарар
етказишган. Ҳозирги кунда тергов ҳа-
ракатлари олиб борилмоқда.

Яқин 50 йилда биохилма-хиллик 50 фоизга камаяди

Дунё яралибдики, барча замонларда
она сайёрамиз табиий бойликлар, хай-
вонот ва наботот олами инсон ҳаётини
фаолияти учун зарур эҳтиёж манбаи
бўлиб келган. Ундаги барча тириклик
бир-бири билан чамбарчас боғлиқ
бўлиб, битта ўсимлик ёки хайвон ту-
рининг камайиши яшил борлиқнинг
табиий мувозанатига салбий таъсир
этади.

— Афсуски, XXI асрга келиб инсон
амалининг таъсири туфайли табиат-
га, хайвонот дунёсига жиддий зарар



етди, — дейди *Ўзбекистон Респу-
бликаси экология ва атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш давлат қўмитаси-
нинг Экология ва атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат
бўйича инспекция бошлиғи Ўлмас
Собиров*. — Бунинг натижасида
юзга келган экологик муаммалар бир
минтақа ёки мамлакатгагина эмас,
балки бутун ер юзига ўзининг салбий
таъсирини кўрсатмоқда. Мутахассис-
ларнинг маълумотларига кўра, яқин 50
йилда сайёрамизда миллионлаб йиллар
давомида шаклланган биологик хилма-
хиллик қарийб 50 фоизга камайиши ва
бу янгилик оқибатларга олиб келиши
мумкин.

«Қизил китоб»га киритилганлар сони қанча?

Айтиш лозимки, юртимизда ўсим-
лик ва хайвонот дунёсини асраб-авай-
лаш, Ўзбекистон Республикаси «Қизил
китоби»га киритилган ноёб гиёҳ ва
мавжудотларни йўқ бўлиб кетишининг
олдини олиш борасида 15 дан ортиқ ко-
нун ва 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий
ҳужжат қабул қилинган. Юртимизда
ўсимликларнинг 4 ярим мингта яқин

ДАРВОҚЕ...

— Тезчопар қийик-
лар оиласига мансуб
жайрон, асосан, Турк-
манистон ва Қозоғис-
тон ҳудудларида уч-
райди. Уни шоҳи ва
гўшти учун овлашади.
— Ўзбекистон-
да турон йўлбарси,
туркман қулони, Орол
бакраси ва Устюрт ге-
пардининг тўла йўқо-
либ кетиши одамзот
хусусати оқибати са-
налади.

тури, 105 турдаги сут эмизувчилар, 441
турдаги қушлар, 60 турдаги судралиб
юрувчилар, уч турдаги ҳам сувда, ҳам
қуруқликда яшайдиган жониворлар ва
76 турдаги балиқлар яшайди. Бугунги
кунда диёримиз табиати ва ундаги
биохилма-хилликни асраш, уларни қў-
пайтириш ишлари мамлакатимиздаги
Чотқол, Зомин, Нурота, Ҳисор, Кито-
б, Сурхон, Зарафшон, Қизилқум каби
8 та қўриқхона, Уғом-Чотқол ҳамда
Зомин миллий табиат боғи, 1 та Қуйи
Амударё давлат биосфера резервати,
13 та давлат буюртмаҳоналари, 7 та
давлат табиат ёдгорлиги ва хайвонлар-
ни қўпайтиришга мўлжалланган 3 та
— «Жайрон» экомаркази ҳамда Бухоро
ва Навоий вилоятларида жойлашган 2
та йўрга-тувалок парваришлаш питом-
ниги фаолият юритмоқда. Бу ҳудо-
ларда миллий ҳамда халқаро «Қизил
китоб»ларига киритилган 181 турдаги
хайвон, 321 турдаги ўсимлик давлат
муҳофазасига олинган.

Моддий зарар қанча?

— Жорий йилнинг ўтган даври мо-
байнида браконьерлик туфайли ўсим-
лик дунёсига 1 571 та ҳолат бўйича 2
милрд. 243 млн. сўм, хайвонот дунёсига
эса 66 та ҳолат бўйича 84,3 млн. сўм
миқдориди моддий зарар етказилган,
— дейди *Ўлмас Собиров*. — Ушбу қо-
нунбузарликлар бўйича масъул ташки-
лотлар билан ҳамкорликда суриштирув
ишлари олиб борилиб, айбдорларга
тегишли жазо чоралари қўлланилди.
Афсуски, сўнгги йилларда бетартиб
ов қилиш натижасида ноёб хайвон
тури — жайроннинг сони нафақат
юртимиз, балки ер юзиде жуда ҳам
камайиб кетди. Мамлакатимизда ушбу
жонзотнинг яшаш, қўпайиши учун
зарур шароитлар яратиш мақсадида
«Қизилқум» қўриқхонаси, «Жайрон»
экологик маркази каби қўлпаз марказ-
лар фаолият юритмоқда. Бироқ шунча
қарамай, айрим нафси ҳақалак отган
кимсалар ҳали ҳам бу хайвонни ноқону-
ний овлаб, она табиатга жиддий зарар
етказмоқда.

Саъдулло ТУРСУНОВ
«Mahalla»

КҮРИК-ТАНЛОВ



«Обод кўчам — обод Учтепам»

Пойтахтимизнинг Учтепа
туманида хайрли амалга
қўл урилди. Туман ҳокими,
Фукараларнинг ўзини
ўзи бошқариш органлари
фаолиятини мувофиқлаштириш
бўйича туман кенгаши раиси
Ф.Абдуллаев ташаббуси билан
«Обод кўчам — обод Учтепам»
танлови жорий этилди.

— Танлов 2 босқичда ўтказилди, —
дейди Фукараларнинг ўзини ўзи бошқа-
риш органлари фаолиятини бошқариш
бўйича Учтепа тумани кенгаши раиси-
нинг биринчи ўринбосари Ф.Шамсиев.
— Ҳар бир босқичда ғолиблар «Саришта
кўчам», «Оқибатли қўшнлар», «Эзгу-
лик издошлари», «Жонқуяр репортёр»
каби йўналиш ва номинациялар бўйича
аниқландилар. Танловда зафар қучиш
учун маҳалла ахли ҳамжамиятида иш
тутиши жонз. Юқори ўринларни қўлга
киритганлар юртимиз бўйлаб саёҳат
қилиши, сузиш ҳаваси ёки тиббий қў-
риқдан ўтиш учун бепул йўлланмага эга
бўлиши, бадий китоблар жамланмаси-
ни қўлга киритиши мумкин. Бундан таш-
қари, фаол иштирок этган маҳаллалар
жамоалари «Маҳалла» хайрия жамоат
фонди маблағлари ҳисобидан компью-
тер жамланмаларига эга бўлишади. Ҳаж
сафарига навбатсиз кетиш ҳуқуқи ҳам
2 нафар омади қўлган йиғин фаолига
насиб этади.

Туман ҳудудини комплекс ривожлан-
тириш, аҳолининг ижтимоий фаолияти-
ни ошириш, маҳаллаларни обод этиш,
одамлар ўртасида меҳри муҳитни муста-
ҳкамлаш, қўшнлараро муносабатни
жонлантириш, яхшилик, эзгулик тарғи-
боти каби қўлпаз мақсад ва вазифаларни
ўзиде жамланган танлов доирасида «Кўк-
ча-Октепа» маҳалласида қатор хайрли
ишлар бажарилмоқда.

Фукаралар йиғинида, аввало, кўча-
ларни саришта қўриқини келтириш
учун даракларга шакл берилиб, оқлан-
ди, табиат қўйнида хордиқ чиқариши
учун аҳолига шароит ҳозирланди. Ик-
кинчи шарт асосида ўз қўчасини ёки кам
таъминланган қўшнсининг уй-жойини
таъмирлаган саховатпеша кишиларнинг
танлигиги намоён бўлди. «Эзгулик
издошлари» шарт асосида ҳудуддаги
кексалар, чин етимлар, ётиб қолган бе-
морлар ҳолидан хабар олинди.

Бундай хайрли тadbирлар, шубҳасиз,
туманнинг ижтимоий-иқтисодий рив-
ожланиши, ҳудуддаги маънавий муҳит
мустаҳкамланишига хизмат қилади.

НИҒМАТИЛЛА АБДУЛЛАЕВ,
Учтепа туманидаги
«Кўкча-Октепа» маҳалла фукаралар
йиғини раисининг
кексалар ва фахрийлар ишлари
бўйича ўринбосари.

МАНЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

«Қизил китоб» нима?

«Қизил китоб» — йўқолган ва йўқолиш арафасида турган, йўқолиб бораётган,
камёб ва камайиб бораётган ўсимлик ва хайвонот дунёсининг генофондини
сақлаб қолиш мақсадида ташкил этилган маълумотлар рўйхатидир. Китобда
ўсимлик ва хайвонот дунёси турларининг қисқача тавсифи, тарқалиши, ўсиш
ва яшаш шароити, кўпайиши, ареали (тарқалиш майдони) ва унинг ўзгариши,
уларни маданийлаштириш ва ҳонақилаштириш, муҳофаза этиш чоралари
кўрсатиб ўтилган.

1940 йилдан бошлаб Халқаро табиатни қўриқлаш иттифоқи «Халқаро Қизил
китоб»га маълумотлар тўплаб бошлади ва 1966 йили «Қизил Китоб фактлари»
(«Red Data Book») номи билан уни чоп этди.

Ўзбекистонда «Қизил китоб» дастлаб 1983 йил рус тилида икки жилдада
— 1-жилди «Умуртқали хайвонот» ва 1984 йил 2-жилди «Ўсимликлар» чоп
этилди. 1988 йил «Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби»нинг 1-жилди
«Ўсимликлар» ўзбек тилида нашр этилган.

ДТМ томонидан техник хатога йўл қўйилган тест саволи учун максимал балл берилди.

Мактаблар янги ўқув йилига тайёрми?

АФСУСКИ, ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДАГИ АЙНИ ҲОЛАТ БИЛАН ТАНИШИШ ЖАРАЁНИДА БУНИНГ АКСИГА ГУВОҲ БЎЛДИК. ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА 15-20 КУН ҚОЛГАН БИР ВАҚТДА МАКТАБЛАРДАГИ ҲОЛАТ ҲАЛИ-ҲАНУЗ «ЭСКИ ҲАММОМ, ЭСКИ ТОС»ЛИГИЧА ҚОЛАЁТГАНИ АЧИНАРЛИДИР

Янги ўқув йили бошланишига оз фурсат қолди. Хўш, мактабларнинг бугунги ҳолати талабга жавоб берадими? Янги мавсумга тайёргарлик қай даражада? Мактаб мутасаддилари ўқувчиларга қандай қўлайликларни ваъда қилмоқда? Шу ва бошқа саволларга жавоб топиш мақсадида Самарқанд вилоятининг Пайарик, Оқдарё ва Нарпай туманларидаги айрим таълим муассасаларида бўлдик.

840 ўринли мактабда 1917 нафар ўқувчи тахсил олади

Дастлабки манзилимиз Пайарик тумани бўлди. Худуддаги 6-умумтаълим мактаби 1972 йилда қурилган бўлиб, 2009 йилда капитал таъмирланган. 840 ўринга мўлжалланган олтигина бинода жорий ўқув йилидан бошлаб 1 минг 917 нафар (!) ўқувчи тахсил олади. Муассаса директори Қ.Ражабовнинг айтишича, мактаб таъмирга муҳтож ва ўқувчилар сони ҳаддан ортиқлиги боис синфхоналар етишмайди. Ҳолат бўйича туман халқ таълими бўлими масъуллари билан боғланганимизда, улар худуддаги табиий коллежнинг биноси шу мактабга берилишини таъкидлашди.

Мактабда 19 та компьютер бор, аммо улардан мақсадли фойдаланиш учун имкониятлар чекланган, интернет йўқ. Фойе ва синфхоналардаги қўлаб электр чироклари ишламайди. Мактаб атрофида фойдаланиш мумкин бўлган анчагина ер майдони каровсиз ахволда, бегона ўт босиб ётибди. У ерга нимадир экиб, даромад олиш ва мактаб эҳтиёжлари учун ишлатиш ҳақида ҳозиргача ҳеч ким ўйлаб кўрмаган.

Муассаса раҳбарлари шу пайтгача нима қилдилар?

Тумандаги 5-умумтаълим мактаби директори Т.Кўбасевнинг айтишича, муассаса 2008 йилда 240 ўринга мўлжаллаб қурилган. Янги ўқув йилидан бошлаб бу ерда 488 нафар ўқувчи икки навбатда тахсил олиши режалаштирилган. Бино ҳомийлик томонидан ажратилган 5,5 миллион сўм маблағ асосида жорий таъмирдан чиқарилган.

Мактаб худуди девор ва темир панжара билан ўралиб, муассасанинг ҳовли қисмига экин ва гуллар экилган. Бирок мактабга ёндош худудда тамоман бошқача манзарани кўриш мумкин. Атрофини бегона ўт босган. «Бу ерни ҳеч ким кўрмайди», кабилида иш туттилган, шеклили, узок вақтдан буён каровсиз қолдирилгани маълум. Мактаб ҳовлисидаги стадион ҳам ўқувчиларнинг машғулоти олиб бориши учун тайёрланмаган, ҳар хил ўт ва майда тошлар қалашиб ётибди. Бинонинг орқа томонида қурилган иссиқхонадан ҳам фойдаланилмаган, ташландик ҳолда.

Тумандаги 87-умумтаълим мактабида ҳам худди шундай манзарага гувоҳ бўлиш мумкин. Бинолар атрофида обо-



донлаштириш ишлари мутлақо ташкил қилинмаган, бўш, каровсиз ерлар талайгина. Муассаса директори ўринбосари Ф.Усмоновнинг айтишича, аynи пайтда бу ерда ўқув йилига тайёргарлик ишлари олиб бориляпти. Тааж-жуб! Таълим муассасасини кўздан кечириш жараёнида бу ишлар мутлақо сезилмади. Шу ўринда савол туғилади: муассаса раҳбарлари шу пайтгача нима қилдилар? Мактабда бажарилиши керак бўлган юмушлар наҳотки, икки ой давомида ҳеч кимнинг эсига келмаган?

Мактабдаги ободлик вазир келиши учун ҳозирландими?

Оқдарё туманидаги «Авазали» маҳалла фуқаролар йиғини худудида жойлашган 12-умумтаълим мактабида бўлдик. Очиги, биз бўлган мактабларнинг ичида энг ободи, янги ўқув йилига керагича тайёргарлик кўрилгани шу бўлди. Мактаб худудига кириб боришингиз билан баҳри-дилингиз жайрайди, ҳамма жой озода. Турли хил гул ва дарахтлар яшнаб турибди. Атрофда бир қарич ҳам каровсиз қолган ерга кўзингиз тушмайди.

Синфхоналар таъмирланиб, ҳар бир хонада телевизор ўрнатилган ва ўқувчиларга бериладиган китоблар тахлаб қўйилган. Кутубхонадаги китоблар тартиб билан тахланган, газета ва журналлар ҳам эътибордан четда қолмаган. Компьютер хонаси қуёш нуруни қайтарувчи химоя воситалари билан таъминланган. Афсуски, бу мактаб ҳам интернет тизимига уланмаган экан.

Мактабга тегишли бўлган спорт зали ҳам ўқув йилига тайёр, инвентарлар жой-жойига қўйилган. Спорт зали ёнидаги ювиниш хоналаридан иссиқ ва совуқ сув келиб турибди. Тугриси, муассаса раҳбари виждонан ишлагани ва мактаб учун сидқидилдан ҳаракат қилгани маълум. Мактаб ҳовлисида жойлашган футбол майдонининг ҳам биргина ён чизиклари йўқлигини ҳисобга олмаганда камчилик йўқ. Муассаса раҳбари Т.Бобоёровнинг таъкидлашича, яқинда шу мактабга Халқ таълим вазирлиги Шерзод Шерматов келган ва ёшлар учун яратилган шаронглар ҳамда мактабнинг ободлигини кўриб, мутасаддиларга миннатдорлик билдирган.

— Биз мактабни вазир келиши учун

«**Шу ўринда савол туғилади: муассаса раҳбарлари шу пайтгача нима қилдилар? Мактабда бажарилиши керак бўлган юмушлар наҳотки, икки ой давомида ҳеч кимнинг эсига келмаган?**»

атай ҳозирламадик, — деди Т.Бобоёрова. — Вазирнинг бу ерга ташрифи тасодифий ҳол бўлди. Мактабни бу ҳолатга келтириш учун бир неча йилдан буён ҳаракат қилияпмиз, ўзимизни қийнаётимиз. Очиги, мактаб анчагина тартибли, чиройли бўлиши мумкин, аммо бу ерда қилишимиз керак бўлган ишлар ҳали ҳам талайгина. Режадаги ишларни амалга ошириб бўлсаккина, мактабимиз замон талаблари даражасида бўлади.

Маҳалла ёшларига компьютердан фойдаланиш учун рухсат йўқ

Нарпай туманидаги 47-умумтаълим мактабининг кириш қисмида фойдаланиш мумкин бўлган анчагина ер майдонининг каровсиз, қакраб ётгани киши эътиборини тортади. Бино ичкараси ҳам кўзни қувнатар даражада эмас. Тўғри, синфхоналарни таъмирлашга ҳаракат қилинган, аммо асосий масалалар эътибордан четда. Фойе ва синфхоналардаги ёриткич чирокларининг бир нечаси ишламайди. Компьютерлар сақланадиган хона қуёш нуридан химояланмаган...

— Мактабимиз 2007 йилда 230 ўринга мўлжаллаб қурилган бўлиб, аynи пайтда 424 нафар ўқувчи икки навбатда тахсил олади, — дейди муассаса раҳбари М.Омонқулова. — Мактаб ҳомийлик томонидан ажратилган 8 миллион сўм маблағ асосида таъмирланди. Қолган камчиликларни ҳам навбати билан бартараф қиламиз.

Мактаб директори бизни компьютер синфи, кутубхона ва спорт майдонлари билан таништирди. 16 та замонавий компьютер бўлса-да, уларнинг биронтаси интернетга уланмаган, истовчиларга эса фойдаланиш учун рухсат йўқ. Тўғри, муассаса раҳбари ҳоҳловчилар компьютердан фойдаланяпти, деди. Аммо мазкур мактаб жойлашган «Тепла» маҳалласи аҳолиси билан суҳбатлашганимизда улар баъзида мактабнинг футбол майдонидан фойдаланишини, бироқ компьютерлар



билан ишлашга мутлақо рухсат берилмаганини айтди. Маҳалла раиси Яхшигул Сафаровнинг ҳолат бўйича фикрлари билан қизикканимизда, у бу вазифада жорий йилнинг май ойидан буён ишлаётгани ва ёшлар аynи пайтда мактабда мавжуд имкониятлардан қай даражада фойдаланаётганидан беҳабар эканини айтди.

Мактаб кутубхонаси илтимосларимиздан сўнггина очилди. Кутубхона раҳбари эса иш жойида йўқ. Ваҳоланки, ёзги таътил кунлари болаларнинг кутубхона хизматларидан фойдаланиши учун шаронглар яратилиши лозим эди. Директорнинг айтишича, кутубхоначи «район»да (мактаблардан кимнидир топа олмасангиз, билингки, у «район»да бўлади) экан. Яна бир ҳолат. Спорт зали ва ундаги инвентарлардан ёшлар фойдаланиши керак. Бу мактабда эса аксинча. Яъни, спорт залининг поли рангланб, чиройли қилиб қўйилган ва унда ҳам оёқ изини кўрмайсиз. Спорт инвентарлари эса кичик бир хонада қалашиб, чанг босиб ётибди. Ундан фойдаланишга ҳеч кимнинг ҳади-сигмайди, шеклили.

Спорт залига яқин кунларда биров қирмаган

Тумандаги 50-умумтаълим мактабида янги ўқув йилига яхши тайёргарлик кўрилган. Мактаб синфхоналари, спорт зали ўқув йилига тайёр. Мактаб худуди ҳам ободонлаштирилган ва экин майдонларининг бўш турган жойи йўқ. Бирок мазкур муассасада ҳам юқоридаги мактабда қузелтилган ҳолатларга дуч келдик.

Компьютер хонасидаги 27 та компьютернинг чанг босиб ётганига қараганда, бу ерга яқин орада ҳеч ким қирмаган. Спорт залидаги инвентарлар фойдаланишга тайёрлаб қўйилган бўлса-да, афсуски, бу ерга ҳам ёшлар қиртилмагани шундоқ кўриниб турибди. Мактаб директори А.Азимовнинг айтишича, бу ерга маҳалла ёшлари ҳар кун келиб, шугулланишади. Бирок ҳаво иссиқ бўлгани учун болалар вақтли кетишяётган экан. Очиги, спорт залига қараб, директорнинг сўзлари ҳақиқат эканига ишонгинг келмайди. Негаки, спорт залига яқин кунларда биров қирмагани шундоқ кўриниб турибди.

Юқоридаги ҳолатлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Пайарик, Оқдарё ва Нарпай туманларидаги бир қатор мактаблар ҳали янги ўқув йилига тайёр эмас. Ўқув йили бошланганига эса оз фурсат қолди. Мактаблардаги камчиликларни бартараф қилса бўлади. Бунинг учун муассаса раҳбарлари озгина кунт ва эътибор билан ҳаракат қилса кифоя. Зеро, бу борада зудлик билан чора-тадбирлар кўрилмаса, ушбу муаммолар сўзсиз таълим сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатади...

Ёрмат РУСТАМОВ
«Mahalla»

Эркак ва аёлларнинг ҳуқуқлари тенглиги ягона қонунда акс этади.

КИТОБХОНЛИКНИ ТАРҒИБ ЭТИШДА МОДДИЙ МАНФААТ УСТУНМИ?

Уқмасдан кўп китоб ўқиган кимсанинг устига китоб ортилган туядан фарқи қолмайди

Бир танишимнинг фарзанди икки йилдан буён «Ёш китобхон» танловида ғолиб бўлиш иштиёқида. Унинг билимини синаш мақсадида айрим саволлар бериб кўрдим. Иккилашиб, ўйлашиб, охири «амаллаб машинани ютиб олсам бўлди-да», деб жавоб қайтарди. Шунда ҳаммаси кундек равшан бўлди.

Бугун ёшларимиз орасида моддий манфаатни кўзлаб муталаа қилаётганлар ҳам бор. Назаримизда, уларда бадий асарга меҳр-муҳаббат уйғотишда қамровни янада кенгроқ олиш вақти келди. Аслида фақат тарғибот ва мукофотлар билан фарзандларимизни китобга ошно қила оламизми? Бу борада яна қандай янгилик ва ўзгаришларга эҳтиёж тугилмоқда? Маълуми чуқурроқ таҳлил қилиш мақсадида мутахассис фикрини билишга қизиқдик.

**Ҳеч ким
ўтказмайдиган
мусобақа**



Баҳодир КАРИМ,
философия фанлари доктори, профессор:
— Ўқиган одам билан ўқимаганининг фарқи катта. Ўқиган маънан юксалади. Ўқиганининг дунёга қараши кенг, муомала маданияти гўзал бўлади. Айни дамда китоб ўқиш масаласида ҳам ўзига хос қирралар бор. Китобни номигагина ўқиш билан тушуниб, ўқиб, ибратланиб, хайратланиб, завқланиб ўқиш орасида баҳайбат тоғдек тафовут туради. Қолаверса, ўқилган китоблардан олинган ибрат ва сабоқларни инсон ўз

юраги тоза одамнинг қалбига оромбахш эзгулик шамолларини олиб киради. Бундай қалб эгаси бировга ҳасад билан бокмайди, кўзича бошқа гапириб, изича бошқага дўниб, турли тухмату гийбат гаплар билан букаламунлик қилмайди.

Токчадан қўлга олиб ўқилган китоб тиралади. Уни ёзган муаллифнинг бахту саодати ҳам, умрининг узунлиги ҳам шунда. Қунт билан завқланиб ўқиган инсоннинг одамийлиги, камолоти эса яхши китоб танлай олишида.

Тўғриси, республика миқёсида ўтказиб келинаётган «Ёш китобхон» танловида ҳакамлар ҳайъати аъзолари қаторида ўтириб шундай фикрларни ҳаёлимдан кўп ўтказаман. Зеро, китобга меҳр берган мамлакатнинг интеллектуал салоҳияти юксалади. Жамиятда, билгирлар, ўқимишчилар, маданий савияси юксалганлар, бир-бирини тушунганлар сони, салмоғи ва салоҳияти ортади.

Жамият ҳаётида диний, тиббий, илмий, бадий, тарихий ва шу каби бошқа сифатларга эга китобларнинг ўрни

дунёга танилдилар. Орадан йиллар, асрлар изидан асрлар ўтди. Ҳамон улуг аждодларимиз ёзган китоблар ўқилмоқда, муаллифлари шаъни ва руҳига савоб бориб турибди.

Бугунги ёш китобхон ўзи ўқиётган китоблар ва уларнинг ёзувчилари тўғрисида мулоҳаза қилар экан, китобларнинг маънавий-маърифий қиймати-га, умрбоқийлик даражасига, ҳаётийлик рутбасига, албатта, диққат қаратишлари лозим.

Бугун китоб ўқиётган ёшлар

хос интеллектуал салоҳиятини, эслаб қолиш қобилиятини, муомала маданияти каби кўпгина маънавий оламнинг олмос қирраларини элакдан ўтказадиган беллашув.

Назаримда, бу танловда қатнашадиганлар сони йилдан-йилга ортиб боргани ҳолда қатнашчиларнинг илмий-адабий салоҳияти нисбатан юксалиб бораётгани сезилади. Демак, инсонларнинг онгу шуури ўзаро ўхшаш ва фарқли, уларнинг тушуниш ва тушунтириш

қобилиятлари ҳам турлича. Энг муҳими, «Ёш китобхон»да мағлублар бўлмайди. Унда қатнашган ёшлар ўз умрига етадиган, ҳаёт йўлларида фойда берадиган бебаҳо маънавий бойлик эгаси бўладилар.

Хулоса ўрнида

Бугун китоб ўқишга, муталаага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, илму маърифат соҳибларига ҳурмат ва эҳтиром доим баланд бўлган. Юрт келажиги учун эса ўз сўзига, фикрига эга бўлган ёшлар керак. Улар мамлакатнинг эртанги кунини эжаҳон майдонидаги мавқеини белгилаб беради. Демак, бугун олинган билим фақатгина бир инсоннинг эмас, бутун жамиятнинг тақдирига дахлдорлик қасб этади. Шу боис ҳам бу борадаги ишларни бир о бўлсин сўсайтиришга ҳақ қилиш йўқ.

Шаҳноза
РАХИМХЎҲАЕВА
«Mahalla»



МЕНДА САВОЛ БОР...

«Мен ўқиган китоб» қандай танлов?

— Икки фарзанднинг онасиман. Уларнинг китобга иштиёқи жуда баланд. Шу боис келгуси йил маҳалларда ўтказилаётган «Мен ўқиган китоб» танловида иштирок этишни астойдил мақсад қилишган. Шу танлов тўғрисида тўлиқроқ маълумот берсангиз.

Фарида КАРИМОВА,
Чирчик шаҳри.



ҳаётига татбиқ этиши лозим. Аке ҳолда уқмасдан кўп китоб ўқиган кимсанинг устига китоб ортилган туядан фарқи қолмайди. Агар яхши, фойдали ва зарур китобларнинг моҳияти теран англаб, абадиётга тегишли гўзал ва маънавий китоблар одамнинг кўнглини кўркем қилади. Гўзаллик ҳамisha тубанликдан устун келади, фойдали ва яхши китоблар эса

бекиёс. Ўз вақтида табаррук китоблар ўқилган қадим Мувароуннахрдан таралаётган ёдду хали шу кунга довор дунё уламоларининг кўзини қамаштириб келади. Бу замин алломалари зарлари ёки зўрлари билан эмас, айнан, ҳақиқат сирларини кашф этган, инсониятга энг тўғри йўлни кўрсатадиган китобларни тарғиб-ташвиқ қилганлиги билан

маънавий манфаат топади. Бир муҳим тапни айтиб қўяйин. Бу китобхонлик мусобақасида таниш-билиш, бировларни ўртага солиб сарсон-саргардон қилишлар иш бермайди. Аслида, тилга олиш ноҳушлик уйғотадиган бундай хунук ҳоллар бу гаройиб, фаноманал танловда мутлақо ўзини оқламайди. Бир мисол келтираман. Билимдонлар ўтасида ўзаро зимдан кураш давом этаётган палла. Қайсидир вилоятдан бир қизча ўртага чиқди. Уч-тўртта саволларнинг барчасига берилган жавоб бир хил, бир хил, бир хил... Ўқимагандан кейин китоб ичкарисидаги факт-далиллар сўзламади, мум қотди. Айнан кимлигини танимагандан кейин адибларнинг сиймолари ҳам экрандан мўлтираб қараб қолди. «Билимдон»нинг билмасвойлиги бундай вазиятда аниқ-равшан билинди. Ҳамма сездим. Агар англаб, бу мулазимлик бундай иштирокчи учун бир умрга етади. Бошқа соҳаларда, турли махфий ўтказиладиган мусобақаларда таниш-билиш, бировга орқа бўлиш ҳолатлари бўлиши мумкин. Аммо «Ёш китобхон» — миллионлаб одамлар кўзи олдида бир неча дақиқалар орасида энг керакли, энг муҳим фикрларни ўрнили, мантқиқли, гўзал адабий тилда баён қилишга қаратилган, ёшларнинг ўзига



Баҳодир НАБИХЎҲАЕВ,
Фукараларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ёшлар сийсати, ҳуқуқ-тартибот ва оммавий спортни ривожлантириш бўлими бошлиғи:

— Икки йилдан буён республика миқёсида «Мен ўқиган китоб» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад — маҳалла ёшлари ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш, юртимиздан етишиб

чиққан буюк аллома, адиб ва мутафаккирларнинг бой маънавий мероси, умумбашарий цивилизация, маданият, дунёвий ва диний илм-фан тараққиётига улкан ҳисса қўшган улуг аждодларимизнинг ноёб асарларини асраб-авайлашдир. Қолаверса, бу уларнинг нодир меросини, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёшларимизни ўзлигини англаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда ҳам алоҳида ўрин тутди.

Танлов иштирокчиларининг бадий асарлар гоёси, улуг алломалар, ўзбек ва эжаҳон адабиёти намояндалари ва шеърят соҳасидаги билимлари синондан ўтказилди. Ғолиблар қимматбаҳо совғалар ва китоблар билан тақдирланади.

Мехрибонлик уйи тарбияланувчиси... Кўпчилик болаларнинг бу тоифаси ҳақида эшитганда, биринчи навбатда, ачиниш ҳиссини туяди. Кўзларига боқиб, умид ва тушкунлик, севинч ва ғам, баъзан ишончсизлик кайфиятини кўради. Бу ердаги қорақўзларнинг истаги ҳам ўхшаш: мудом ота-она меҳрини туйиш, уларни кутадиган уйлари ҳақида ўйлашади.

Тўғри, болага ота-она берадиган меҳр-эътибор ўрнини ҳеч нима босолмайди. Бироқ адолат юзасидан-да айтиш керакки, бу болалар тўлиқ давлат таъминотида, уларнинг зорикмай яшаши учун барча шароитлар яратилган. Хатто улар кўпгина ота-оналар ўз фарзандига яратиб бера олмайдиган жуда яхши шароитлар билан таъминланган.

— Муассасамизни катта оилга ўхшатаман, — дейди пойтахтимиздаги 22-сонли Мехрибонлик уйи директори Шаҳрия Бердиева. — Ходимларимиз ҳар бир болага ўз фарзандидек муносабатда бўлишади. Бу ерда ҳақиқий оила муҳитини яратишга ҳаракат қиламиз. Тан олиш керак, илари Мехрибонлик уйлари болаларни вояга етсунга қадар назорат қиладиган «колония»га ўхшарди. Ҳозир эса бундай муассасаларга муносабат мутлақо ўзгача. Муассасада ўғил-қизларнинг ўқиши, билим олиши, ҳунар эгаллаши, Мехрибонлик уйидан кейинги тақдирини доимий эътиборда. Улар учун бу ерда назоратлик, тикувчилик, сартарошлик, спорт, musiқа тўғрисида фаолият олиб боради. Ушбу ҳунарларни эгаллаган йигит-қизларимиз мустақил ҳаётда ўз йўлини топишга ишонамиз.

Назорат сусайгани панд беряптими?

Дарҳақиқат, бугун Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг аксарияти тафаккури, истеъдоди, билими, эришган ютуқлари билан юртимиз таракқиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган. Бу борада улар хатто тўқис оилада вояга етган айрим тенгдошларига-да ўрناк бўла олади. Аммо, афсуски, бу тарбияланувчиларнинг барчаси ҳам ҳаётда ўз ўрнини топапти, дегани эмас. Хўш, бунга қайси омиллар сабаб бўлаётган? Нега айрим ҳолларда бундай болаларнинг келажаги ҳақида сўз борганда, катта сўроқ белгисига дуч келаверамиз?

Мехрибонлик уйидан кейинги ҳаёт

ЁХУД НЕГА ДОИМ БУНДАЙ БОЛАЛАРНИНГ КЕЛАЖАГИ ҲАҚИДА СЎЗ БОРГАНДА, КАТТА СЎРОҚ БЕЛГИСИГА ДУЧ КЕЛАВЕРАМИЗ?



— Маҳалламизда истиқомат қилувчи Мехрибонлик уйларида тарбияланган фуқароларга доимо кўмаклашамиз, — дейди пойтахтимизнинг Сергели туманидаги «Нилуфар» маҳалла фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадрларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассиси Зебинисо Шукурова. — 2013 йилда ана шундай ёшлардан бир нечаси бу ерга кўчиб келди. Кўпчилиги оила қуриб, бахтли ҳаёт кечирмоқда. Бироқ улардан бири ўғиллик содир этиб, мана, беш йилдирки, жазони ўташ муассасасида умрининг энг гуллаган даврини ўтказаяпти. Демак, болани уй-жой билан таъминлашнинг ўзи етарли эмас экан. Уларни иш билан таъминлаш, ижобий муҳитга олиб кириш, ҳулас, доимий назорат қилиш зарур. Назоратнинг сусайиши панд бериши тайин. Зеро, 18 ёшида Мехрибонлик уйидан учирма бўлган ўғил-қизлар вояга етган бўлса-да, ҳали барибир мустақил ҳаётга тайёр бўлмайди.

Хар доим атрофдагилар нимадир қилиб бериши керакми?

Яшнобод туманидаги «Яшнобод» маҳалласида яшовчи Малохат Фармонова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 2012 йилгача Мехрибонлик уйида тарбияланган. Унга давлат томонидан алоҳида квартира берилди. Бу орада оила қуриб, фарзандли бўлди, аммо турмуши ўхшамади. Ҳозирда икки нафар фарзандни вояга етказётган ёлғиз онага маҳалла ахли ва ҳомийлар томонидан доимий ёрдам кўрсатилади. Бироқ Малохат нафақат ўзининг, балки вояга етмаган икки фарзандининг ҳам тақдирини барбод қилаяпти.

— Ҳомийлар томонидан Малохатнинг фарзандлари учун боғча тўловлари қоплаб берилганди, — дейди «Яшнобод» маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби Хафиза Тешабоева. — Бироқ у фарзандларини боғчага олиб боришдан бош тортиди. Аксинча, уларни кўчага чиқариб, садақа сўрашга мажбурлади. Бу ҳаракатлари учун икки ишлар ҳодимлари томонидан бир неча бор огоҳлантирилди. Ўтган йили уйини таъмирлаб бердик. Яқин атрофдан иш ҳам тондик, лекин у мактабда фаррошлик қилишдан кўра, одамлардан садақа сўрашни афзал билипти. Феъл-атворида тушуниш қийин. Унинг ахлоқи билан шугулланиш учун психологларни ҳам жалб қилганмиз. Афсуски, уринишларимиз бесамар кетмоқда.

Кузатишларимиз натижасида шунга амин бўлдикки, аслида Мехрибонлик уйидаги ва ташқаридаги ҳаёт икки-та — бошқа-бошқа воқеалик. Биттасида сенга имкони бори-ча яхши шароитлар яратиб беришади, иккинчисида эса барчасига ўз ҳаракатларинг билан эришишни керак. Шунинг учунми, ҳамма нарса муңайё етилган турмуш тарзига ўрганган болаларга мустақил ҳаёт уммонидан сузиш биров кийинчилик туғдиради.

Елена Иванова билан боғлиқ вазият ҳам юқоридаги ҳолатга яқин. Коллежни тугатган, университетга ўқишга кирди, аммо ўқишни хоҳламади. Бу орада бир йилгит билан танишиб, оила курди. Бироқ икки-уч йилдан сўнг ажрашди, бугун икки фарзанднинг онаси. На касби бор ва на иши, анча вақт унга саховатли кишилар ёрдам қилини чўзишди. Шунча қўллаб-қувватлангани, шунча нотаниш кишиларнинг унга ачиниш ҳисси билан қарагани 30 ёшга кирган бўлса-да, ҳалиям атрофдагилар унга ниманидир қилиб бериши керак, деб ўйлашга олиб келгандир, эҳтимол.

Уларнинг тақдирини сизу бизга дахлдор

— Онамнинг вафотидан сўнг Мехрибонлик уйида тарбияланганман, — дейди Александр Сергеева. — У ерда менга худди ўз жигарғушларидек муносабатда бўлишди. Яхши таълим-тарбия беришди. Мактабни тамомлаб, Тошкент туризм ва бизнес касб-ҳунар коллежиди ўқишни давом эттирдим. 2017 йилда қадрдон уйимни тарк этиш вақти келганди. Яхши инсонлар бу вақтда ҳам доим менга кўмакчи бўлди. Мени тушунадиган инсон билан турмуш курдим. Ҳозир фарзандимиз бор. Бу йил олий таълим муассасасига ҳужжат топширганман. Келажакда юртимиз туристлик салоҳиятини оширишга ҳисса қўлиши ниятидаман. Одамнинг доимо қўллаб турадиган кимидир бўлиши керак экан. Агар адашганда тўғри йўл кўрсатадиган, йўқалганда сўячиқ бўладиган яқини бўлмаса, ҳар қандай ёш йўлдан озини муимкин.

Юқорида келтирилган фикрлардан англашладикки, айрим ҳолларда Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўзларига берилган имкониятлардан самарали фойдалана олмаяпти. Ҳаётта мослашиш, жамият қонуниятлари асосида яшаш борасида айрим ҳолларда муаммоларга дуч келяпти. Хўш, бундай вазиятда қандай йўл тутиш керак? Баъзан хатто, катта одам ҳам довдираб қоладиган ҳаёт кийинчиликларига ўспиринни дош беролмаганликда айбаш қанчалик тўғри?

Мехрибонлик уйларида улар турли тўғраракларга катнашди, билим ва дунёқарашини мунтазам кенгайтириб боради, дедик. Нега энди бу жараёнда ижтимоий мослашиш сабоқларини, яъни маблагларни қандай бошқариш, қарорлар қабул қилиш, зиммасига масъулиятни ола билиш қабиларини ҳам мукаммал ўргатаймиз?

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 22 апрелдаги «Етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори айни йўналишдаги муаммоларга ечим бўлди, десак адашмаймиз. Хужжат билан эндиликда уларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллашига оид тизим такомиллаштирилди, болаларни васийликка олган шахсларга қўшимча нафақа тайинланди, бундай болаларга имтиёзли ипотека кредитлари асосида уйлар сотиб олиш имконияти яратилди, олий таълим тизимида қўшимча квоталар ажратилди. Бундан ташқари, бандлигини таъминлаш ишлари доимий мониторинг қилиб борилади.

Бола ниҳолга ўхшайди. Уни қандай тарбияласан, шундай вояга етади. Бунда, албатта, жамиятдаги муҳит муҳим аҳамиятга эга. Маънавий ил-дизларини билган бола жиноят қўчасига қадам босмайди. Бунга эришиш учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этиши, бурчини сидқидилдан бажариши лозим. Зеро, Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳам бизнинг болаларимиз. Демакки, уларнинг тақдирига, келажагига дахлдор ҳар қандай масала сизу бизга-да алоқадор.

Хўш, сиз бунга нима дейсиз, маҳалладош?

Зарингор
АБДУВОҲИДОВА,
журналист.



«Кудук», «Тундан тонгача», «Хўжа Насриддин», «Осий банда» каби юзлаб фильмлардаги роллари билан барчага таниш бўлган истеъдодли актёр Сайфиддин Мелиев, аллақачон, сахналаштирган спектакллари орқали театр режиссёри сифатида ҳам мухлислар қалбидан жой олган. Айниқса, «Жалолиддин Мангуберди», «Чингизхон», «Тўмарис», «Бибихоним» ва «Амир Темур» сингари тарихий, «Пуанкаре», «Медиа» каби ўзига хос спектакллари мутахассислар ва кўп сонли томошабинлар эътирофига сазовор бўлган. Эътиборингизга, Мудофаа вазирлиги маданият ва маърифат марказининг «Турон» ҳарбий давлат театри бадий раҳбари, режиссёри, маҳоратли актёр Сайфиддин Мелиевнинг кино ва театр санъатидаги ютуқ ва камчиликлар, актёр ва режиссёрлик маҳорати, тарихий сахна асарларини яратиш услуби ва масъулияти ҳақидаги фикрларини ҳавола этамиз.

Сайфиддин МЕЛИЕВ:

«Тарихни бузиб кўрсатиш — миллат устидан кулиш»

Актёр биргина образнинг, режиссёр эса санъат асарининг тақдирини белгилайди

Рус режиссёри Марк Захаров шундай дейди: «Агар биринчи синф ўқувчиси катта бўлсам актёр бўлман, деса ишониш мумкин. Аммо режиссёр бўлман деса ишониш қийин».

Ростдан ҳам, режиссёрлик жуда мураккаб касб, ҳатто, шу йўналишдаги олий таълим муассасасида ўқиётган талабаларнинг ҳам аксарияти у ерга машҳур актёр бўлиш мақсадида келади. Тўғри, яхши актёр бўлиш учун ҳам инсонда ўзига хос иктидор бўлиши керак, аммо режиссёрлик учун иктидорнинг ўзи камлик қилади. У кишидан кучли билим, маҳорат ва кенг дунёқарашга эга бўлиши талаб этилади. Бу икки санъатнинг бир-бирига ўхшаш ва ўзига хос қирралари жуда кўп. Асосийси, уларнинг қай бирини танлашдан қатъи назар инсон ўз ишининг устаси бўлиши керак деб ўйлайман. Бунинг учун эса, меҳнатдан, ўқиб изланишдан қочмаслик керак деб ҳисоблайман.

Аввал, актёрлик бўйича тахсил олдим. Кейинчалик, аспирантурада режиссёрликка ўқидим. Сабаби устозлар, соҳанинг етук вакиллари спектакль, кинолардаги ролларини кўриб яхши баҳо беришди. Ролни яхши ижро қилдинг, аммо кишининг ўзи унчалик яхши эмас экан, сахна асари ўхшамасди, ўзинг кино олсанг бўлмайдинг, дея тақдир қилганлар ҳам бўлди. Чиндан ҳам юздан ортқ роль ижро этдим. Уларнинг орасида ўзимга ёққани кўнглим тўлгани, унча кўп эмас.

Баъзилар кинолардаги ролларингиздан сизни таниймиз, нега режиссёрлик фаолиятингизни театрда бошладингиз, деб сўрайди. Бунинг сабаби театр режиссёрлиги машаққатли бўлиш билан бирга маҳоратни сайқаллайди. Театрнинг томошабини ҳам бошқача. Уларнинг талаби кучли ва сени шу талаб даражасида ишлашга мажбур қилади.

Амир Темурни тарихий шахс сифатида

Аммо инсон сифатида эмас

Тарихни яхши кўраман. Тарихий асарлар, пьеса ва архив хужжатларни титқилаб уни ўрганишга ҳаракат қиламан. Шу боис ҳам тарихий қаҳрамонларнинг сиймосини катта сахнага олиб чиқишга уринаман. Мана яқингинада театрмиз жамоаси билан «Амир Темур» ҳақида янги спектаклни сахналаштирдик. Амир Темур ҳақида бундан олдин кўплаб кино ва спектакллар олинган. Айниқса, 1996 йил Сохибқирон таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан барча театрлар бу мавзуга кўл урган. Мен ҳам аввал, ушбу тарихий шахс ҳақида спектакль сахналаштирганман. Аммо уларнинг ҳеч биридан олдий томошабин сифатида ҳам, мутахассис сифатида ҳам кўнглим тўлмаган. Бу сахна асарларида, асосан, Сохибқироннинг енгилмас саркарда, адолатли давлат раҳбари эканига ургу берилган. Биз эса янги сахна асарида унинг ички дунёси, инсоний ботинига назар ташлашни ният қилдик. Унинг ғам-андуҳи, қувончи каби ҳиссиётларини тасвирладик.

Тарихий асарларни яратиш учун режиссёрнинг ўзи тарихни яхши билиши керак. Бир-иккита тарихчидан маслаҳат, йўл-йўриқ олиб, ўтмишни сахнага олиб чиқиб бўлмайди. Чунки олимлар тарихга назариётчи сифатида қарайди. Режиссёр эса уни кўз олдида жонлантиришга уринади.

Тарихни бузиб кўрсатиш — миллат устидан кулиш

Устозларимиз кўп такрорларди: «Тарихни билмасанг бу мавзуга тегма. Севи-мухаббат ҳақида асар яратиб юравер», деб.

Ростдан ҳам тарихий асарларни яратишнинг масъулияти жуда катта. Уни бузиб талкин қилиб қўйиш тузатиб бўлмас ҳато, халқ, миллат ва тарих устидан кулиш бўлади.

Бугун мамлакатимизда тарихий кино олишга, уни катта экранларда жонлантиришга ҳаракат қилинмоқда. Бунинг учун давлат томонидан тегишли маблағ ажратилиб, барча шарт-шаронглар ҳозирланяпти. Аммо яратилган тарихий кинолар талабга жавоб бермайди.

Масалан, кейинги йилларда олинган «Исломхўжа», «Элпарвар», «Абу Исо Мухаммад ат-Термизий» тўғрисидаги фильмларни томоша қилиб, баъзиларнинг тасвирга олиниш жараёнида қатнашиб, бунга амин бўлдим. Тарихни жонлантираман деб ўлдириб қўйишяпти. «Исломхўжа» фильми бунга бир мисол. «Исломхўжа»нинг премьерасини ўн дақиқадан кўп томоша қилолмадим. Ўтган фурсат ичида бу кишини олишда тарихдан бутунлай беҳабар инсонлар қатнашибди, деган ҳулосага келдим. Масалан, бош қаҳрамон узун сокол билан бирга соч қўйиб олган. Бизда соч билан сокол бирга қўйилмаган. Ё бўлмаса декадранга эътибор берадиган бўлса қийимлари, хоналардаги стол-стул, пардалари турк ва хитой материалларидан тайёрланган. Қийимларнинг



тикилиши ҳам турк либосларига ўхшаган. Ҳатто, актёрларнинг пардози ҳам театрдаги каби бўлиб қолган. Кинода актёрлар бундай пардоз қилинмайди. Бунинг мутахассислар дарров пайкашгандир.

Энг ёмони Исломхўжа саройида ҳам, адашмасам, тарихини қўлида ҳам учталик шамдон кўрдим. Бу шамдон христиан динига эътиқод қилувчиларга хос. Ваҳоланки, у даврда бундай матоҳлар шох саройлари у ёқда турсин олдий мусулмон хонадонига ҳам олиб қирилмаган. Ўзига хос мойчиноқлар ишлатилган. Бу жуда кўпол ҳато. Аслида шарқда рамзларга, кичик деталларга катта эътибор қаратилади. Масалан, аввалги, даврларда паранжи остидаги аёлларнинг лозимидаги сезилар-сезилмас кўриниб турган жия-гидан унинг ёш киз, жувон ёки турмушга чиққан аёл эканини ажрата олишган. Эракларнинг ҳам қийими: белбоғ, пичок, тўнига қараб унинг қимлиги аниқланган.

Фақатгина «Исломхўжа»даги жузъий камчиликлар ҳақида гапирдим. «Элпарвар» ва «Абу Исо Мухаммад ат-Термизий» фильмларининг олиниш жараёнида ҳам бундай камчиликларни кузатганман. Мана, суратга олиш жараёнида давом этаётган яқин тарихда рўй берган воқеаларга асосланган «Саид ва Саида» бадийи фильмида ҳам шундай нуқсонлар бор экан.

Фикримча, шунча имконият берилганда, ундан унумли

фойдаланишимиз керак. Тарихий фильмларни суратга олишда шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди. Чунки тарихни биллиб ё билмай бузиб кўрсатганларни келажак ҳам кечирмайди.

Янги мавсумга ўзгача совғалар тайёрлаяпмиз

Бу йил жамоамиз учун унутилмас бўлди. Турон театр-студиямизга давлат мақоми берилди, шунингдек, бир неча тарихий ва замонавий спектакллар сахналаштирилди.

Ҳозир янги мавсумга тайёрларлик кетаяпти. Охириги сахналаштирган сахна асарларимиз «Амир Темур» ҳамда яқинда тайёр бўлган «Мухаббат мавсуми». Навбатда эса Шароф Бошбеков қаламига мансуб «Меҳр ва Мавзе» асари турибди. Хуллас, келгуси мавсумда томошабинларни янада хурсанд қилиш ниятидамиз.

Шу қушларда узок танаффусдан сўнг бир кинода роль ижро этияман. Унинг мавзуси ҳозирча сир. Келгусида режиссёр сифатида бадийи фильм суратга олиш ниятим ҳам бор. Истеъдодли ва ижодимни томошабинлар қалбидан жой олишга, ўзбек кино, театр санъати ривожини йўлида сафарбар этганман. Янги ғоя ва лойиҳалар билан тез кунда санъат илҳомандлари билан дийдор кўришамиз.

«Mahalla» мухбири
Санжар ЭШМУРДОВ
оққа кўчирди.



Эркин илмий ижодкорлик тамойили қонунда мустаҳкамланади.

Оғриқ қолдирувчи дорилар соғлиқ учун зарарлими?

ДОРИ ВОСИТАЛАРИ БИР АЪЗОИНГИЗ УЧУН ФОЙДАЛИ БЎЛСА, ИККИНЧИСИ УЧУН КАТТА ЗИЁН КЕЛТИРИШИ МУМКИНЛИГИНИ ЁДДА ТУТИНГ

Инсон танасида бIRON Оғриқ сезса, дарҳол ундан фОРИФ бўлишга ҳАРАКАТ қИЛАДИ. БАЪЗАН «ҲОЗИР ЎТИБ КЕТАДИ» дЕГАН ЎЙ ШИФОКОР ҲУЗУРИГА БОРИШ МАЖБУРИЯТИНИ ЙЎҚА ЧИКАРАДИ. ШУНИНГДЕК, ОҒРИҚ ҚОЛДИРУВЧИ ТАЛАЙ ДОРИЛАР БОРКИ, БУ ҲОЛАТДА ЭНГ ЯХШИ ЕЧИМ БЎЛАДИ: БИРГИНА ТАБЛЕТКА ВА БАРЧА ОҒРИҚЛАРДАН ХАЛОС БЎЛАСИЗ. ТАШҚАРИДАН ҚАРАГАНДА БУ ДАВО УСУЛИ НИҲОЯТДА ҚУЛАЙ. ЧУНКИ ИССИҚДА ШИФОХОНАГА БОРИШ, НАВБАТ КУТИШ КИМГА ҲАМ ЁҚАДИ. ҚОЛАВЕРСА, ВАҚТ ВА МАБЛАҒ ҲАМ ТЕЖАЛАДИ.

Хўш, аслида-чи? Оғрикни қолдирувчи дорилар киши дардига чиндан ҳам даво бўладими? Уларнинг бошқа организмларга салбий таъсири йўқми? Шу каби саволлар билан **Олий тоифали шифокор Зулхумор Юсупова**га мурожаат қилдик.

Оғриқдан халос бўлман, деб ўрганиб қолман!

Оғриқ қолдирувчи дорилар оғриқ сезгисини йўқотади ёки қайтарилади. Улар кимёвий тузилиши ва таъсир механизмига кўра бир-биридан фарқланади. Бу дорилар таркибида оғриқ қайтариувчи моддалар (анальгетиклар) асосий ўринни эгаллайди. Ўз навбатида, аналгетиклар наркотик ва наркотик бўлмаган турларга бўлинади.

Наркотик аналгетиклар шикастланиш, куйиш, миокард инфарктида рўй берадиган кучли оғриқларни қолдиради. Марказий нерв тизимига таъсир кўрсатиб, эшитув, қўқув, тактил сезгини қулайтиради. Оғриқ билан кечадиган ваҳима, ҳаяжонланиш, таъшишга тушиб, кишида ҳавфсизлик, ўзини енгил ҳис қилиш, бамайиҳотирлик туйғусини пайдо қилади. Наркотик аналгетикларни доимий қабул қилиш инсонни унга ўргатиб қўяди. Бу — наркоманияга сабаб бўлиши мумкин. Шу боис наркотик аналгетиклар катъий ҳисобда туради, шифокор тавсиясиз ичиш тақиқланади.

Шифокор тавсиясиз ичиб бўлмайди

Наркотик бўлмаган аналгетикларга амидопирин, аналгин, ацетилсалицилат кислотаси, парацетамол кабилар кирди. Наркотик аналгетикларга қараганда оғриқ қолдирувчи таъсири кучсизроқ бўлган бу дорилар, асосан, невралгия тусидаги оғриқларда, мушаклар яллиғланиши, тиш ва бош оғриғида қўлланилади. Оғриқ қолдириш билан бирга, иситма

тушишига ҳам ёрдам беради.

Бирок бу дориларни шифокор тавсиясиз ичиш мумкинлигини аниқлатмайди. Боиси шифокор кўригидан ўтиб, оғриқ сабаби ва ҳусусиятини билгандан сўнг бундай воситаларга мурожаат қилинса, даво чораси ҳам шунча тез топиларди. Унутманг, қиска муддатли оғриқнинг қолиши билан дардан фОРИФ бўлмайсиз.

Кўпчиликлари оғриқ қолдирувчи дориларнинг организмга салбий таъсирлари ҳақида гапирсангиз ишонмайди. Ваҳоланки, уларнинг акс таъсири ҳақида дори йўриқномасида «Буйрак, жигар ва ошқозонда



муаммоси борларга мумкин эмас», деган эслатма мавжуд.

Бирига даво, иккинчисига сабабчи...

Организмдаги зўриқиш, кимёвий моддалар концентрациясининг кўпайиб кетиши буйракда ортиқча туз ва моддалар тўпланишига сабаб бўлади. Жигар қонни яхши тозалай олмайди. Ошқозон ва

ичакларда овқат ҳазмида муаммолар кузатилади. Натижада организмдаги ўзаро чамбарчас механизм иши бузилади: бўғинлар ва умуртка поғонасида хасталиклар пайдо бўлади. Бу эса нерв толаларининг қисилишига, натижада ички аъзолар фаолияти издан чиқишига олиб келади.

Айримлар оғриққа дош беролмай, оғриқ қолдирувчи дориларни тартибсиз, ҳатто 2-3 тадан ичиб юборади. Бу

Ваҳоланки, уларнинг акс таъсири ҳақида дори йўриқномасида «Буйрак, жигар ва ошқозонда муаммоси борларга мумкин эмас», деган эслатма мавжуд.

вазиятни янада оғирлаштирадиган, баъзида захарланишга ҳам сабаб бўлади.

Дори зарарларидан қутулай десангиз...

Сўнгги тадқиқотлар оғриқ қолдирувчи воситаларнинг кичик дозаларини мунтазам қабул қилиш юрак касалликлари ривожланиш хавфини 20-30 фоизга оширишини кўрсатди. Фармацевтика саноатининг жадал ривожланишига қарамай, олимлар ҳали-ҳануз ноўғай таъсирларсиз битта ҳам дори яратиб беришолмади. Шунинг учун инсон организмнинг бирон жойида оғриқ кузатилса, энг биринчи бўлиб шифокорга мурожаат қилиш лозим. Оғриқ қолдирувчи дориларни мунтазам истеъмол қилиш киши танасида зарарли токсинлар кўпайишига олиб келади. Дори-дармонлар мураккаб таркибга эга бўлиб, уларнинг баъзилари тана ичига жойлашиб, ички органларнинг нормал ишлашига ҳалал беради.

Кўпгина дорилар ички органларга токсик таъсир кўрсатади. Шу боис ҳар гал шифокор қабулига борганингизда унга организмда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида батафсил маълумот беринг. Қабул қилаётган ҳар бир дори воситангиз бир аъзонингиз учун фойдали бўлса, иккинчиси учун катта зиён келтириши мумкинлигини ёдда тутинг. Дори-дармонлар қабул қилиб, дарҳол ухланманг. Чунки дори таркибидаги воситалар қизилдўнгачнинг шиллиқ қавагини тирнаши мумкин. Қабул қилгач, 15-20 минут ўтиринг ёки пиёда юринг.

Саҳифани «Mahalla» муҳбири Садокат МАХСУМОВА тайёрлади.

БИЛАСИЗМИ?

Қорин қўйиш обрў эмас, касаллик!

КЎП ОВҚАТЛАНИШ, КАМҲАРАКАТЛИЛИК ВА ЎТИРИБ ИШЛАШ, ЁШГА БОҒЛИҚ ЎЗГАРИШЛАР ҲАМДА ГОРМОНАЛ БУЗИЛИШЛАР ҚОРИН ПАЙДО БЎЛИШИГА САБАБ БЎЛАДИ

Кишиларга аксарият ҳолларда ташқи кўринишига қараб баҳо бериларди. Усти-бошино гавданинг семиз-ориклиги ҳам бу жараёнда муҳим аҳамиятга эга. Негадир ёши катталарда қорин қўйиб юбориш ҳолати кўп кузатилади. Кимдир буни касалликка, бошқа биров гена, яна биров ҳаракатсизликка йўяди. Шунингдек, бундай кишиларга одатда «нозик» катлам вақиллари сифатида қаралади. Хўш, аслида қорин қўйиш «обрў»ми ёки касаллик?

Қоринни йўқотиш учун...

Кўп овқатланиш, камҳаракатлилик ва ўтириб ишлаш, ёшга боғлиқ ўзгаришлар ҳамда гормонал бузилишлар қорин пайдо бўлишига сабаб бўлади. Аммо қоринни йўқотишда ёғ катлам турларини ҳам инобатга олиш лозим. Ёғ катлами тери ости ва қорин бўшлиғида йиғилади. Тери остига йиғилган ёғ катламини йўқотиш у қадар қийин эмас. Буни махсус парҳез ва жисмоний машғулотлар ёрдамида ҳал этиш мумкин.



Аммо ёғ катламини қорин бўшлиғининг ички томонида йиғилиши ички аъзоларга салбий таъсир кўрсатади. Ёғ кўпайгани сари аъзолар тўлақонли ишлай олмайди. Бу қанди диабет, қонда липидлар ва холестерин миқдорининг ортиши, атеросклероз, унинг кетидан тромблар, инфаркт ёки инсульт, қон босими билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради. Вазн ортиб кетиши оқибатида ҳаракатланиш қийинлашади, хансираш, таянч-ҳаракат апаратининг зўриқиши юзага келади.

Қандай фОРИФ бўлиш мумкин?

Қорин 1-2 ҳафта ёки бир неча ойда кетиб қолмайди. Катъий амал қилинадиган парҳез ҳам бу муддатда самара бермайди. Айниқса, қорин бўшлиғидаги ёғ катламлари жуда чидамли бўлиб, уларни йўқотиш учун узок вақт талаб қилинади. Ундан фОРИФ бўлиш учун сифатли ва янги маҳсулотлар, мева-сабзавотларни истеъмол қилинг. Ярим тайёр маҳсулотлар, қовурилган картошка (чипслар), фастфуд, ёғли таомлар, шунингдек, уни ва қандли маҳсулотлардан тийилинг. Иложи борича газли ичимликлар, ширин чой, сутли қахва ичманг.

Қун тартибини аниқ режалаштиринг, жисмоний машғулотлар, сайр қилиш, дам олиш учун, албатта, вақт ажратинг. Машқларни ошқозон тўла пайт эмас, енгил овқатлангандан сўн бажаринг. Ташқи кўринишнингиз рисоладагидек, танангиз касалликлардан холи бўлиши ўз қўлингизда эканини унутманг. Доим соғлом турмуш тарзига амал қилинг.

Қизамиқ хасталиги учун қизил кўйлак кийиш шартми?

КАСАЛЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ЮҚТИРМАСЛИК, ОРГАНИЗМДА УНГА ҚАРШИ ИММУНИТЕТ ҲОСИЛ ҚИЛДИРИШНИНГ ЯГОНА ЧОРАСИ, БУ — ЭМЛАШДИР



— Оммавий ахборот воситаларида Самарқанд вилоятида қизамиқ касаллиги тарқасани ҳақида хабарлар берилди. Кенг жамоатчилик эътиборини тортган бу ҳолат қанчалик ҳақиқатга яқин? Умуман, қизамиқ қандай касаллик? У қанчалик хавфли? Шу ҳақда тулиқроқ маълумот берсангиз.

Нурбек САЛИМОВ,
Самарқанд вилояти.



бўлиб, бироз қичишади. 3-4 кундан сўнг соғайиш даври бошланади. Юздаги тошмалар қорая бошлайди ва жигарранг доғларга айланади. Касалликдан зотилжам (ўпка яллиғланиши), томоқнинг шиши, ўрта кулоқнинг яллиғланиши (отит), ичак касалликлари каби асоратлар қолиши мумкин. Шундай бўлса-да, хасталикдан сўнг одамда умрбод иммунитет шаклланади.

Давоси қандай?

Қадимда момоларимиз қизамиқ бўлган одамга қизил кўйлак кийдиришган ва бу давонинг бир тури эканига ишонишган. Бугунги кунда ҳам мазкур ирим сакланиб қолган. Аммо замонавий тиббиётда касалликдан факат ўз вақтида эмлатиш орқали химояланиш мумкин, деб тавсия қилинади.

Қизамиқ билан оғриган беморларнинг қоронғу хонада тинч ётишларини таъминлаш зарур (конъюнктивитда ўткир ёруғлик кучли оғриқ беради). Оғиз чой содасининг эритмаси билан чайқаб турилади, асоратларнинг олдини олиш учун кўзларга сульфасил ва бошқа антибактериал томчилар томизиб турилади. Пневмония ёки бошқа бактериал асоратлар ривожланган тақдирда антибиотиклар қабул қилиш тавсия этилади.

Қизамиқ қаерда кўп учрайди?

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотиға кўра, Европанинг катор давлатларида сўнгги икки йил давомида қизамиқ касаллиги бўйича эпидемиологик нохуш вазият сакланиб қолмоқда. Ушбу касалликдан ўлим кўрсаткичлари ўтган йили «кўхна китъа»да 72 та ҳолатда қайд этилган. Бунда, айниқса, Мадагаскар ва Украинанинг аксар аҳолиси энг кўп тарқалган ҳудуд сифатида бу касалликдан азият чекоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, касалликнинг олдини олиш ва юқтирмаслик, организмда унга қарши иммунитет ҳосил қилдиришнинг ягона чораси, бу — эмлашдир. Афсуски, эмлаш даражаси паст ёки эмлашдан воз кечган мамлакатларда бу касаллик авж олади. Ўзбекистон эса ЖССТ томонидан қизамиқ ва қизилча касалликларини бартараф этган мамлакат сифатида тан олинган.



Даврон ЖУМАНИЁВ,
Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи:

— Маълумотларга қараганда, 2019 йилнинг 1 январидан 5 августгача бўлган муддатда вилоятда 419 нафар киши қизамиқ касаллиги гумони билан рўйхатга олинган ва ўтказилган лаборатория таҳлиллари натижасида улардан 29 нафарида ушбу касаллик белгилари тасдиқланган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)нинг ҳуласасига кўра, мамлакатимизга қизамиқ вируси бошқа давлатлардан кириб келган. Яъни унинг ташувчилари қизамиққа қарши эмланмаган чет эл фуқаролари бўлган. Аҳоли орасида ушбу касаллик тарқалишининг олдини олиш ва тўхтатиш мақсадида улар билан мулоқотда бўлган 11 минг 101 нафар шахс эмланди. Ўлим ҳолатлари умуман қайд этилмади.

Қизамиқ қанчалик хавфли?

Хўш, қизамиқ ўзи қандай касаллик? Унинг пайдо бўлишига нималар сабаб бўлади? Даво чоралари қандай?

Қизамиқ — хавфли юқумли касаллик бўлиб, у кўпроқ шу

касалликка қарши эмланмаган ёш болаларда учраши мумкин. Эмизикли гўдақлар она сутти орқали иммунитет ҳосил қилгани учун қизамиққа чалинмайди. Уларга касаллик юққан тақдирда ҳам асоратсиз кечади.

Касаллик тана ҳароратининг кўтарилиши, юкори нафас йўллари, кўз шиллик пардаси, оғиз бўғлигининг яллиғланиши ва терида қизил, йирик доғли тошмалар топиши орқали белги беради. Хасталик кўзгатувчиси вирус ҳисобланиб, бемор йўталганда, аксирганда,

“Аҳоли орасида ушбу касаллик тарқалишининг олдини олиш ва тўхтатиш мақсадида улар билан мулоқотда бўлган 11 минг 101 нафар шахс эмланди.”

гаплашганда туپутининг майда томчилари ҳавога тушади, кейин нафас йўллари орқали соғлом бола организмга ўтади.

Унинг белгилари қандай намоён бўлади?

Касаллик тўрт босқичда кечади. Яширин даври 6-18 кунни ташкил этиб, белгилари даярли сезилмайди. Хасталик ўткир бошланиб, тана ҳарорати кўтарилади, куруқ йўтал тутади, тумовга чалинади, кўз қизариб ёшланади, товуш бўғилиб қолади, ёруғликка қарай олмайди. Бу даврда лунж шиллик пардаси атрофидида майда қизил-оқ доғлар пайдо бўлади. Улар тошма топишдан 2-3 кун олдин пайдо бўлиб, 1-2 кун ўтиб йўқолади. Боланинг дармони куриб, инжик бўлиб қолади, иштаҳаси йўқолади, тез-тез ичи кетади. Катта ёшли болаларда бош оғриғи, қусниш, бурун қонаши, қорин оғриғи кузатилади.

Тошма топиш даврида бемор қайта иситмаламайди, томоғи қизаради. 4-6 кунга келиб ўзига хос қизил, йирик доғ тошмалар топиб, бир неча соатда бутун юзга ёйилади. Иккинчи кун тошмалар баданга, учинчи кун кўл ва оёқка тарқалади. Қизамиқда тери нам

МЕНДА САВОЛ БОР...

Фарзандингиз юзига сувчечак тошса...

— Фарзандимнинг юзида қандайдир тошмалар пайдо бўлди. Қўшим кўриб, бу сувчечак дея хавотиримни оширди. Айтинг-чи, сувчечак қандай касаллик? Уни уй шароитида даволаса бўладими?

Нозима СИРОЖИДИНОВА,
Самарқанд вилояти.



қовоқларининг шиллик пардасига сувли пуфакчалар тошади. Пуфакчалар баданга тарқалади. Тошмалар касалликнинг 1-3 ҳафтасига келиб тушиб кетади ва ўрнида 2-3 ойгача пигментли доғлар сакланиб туради, лекин чандик қолмайди.

Бола сувчечак билан оғриганда унга кўпроқ витаминга бой таомлар ҳамда суяқлик бериш лозим. Беморга тез-тез сув ичириб, суяқ овқат ёки сабзавотлари эзиб пиширилган шўрва, шавла ва бўтқалар, сабзавот пюреси, кисель бериш мақсадга мувофиқ. Нордон ва аниқ таомлар, цитрус мевалар тавсия этилмайди.

Хонадонда бир боланинг сувчечакка чалиниши бошқаларга ҳам юқиши билан хавфлидир. Шунинг учун беморнинг хонасини алоҳида қилиш лозим. У боғчага борадиган бўлса, дастлабки ҳафтада уйда қолдирилгани маъқул. Сувчечакка чалинишга асосан, иммунитети паст болалар мойил бўлади. Катталар ҳам ушбу хасталик билан оғриши мумкин. Ҳомиладор аёллар, айниқса, касаллик юқишидан эҳтиёт бўлиш лозим. Беморда касаллик аломатлари сезилиши билан дарҳол шифокорга мурожаат қилинг.

Нурмаат АБДУЛЛАЕВ,
Самарқанд давлат тиббиёт институти клиникаси бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди:




— Майда сувли тошмалар билан намоён бўлиб, кўпроқ болаларни безовта қиладиган сувчечак — ўткир юқумли касаллик саналади. Одатда, касаллик ўткир иситмалаш, тери ва шиллик қаватларда тиник суяқлик тутувчи майда пуфакчалар топиши билан бошланади. У кўпинча ўн ёшгача бўлган болаларда учрайди.

Вируслар бемор йўталганда, гапирганда, акса урганда ҳаво орқали соғлом одамга ўтади. У юкори нафас йўллари шиллик қавати орқали танага кириб, шу ерда кўпаяди. Касаллик асоратлари боланинг инжик бўлиб қолиши, кўз хиралашиши, асаб тизимидаги ўзгаришларда намоён бўлади. Унинг яширин даври ўртача 11 кундан 23 кунгача давом этади. Тана ҳарорати 38-39 даражага кўтарилиб, беморнинг танасига, оғиз ва кўз

Адолат кўрғони одил бўлмас...

Учинчи ҳокимият деб аталмиш тузилма шаффоф,
ошқоралик тамойили асосида иш олиб бормас экан,
ҳалқнинг розилигига зинҳор эришиб бўлмайди

Бир деҳқон илми билан оламга машҳур бўлган авлиё инсоннинг олдига бориб, ерининг унумдор эмаслигидан арзи ҳол қилибди. Донишманд кўлига бир парча қоғоз олиб, нималарнидир битибди-да, уни деҳқонга узатиб: «Бу қоғозни экинзорингизга кўмиб қўйсангиз, кейинги йил яхши ҳосил беради, иншооллоҳ», — дебди. Деҳқон унинг сўзларига ишонмабди, аммо барибир айтганини бажарибди.



Бир йилдан сўнг у яна донишманднинг олдига келибди. Донишманд уни таниб: «Яна нимадан шикоят қилиб келдингиз», — дея сўрабди. Деҳқон эса: «Йўқ, бу сафар шикоят қилиб келмадим, сизнинг илмингиз, қароматингизга таҳсин ўқиб келдим. Бу йил ерим шундай ҳосил бердики, даромадим икки баробар кўтарилди. Агар сир бўлмаса, қоғозга нима деб ёзганингизни билиш учун келдим», — дебди. Шунда донишманд: «Агар бу йил ҳам яхши ҳосил бермаса, энг адолатсиз қозининг жасадини сенга кўмаман, деб ёзгандим», — дея жавоб берибди.

Ривоятдан аниқлашдики, адолатли ҳукм чиқармайдиган, порахўр қози шундай оғир гуноҳга ботадик, уни ҳатто ер ҳам ўз бағрига олишдан ҳазар қилади. Ҳозир қозиларни судья деб атаймиз, ном ўзгаргани билан уларнинг адолатли ҳукм чиқариш вазифаси ҳали ҳам сакланиб қолган. Лекин баъзи судьялар қозилик масъулияти, одоблари, нотўғри ҳукм чиқаришнинг гуноҳини унутиб қўйган, шекилли. Қунда-қунора «фалончи судья пора олибди», «писмадончи судья айбдорга ён босибди», деган гап-сўзлар бот-бот қулоғимизга чалинапти. Қозилик одоблари, адолатли ҳукм чиқариш усуллари ҳақида тариқатимизда кўплаб маълумот ва йўл-йўриқлар келтирилган. Хўш, қозилар қандай инсон бўлиши жоиз? Адолатли ҳукм чиқариш учун нималарга эътибор бериши керак?

Қози овоз шахс бўлиши керак

Мухаммад (с.а.в.) айтганлар: «Қимда ким бирор мансабга лойиқ, софил, адолатли кишиларни тайинламай, бошқа бир кишини

тайинласа, у худого, пайгамбарга, мусулмонга нисбатан адолатсизлик қилган бўлади». Айниқса, қозилик макомини беришда софдил, билимли ва адолатли инсонларни танлаш жоиз.

Қозилар қандай инсон бўлишлари кераклиги ҳақида Бурхониддин Марғиноний «Ҳидоя» асарининг «Қозилик макоми» деган махсус бўлимида тўхталиб ўтган. Унда қозилар шарият илмини яхши билиши, овоз шахс бўлиши, мустақил қарорлар қабул қила олиши, адолат тарафдори, ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эгаллиги ҳамда ақли расо шахс бўлиши лозимлигига урғу берилган. Шунингдек, бу лавозимни эгаллаш мусулмон бўлмаган шахсларга, қуллар ва чўриларга, тухматчиликда айбланган шахсларга, оғир жиноят содир этганларга ҳамда вожа етмаганларга ман этилган.

Бундай макомга эришган шахслар ўз вазифаларини сидқидилдан, шарият қоидаларига асосланган ҳолда бажаришлари шарт бўлган. Уларга таъмағирлик қилиш, қариндош-уруғлари ва яқинларидан совға-саломлар олиш қатъиян маън қилинган. Қозилар Қуръони карим ва Ҳадиси шарифларни мукамал билувчи ҳамда фикхшунос олим ва шарият қонуналарини татбиқ қилувчи шахслар саналган. Бир сўз билан айтганда, бировнинг устидан ҳукм чиқариш, бир келишмовчиликни ажрим қилиш осон иш бўлмаган. Шу боис қозиликка имони бут, кўплаб эзгу фазилатларга эга, илми-маорифда камолга етган одамлардан тайин этилган.

Қорни оч бўлганда ҳукм чиқариш тақиқланган

Умар ибн Ҳаттобнинг Абу Мусо ал-Ашърийга мактуби қозилик

одоблари ҳақидаги илк манбадир. Уни европалар ҳам ўз тилига таржима қилиб фойдаланишган ва таълим муассасаларида фан сифатида ўқитилган. Унда ҳукм чиқариш ҳақида бундай дейилган: «Албатта, қозилик ишлари муҳкам фарзидир ва бардавом суннатдир. Қачон сенга ҳужжат келтирилса, уни яхши фахмлаб ол. Ҳақ равишан бўлган чоғда уни юзага чиқар. Ўтмайдиган ҳақ учун (орага тушиб) гапирини манфаат бермайди. Икки томон орасида юзининг, мажлисининг ва адолатининг бир хил қил. Токи, шараф сенинг жавринга тамаъ қилмасин ва заиф сенинг адолатингдан ноумид бўлмасин...»

Шунингдек, Бурхониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида ҳам адолатли ҳукм чиқариш усуллари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Китобда ёзилишича, қозиларга қорни оч бўлганда ва жаҳли чиққан маҳалда ҳукм чиқариш мумкин бўлмаган. Бундан ташқари, агар қози бида туриб адолатсиз ҳукм чиқарса, мансабидан бўшатишган. Бундай шахсларнинг авлодларидан ҳеч бирига қози бўлишга рухсат берилмаган.

Адолатли жағият қуриш учун, аввало, адолат кўрғони бўлиши судларни ислоҳ қилиш зарур. Чунки киши адолат истаб борган жойда ғиромчилар, порахўрлар ин қурган бўлса, у чорасизлик азобида қолади. Зеро, учинчи ҳокимият деб аталмиш тузилма шаффоф, ошқоралик тамойили асосида иш олиб бормас экан, ҳалқнинг розилигига зинҳор эришиб бўлмайди.

Ҳолли ХОНИМОВ,
Дехқонобод тумани бош имом-хатиби.

Ёлғондан йироқ юрсангиз, гуноҳингиз камаяди

БИРОН ЯНГИЛИКНИ ЭШИТГЕНИМИЗДА
УНИНГ РОСТ ЁКИ ЁЛҒОН ЭКАНИГА
АНИКЛИК КИРИТМАСДАН ТАРҚАТИШГА
ШОШИЛМАЙЛИК. ТОКИ, ЎЗИМИЗНИ
ГУНОҲГА БОТИРИБ, БОШҚА БИРОВНИ
ҚИЙИН АХВОЛГА ТУШИРИБ ҚЎЙМАЙЛИК

Бугунги ахборот асрида турли информация, маълумотлардан ҳоли яшаб бўлмайди. Айниқса, интернет сайтлари, ижтимоий тармоқларда қунига юзлаб янгиликлар билан танишиб, уларни яқинларимизга улашамиз. Аммо баъзан бу хабарларнинг рост ёки ёлғонлиги, ким томонидан тарқатилётгани ҳақида сира ўйлаб кўрмаймиз. Зеро, «ўргимчак тўри»да ростидан кўра ёлғон, сохта хабарлар кўп учрайди. Хўш, динимизда ёлғон сўзлаш ҳақида нима дейилган? Ёлғон хабар тарқатишнинг ажри қандай?

«Гуноҳи қабира» — қатта гуноҳ деган маънони англатади. Шу маънода, гуноҳи қабира — уни қилган одамга Қуръон қарим ёки ҳадисларда дўзахга кириш тайин қилинган гуноҳлардир. Имрон ибн Ҳусайндин ривоят қилинади: Расулulloх (с.а.в.): «Зино, ароқхўрлик, ўғрилик ҳақида нима дейсизлар?» дедилар. «Аллоҳ ва Унинг Расули билгучи», дедик. «Буллар фахш ишларидир. Уларнинг уқубати бор. Сизларга гуноҳи қабираларнинг қатгасини айтиб берайми? Аллоҳга ширк келтириш ва ота-онага оқ бўлиш, — дедилар-да, ёлғонлаб ётган эдилар, ўринларидан туриб ўтирдилар ва: — Ёлғон гап айтиш», дедилар.

Ёлғон хабар тарқатиш надоматга олиб келади

Аллоҳ таоло мўминларни бирор киши ҳақида ёлғондан ҳукм чиқариб қўямасликлари учун «Хужурот» сурасида қуйидагича марҳамат қилган: «Эй иймон келтирганлар! Агар фосиқ хабар келтирса, аниқлаб кўринглар, билмасдан, бир қавмга мусибат етказиб қўйиб, қилганингизга надомат чекувчи бўлманглар».

Бу ояти қарима мусулмонлар ҳаётидаги энг муҳим масалани муволажа қилади. У ҳам бўлса, хабарни қабул қилиш масаласи. Агар хабар Аллоҳдан ва Набий алайҳиссаломдан бўлса, сўзсиз қабул қилиш вожибдир. Қабул қилмаганлар гуноҳқори азим, кофир бўладилар. Энди одамлардан хабар қабул қилишга келсак, бу бир неча турга бўлинади. Аввало, хабарчи динда, сўзида ўта ишончли киши бўлса, унинг хабари қабул қилинади. Хабарчи фосиқ бўлса, яъни умрида бирор марта ёлғон гапирган, шарият ҳукмларидан бирутасига амал қилмаган бўлса ёки унинг ишончли-ишончсизлиги маълум бўлмаса, дейликки, нотаниш одам ёки хабари синаб қўрилмаган кимса бўлса, унинг хабари текширилмай туриб, қабул қилинмайди. Бошқа ишончли манбалардан хабарнинг тўғрилиги собит бўлсагина, қабул қилинади.

Ояти қаримада агар бирон ёлғон хабарга таяниб нотўғри ҳукм чиқариб қўйсангиз, надоматга қоласизлар, деб айтилади. Шу ўринда яна бир савол туғилади: надомат ўзи нима? Надомат — афсусланишдир. Афсусланиш бўлганда ҳам домий, бардавом афсусланишдир. Яъники, ёлғон маълумотга ишониб, бир мазлумнинг устидан нотўғри ҳукм чиқариб қўйишдан сакланиш жонлигини айтиди. Агар жаҳл устидан шундай қилсангиз, бутун умр афсусда қоласиз, дея огоҳ этади.

Шунинг учун биродарлар бирон янгиликни кўрганимизда ёки эшитганимизда уни ким тарқатётганига эътибор берайлик, рост ёки ёлғон эканига аниқлик киритмасдан тарқатишга шошилмайлик. Токи, ўзимизни гуноҳга ботириб, бошқа бировни қийин ахволга тушириб қўйишдан эҳтиёт бўлиш даркор. Ёлғондан қанча йироқ юрсак, гуноҳимиз шунча оз бўлур.

Ғайрат БОЗОРОВ,

Қашқадарё вилояти, Дехқонобод тумани
«Оқработ ота» жоме масжиди имом-хатиби.

Бугун дунёни уммонда чайқалиб турган улкан кемага қийсаш мумкин. Айниқса, йирик давлатларнинг ў ёки бу минтақада таъсир доирасини кенгайтириш учун олиб бораётган курашлари, гидро куроллари тақомиллаштираётгани кўпчиликни хавотирга солмоқда. Жорий йилнинг 2 август кун АҚШ ва Россиянинг «Ўрта ва қиска масофага учувчи ракета­ларни йўқ қилиш тўғрисида»ги шартномасидан расман чиқиши, айниқса, Европада кучли акс-садо берди. Чунки ўртада низо чиққудек бўлса, бундан биринчи навбатда, «қўхна қитъа» азиат чекади.

БЕЗОВТА ДУНЁ ИЗТИРОБЛАРИ ёхуд куролланиш пойгаси яна давом этади...(ми?)

ТўПЛАР ТИЛГА КИРГАНДА ОДАМЛАРНИ ЎЛДИРАДИ. ЖИМ ТУРГАНДА ЭСА ЎЗ ЯРАТУВЧИСИНИ ХОНАВАЙРОН ҚИЛАДИ. ХАТТО ТИНЧЛИК ДАВРИДА ХАМ ВАЙРОН ҚИЛИШ УЧУН ЯРАТИЛГАН КУРОЛ ИКТИСОДИЁТНИ, ЯЪНИ БОЙ, ФАРОВОН ТУРМУШ КЕЧИРИШГА БЎЛГАН УМИДНИ ЯКСОН ҚИЛАДИ

Куролланиш: бугунги вазият қандай?

АҚШ ва Россиянинг ку­ролланиш стратегияси, дунёда олиб борилаётган табиий ресурслар учун очик ва пинхона курашлар ҳозирги пайтда бутун оламда харбий харажатларнинг ўсиб боришига сабаб бўлаётир. 2018 йил якунларига кўра, жаҳон бўйича жами харбий харажат­лар 1,739 триллион долларни ташкил этган бу — совуқ уруш тугагандан буён мутлақ рекорд ҳисобланади. АҚШ ушбу пой­ганинг мутлақ рекордчиси. 2002 йилдан 2018 йилгача Қўшма Штатлар харбий соҳага 3,4 трил­лион доллар сарфлаган. 2017 йилда йиллик харбий харажат борасида ҳеч бир давлат АҚШ сарфлаган маблағининг ярмига ҳам ета олмаган — 610 мил­лиард доллар. Бу бугун дунёдаги харбий харажатларнинг 35 фоиз­ини ташкил этади.

2018 йилнинг июлида АҚШ президенти Дональд Трамп Европа бўйлаб сафари доира­сида НАТО аъзоларини харбий харажатларни икки бараварга — яъни икки маҳсулотнинг икки фоизидан тўрт фоизга ошириш­га чакирди. Трамп АҚШ НАТО ичида ўз харбий харажатларини мунтазам ошириб бораётгани, иттифоқчилар эса бундай қи­лишмаётганидан норози бўлди.

Шартномада нима дейилган?

2019 йил 2 февраль кун АҚШ Россия билан тузилган «Ўрта ва қиска масофага учувчи ракета­ларни йўқ қилиш тўғрисида»ги шартномадан олти ойдан кейин чиқишини эълон қилди. Бунга жавобан Россия ҳам маз­кур шартномадаги иштирокини вақтинча тўхтатиб туришини маълум қилди. АҚШ томони­нинг таъкидлашича, битимнинг бузилишида Россияни айб­лаш керак. Зеро, Россия узок вақтдан буён шартномада таъкидланган ракета­ларни жойлашти­ра бош­лаган. Аммо Россиянинг эъти­розлари ҳам етарли. НАТОнинг беписандларча Россия чегара­лари томон кенгайиб бораётгани, Шарқий Европада ракета ҳу­жумидан мудо­фаа тизимларини жойлаштириш қарори, халқаро масалаларда Москва позиция­сини инкор этишига қаратилган уринишлар Россияни стратегик ракета ку­роллари­ни ривож­лан­тиришга ундамоқда.


Шу ўринда «Ўрта ва қиска масофага учувчи ракета­ларни йўқ қилиш тўғрисида»ги шарт­нома тарихига назар ташласак. 1987 йил сентябрда Вашингтон­да СССР тап­ки ишлар вазири Эдуард Шеварднадзе ўтказган музокара­ларда низо­хот му­ро­сага келинди. Ўша йилнинг 8 декабрь кун АҚШ ва СССР ўртасида «Вашингтон шартно­маси» имзоланди ва 1988 йил 1 июндан кучга кирди.

Шартномага кўра, томонлар ўрта (1 минг — 5,5 минг км.) ва қиска (500 — 1 минг км.) масо­фаларга мўлжалланган барча баллистик ва канотли ракета­лар мажмуаларини йўқ қилишга ҳамда келгусида бундай раке­таларни ишлаб чиқармаслик, синовдан ўтказмаслик ва жой­лаштирмасликка келишилди. Ҳужжатга мувофиқ, томонлар уч йил ичида 500 км.дан 5,5 минг километргача масофага мўлжалланган барча учир­иш ку­рил­малари ва ракета­ларини йўқ қилиши лозим эди. Ҳужжатда ракета­ларнинг йўқ қилиниш жа­раёни икки томон инспектор­ла­ри томонидан кузатиб турилиши кўзда тутилган.

Шартнома кучга кирганидан сўнг орадан 18 ой ўтгач, ҳар икки томон кичик масофага мўлжалланган барча ракета­ла­рини ва уларини учир­иш ку­рил­маларини йўқ қилди. Уч йил давомида эса ўрта масофага мўлжалланган ракета­лар ҳам йўқ қилинди. 1991 йил июнига келиб шартнома тўлиқ бажарил­ди: СССР 1 минг 846 та ракета мажмуасини (уларнинг ярмига яқини ишлаб чиқарилган, лекин жанговар навбатчили­ка бўлма­ган ракета­лар), АҚШ эса 846 та мажмуани йўқ қилди.

Ўзаро айбловлар қанчалик ҳақиқатга яқин?

2007 йил 15 февралда Россия ку­ролли кучлари бош штаби бош­ли­ги, генерал Юрий Ба­луевский Шарқий Европада АҚШнинг ракетага қарши му­до­фаа тизимлари жойлаштири­лишига жавобан, барча шарт­номавий-ҳуқуқий тизим қайта кўриб чиқи­ли­шини билдирди. У, ҳусусан, Россия бир томонлама тартибда шартномадан чиқи­ши мумкинлигини айтди. Шунинг­дек, АҚШнинг ракетага қарши му­до­фаа тизимларини чеклаш тўғрисидаги шартномадан чи­



қиши ҳақидаги хабарга жавобан, Россия президенти Владимир Путин ҳам (2000 йил июнда) Россиянинг ушбу шартномадан чиқиш эҳтимоли ҳақида шунга ўхшаш баёнот берганди.

Хуллас, Москвада ҳам, Ва­шингтонда ҳам ракета­лар шарт­номасидан чиқиш борасида баҳона­лар етарли. Аммо яна бир фарз борки, Хитойнинг ке­ейинги пайтларда ракета­лар те­х­нологиясини яширинча ривож­лан­тириш ҳаракатлари туфайли АҚШ ва Россия шартномани бе­кор қилган ва энди келгуси­да бу мавзуда давом этадиган музокара­ларга Пекинни ҳам жалб этмоқчи. АҚШ прези­ден­ти Дональд Трампнинг ўрта ва қиска масофадаги ракета­ларга оид мулоқотлар ва битим­ла­рга Хитойни жалб этиш борасидаги баёноти бунинг яққол тасди­ги бўла олади. Аммо Хитой то­мо­ни бу каби битим­ларга яқин кела­жакда қўшилмоқчи эмас. «Ос­мо­ноети мамла­ка­ти» рас­мий­ла­ри ўз ихтиёрларида Москва ва Вашингтон каби катта сон­да­ги ракета­лар йўқлигини баён этди. Бироқ экспертларнинг фикрича, Пекиннинг ракета те­х­но­ло­гия­ла­рига оид стратегияси каттик сир сақланади ва хатто уларда мисли кўрилмаган даражада ракета­лар бўлиши мумкин.

Эйнштейн нима деган эди?

Албатта, ракета­лар шартно­масидан чиқиб кетиш ку­ролланиш пойгасига кўр-кўрона эргашиш маъносини англа­тмайди. Вашингтон ҳам, Москва ҳам «совуқ уруш» давридагидек ку­ролланишга зўр бермайди. Масалан, Кремль ўз хавфсиз­ли­гини таъминлашнинг арзон йўлларидан боришини ошқор қилди. Ахир ку­ролланиш пой­гасининг иқтисодий оқибатлари хар доим ҳам аялчли бўлганини

Москва унутганича йўқ. Дунёни 70 йил давомида ўзининг «тинч­лик­севар» сиёсати ва харбий қудрати билан зир-зир титратиб келган СССР парчаланиб кети­шининг сабабларидан бири ҳам ку­ролланиш пойгаси бўлганди.

XX асрнинг буюк олими Аль­берт Эйнштейн­дан «III жаҳон урушида қандай ку­рол қўл­лани­лади?» деб сўраганлариде: «Бил­мадим, лекин IV жаҳон урушида ягона восита — тошдан ясалган болта бўлади», — деб жавоб берган экан. Бу билан XX аср­нинг буюк физиги агар ядро за­монасида III жаҳон уруши со­дир бўлса, унинг оқибатида инсониятнинг ҳалокатга учраши ва Ерда ҳаётнинг сўниши образ­ли қилиб ай­тилади.

Бу сўзлардан сўнг, ўтган давр мобайнида оммавий кир­гиз ку­роллари янада қўшлаб ишлаб чи­қарилди ва тақомиллаштирилди. Натижада XX асрнинг 80-йил­лари охирига келиб тўпланган ядро ку­роллари­нинг захи­раси 50 минг ме­гатон тринитрогид­ро­ген ошиб кетдики, бу — II жаҳон урушида қўлланган барча тур­да­ги портловчи ку­роллاردан 10 минг марта кўп демакдир ёки бошқача айтганда, мав­жуд бўлган 65 мингдан зиёд ядро портлагичлари билан ер юзи аҳо­ли­сини 50 марта йўқ қилиб ташлаш мумкин. Ёки сайёра­ми­здаги хар бир киши бошига 3,5 тоннадан портловчи мод­да тўғри келади.

Ку­ролланиш солиқ тўловчилар зиммасига тушади

Маълумки, тўпла­лар тилга кирганда одам­ларни ўлдиради, жим турганда эса ўз яратув­чи­сини хонавайрон қи­лади. Иқтисодий нуқтаи назардан олиб қараганда, ку­рол ҳеч қачон ҳаракатсиз бўлмайди. Ҳатто тинч­лик даврида ҳам

вайрон қилиш учун яратилган ку­рол дунёга келиши билан­ок иқтисодиётни, яъни бой, фаровон турмуш кечиришга бўлган умидни яксон қи­лади. Маълумки, XX асрнинг кейин­ги ўн йилликларида ядровий ку­ролланиш пойгасининг авж олиши туфайли дунё порох тўлдирилган бочкага ўхшаб қолди. Булар, албатта, катта­катта маб­лағлар сарфлаш эва­зига амалга оширилди.

II жаҳон уруши туфайли дунё олтин захи­расининг 72 фоизини ўз қўлида тўплаб ол­ган АҚШ атом монополиясига эгаллик қилган ҳолда, ку­ролланиш пойгасини бошлаб берди. Унинг асосий мақсади — маз­кур ку­ролланиш пойгасига СССРни жалб қилиш ва уни келажақда иқтисодий жиҳатдан ҳалокатга учратиш эди. Москва ол­дида иккита йўл турарди: бири — АҚШнинг жаҳонда энг қудратли мамлакат эканини тан олиш; иккинчиси — иқтисодий жиҳатдан қашшоқ бўлишига қарамай, ку­ролланиш пой­га­си қўшилиш ва ўзини жаҳон социализм системасини ҳимоя қилувчи бирдан-бир қудратли давлат сифатида кўрсатиб, ҳукмронликка даъвогарлик қилиш эди. Раҳбарият иккинчи йўлни танлади. Ку­ролланиш пойгасининг авж олиши дунё бўйича бир қанча муам­мо­ларни келтириб чиқардики, буларнинг ижобий ечимини топиш инсоният ол­ди­да­ги қийин масалалардан бири бўлиб қолди. Саводсизлик, қашшоқ­лик, экологиянинг бузилиши, уй-жой танқислиги, озик-овқат етишмаслиги ва бошқа муам­молар шулар жумласидан.

Мухтасар айтганда, тарих­дан аччиқ ҳу­ло­са чиқарган ин­соният навбатдаги ку­ролланиш пойгасига зўр бер­мас­е­ра­к. Бу ҳам АҚШ, ҳам Россия ва шу каби давлатларнинг халқлари солиқ тўловчилари зиммасига оғир юк бўлиб тушади. Умид қиламизки, дунёнинг харбий-сиёсий жиҳатдан энг қудратли давлатлари муро­са йўлини топишда ва сайёра­ми­зда­ги тинч­ликка раҳна соладиган низолар содир бўлмайди.

Абдували
САЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.

Бир нуқтага тикилган кўзлар. Қалбада фақат ғалаба иштиёқи. Биргина хато барчасини ҳавога совуриши, йиллар давомидаги саъй-ҳаракатларни йўққа чиқариши мумкин. Шошма-шошарлик ярамайди. Муҳими, ҳаяжонни енгитиш ва ўзига бўлган ишонч билан ҳаракатланиш лозим.



Юксакка парвоз этган «Оққуш»

НАДЕЖДА ДУСАНОВАНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ

Бу каби ўйлар мусобакаларнинг якуний палласида ҳар бир спортчи калбидан ўтиши тайин. Саралаш босқичидаги мағлубиятлар спортчининг бу беллашувга тайёр эмаслигини кўрсатади. Аммо медаллар учун кечаётган баҳсдаги биргина ноқўя ҳаракат ғалабадан маҳрум этади. Шунинг учун босқичдан-босқичга ўтишгани сайин ҳаяжон ва мастулият залвори ҳам ортиб боради.

Надежда Дусанова — бу номни кўпчилик ҳавас ва фахр билан тилга олади. Унинг Олимпиада, жаҳон чемпионатларию гран-при беллашувларидаги чиқишларини олқиш билан қаршилайди. Чунки бу нозик жуссада юрт шаънини дунёга тараннум этган шижоат ва ирода мужассам.

«...тасодиф туфайли келиб қолдим»

— Енгил атлетикага тасодиф туфайли келиб қолганман, — дейди Надежда. — Мактабда ўқиб юрган кезларим устозим спорт билан шуғулланишимни маслаҳат берди. Унинг тавсияси билан енгил атлетика билан шуғуллана бошладим. Аввалига 100, 200 метрга югуриш бўйича мусобакаларда қатнашдим. Шу кезларда баландликка сакраш билан шуғулланувчиларнинг ҳатти-ҳаракатлари менда кизиқиш уйғотди. Бу ҳақда устозимизга айтганимизда ўзингни синаб кўришинг керак, деди. Шундан бошлаб енгил атлетиканинг баландликка сакраш тури билан шуғулланиб келяпман.

«...ҳаммасидан муҳими — оилам»

Ҳар бир катта марраларга бугун ташланган кичик қадамлар билан етиб борилади. Ғалабаю мағлубият эса спортчини ҳар томонлама тоб-лайли.

— Мен учун ҳар бир ғалабам қадрли, — дейди спортчи. — Биринчи ютуғимни мактабимизда

қўлга киритганман. Ўшанда мендан бахтли инсон йўқ эди. Кейинчалик Ўзбекистон чемпиони, жаҳон микс-сидаги мусобакалар ғолиби бўлдим. Уларнинг ҳар бири тинимсиз машғул-лотлар, меҳнат ва кучли сабр-тоқат меваси. Шунинг учун уларни бир-бирдан кам кўрмайман. Спортчида икки йўл бор: ғалаба ва мағлубият. Ютқазган кезларимда энг яхши дил-дани ота-онам беради. Уларнинг шу ишончи ҳам мени руҳлантиради.



Оилам барча ютуқларимнинг асл сабаб-чиси, бахтим ҳам, қувончим ҳам у. Мурабийим ҳаминша бир гапни такрорлайди: «Спорт билан шуғулланиш яхши, аммо, биринчи навбатда, оилангда фаровонлик бўлмаса, бирон натижага эриша олмайсан. Чунки у сени ҳаминша суяб тургувчи таянчдир. Ундаги бирон риштага путур етса, бу сенинг мағлубиятингдек гап». Ўтган вақт давомида бу ҳақиқатга амалда ҳам ғувоҳ бўлдим. Ҳозир 2 нафар қизим бор. Улар ҳам мен билан машғулотларга боради. Спортга кизиқишини кўриб ичимдан суюнаман.

Рақиб бўлгани яхши

Ўзбекистон енгил атлетикаси, хусусан, баландликка сакраш спорт тури ҳақида гап кетса ҳаминша Светлана Радзевил ва Надежда Дусанова номлари бирга тилга олинади.

— Светлана Радзевил билан 14 ёшимда учрашганман, — дейди

Н.Дусанова. — У спортга мендан анча олдин келган. Биз бир вақтнинг ўзида дугона ва рақибларимиз. Спортда сен билан баҳсга кириша оладиган рақибнинг бўлиши бу энг яхши мотивация. Ундан ортда қолмаслик, ғалабага эришиш учун ўзингда куч топасан. Мен Радзевилни яхши спортчи ва яхши инсон сифатида ҳурмат қиламан.

Танани ақл билан бошқариш керак

Енгил атлетиканинг турлар-и кўп. Югуриш, улоқтириш, баландликка сакраш ва ҳоказолар. Аммо улар ўзига хос хусусиятлари билан фаркланади. Хусусан, баландликка сакраш спортчидан чакконлик ва қатъиятга талаб қилади. Гавданинг ҳар бир аъзосини ақл билан бошқармасангиз забт этилиши керак бўлган баландлик сизга бўйсунмайди. Ички хотиржамлик, ўз-ўзини бошқара олиш, мушохадани бўлиш буларнинг барчаси спортчини ғалабага янада яқинлаштиради.

Шароитлар етарли эмасди

— Авваллари машғулотларни олиб боришимиз учун шароитлар етарли эмасди, — дея сўзида давом этди спортчи. — Яқинда «Пахтакор» стадионида енгил атлетика билан шуғулланувчилар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Буни биз каби яна минглаб чемпионлар етишиб чиқиши учун яратилган замин, деб биламан. Айни пайтда жорий йил куз фаслида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўряпмиз. Унда муносиб иштирок этиб, ғолиб бўлишни мақсад қилганмиз. Токиода бўлиб ўтадиган Олимпиадага тайёргарлик ҳам пухта олиб бориляпти.

Садокат МАХСУМОВА
«Mahalla»

ТАНЛОВ

14 нафар шеърхон раис финалда беллашади

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг қўшма қарорига, асосан, ташкил этилаётган «Маҳалла раислари ўртасида шеърхонлик танлови»нинг иккинчи, яъни худудий — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари якунланиб, навбат танловнинг финали — республика босқичига етиб келди.



Таъкидлаш жоизки, танловнинг дастлабки туман (шаҳар) ва худудий босқичлари маҳаллаларимизда адабиётга меҳр қўйган, буюк алломаларимиз, адиб ва шоирларимизнинг маънавий мероси, ижодий фаолияти ҳамда ибратли ҳаётидан яхши хабардор раислар кўпчилигини кўрсатди. Маълумот ўрнида айтиш лозимки, ушбу шеърхонлик баҳсига қатнашмаган раис қолмади. Танловнинг жорий йил июль ойининг иккинчи ўн кунлигида ўтказилган туман (шаҳар) босқичларида эса маҳаллалараро саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтган жами 1784 нафар йигитлар раислари иштирок этишди.

Жорий йил август ойининг биринчи ўн кунлигида танловнинг худудий — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида шаҳар, туман босқичлари ғолиблари бўлган 200 нафарга яқин иштирокчи куч синашди.

Қизгин баҳslashувлар билан ўтган худудий босқичларнинг 14 нафар ғолиблари танловнинг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган республика босқичига йўланма олдилар.

Бир сўз билан айтганда, «Маҳалла раислари ўртасида шеърхонлик танлови» маҳаллаларда адабий муҳитни шакллантириш, маҳалла аҳлининг китобхонлик ва шеърятга бўлган кизиқишларини ошириш ижодкор раисларни рағбатлантириш ва ўзаро тажриба алмашиш майдонига айланди.

Барча шартларда юкори ўринларни қўлга киритган маҳалла раислари махсус диплом, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг қиммат-баҳо совғалари билан тақдирланмоқдалар.

Танловнинг республика босқичи август ойининг иккинчи ўн кунлигида, Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Зулхумор ЖЎРАЕВА,
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши бош мутахассиси.

Дарёлар доим ўзанини ўзгартириб туради. Амударё тарихида ҳам бир неча бор шундай бўлган. Бунинг натижасида дарё ўртасида бир қанча ороллар пайдо бўлган. Уларнинг энг каттаси ва кишиларни доим ўзига қизиқтириб келадигани бу — Пайғамбар оролидир.

Ўзбекистондаги Пайғамбар ороли ҳақида эшитганмисиз? Унинг сири нимада?



Оролнинг қандай пайдо бўлгани ҳақида аниқ маълумот йўқ. Лекин у билан боғлиқ кўплаб афсона ва тарихий битиклар мавжуд. Жумладан, XVII асрда яшаган балхлик машҳур комусий олим Маҳмуд ибн Валий «Сирлар денгизи» асарида Термиз яқинидаги ушбу орол ҳақида тўхталиб ўтган. Хусусан, у ерда Ҳаким ат-Термизий билан Ҳизр алайҳиссалом кўришгани ҳақида ёзиб қолдирган.

Ҳаким ат-Термизийни илм излаб келган...(ми?)

Ривоятларда айтилишича, Термизий бобомиз илм олиш учун уйдан олисга кетишга чоғланади. Аммо онасининг тоби қочиб қолгани сабаб ортга қайтишга мажбур бўлади. Ҳаким ат-Термизий ёшлигида илм олишга чанқок бўлиши билан бирга, онасини ҳам қаровсиз ташлаб кета олмайдди. Онасига қарашни илм олишдан устун қўяди.



Шундай кунларнинг бирида Термизий бобомизни уйига яқин тепаликда турган соч-соқоли оппоқ нуруний ёнига қорлайди. Ул зоти муборак Ҳизр пайғамбар билан кўришиб, бир муддат суҳбатлашади. Бу ҳолат уч кун давом этади. Ана шу вақтда Термизий бобомиз зарур илмни ўзлаштириб олгани айтилади. Одамлар бу ривоятни ёдга олар экан, Термизий илм олиш учун ўз вақтида олис юртларга бора олмади, лекин у кишининг онасига бўлган меҳри ва илмга бўлган ташналиги сабаб илмнинг ўзи у кишини йўқлаб келган, дея эътироф этади. Тарихий маълумотларда оролнинг

Ҳаким ат-Термизий билан Ҳизр алайҳиссаломнинг учрашув жойи бўлгани айтилади, дедик. Агар юқоридаги ривоятга таяниб фикр юритсак, Термизий бобомиз Пайғамбар ороли яқинида яшаган. Орол эса ўша вақтда тепалик бўлган ва шу сабаб дарё ўзанини ўзгартирганда сув остида қолиб кетмаган. Натижада ҳозирги орол пайдо бўлган.

Ривоятларда Пайғамбар ороли дарё киргоғига нисбатан пастлиги, шунга қарамадан серёғин баҳор фаслида ҳам у ерни сув босмаслиги айтилади. Оролнинг биз бевосита кузатишимиз мумкин бўлган сири ҳам шунда.

Унинг номланиш тарихи ҳам ўзига хос. Оролда ислом дини улуғларидан бири дафн этилган. Бу қабр устида эса VI-VII асрларда яшаб ўтган тарихий шахс — Зул-Кифл алайҳиссаломнинг масжиди бўлган. Шу сабаб у Пайғамбар ороли деб номланган.

Оролдаги Зул-Кифл макбараси турли даврларда бунёд этилган гумбазли катта масжид ва жануб тарафдан туташган сағанали хилхона ҳамда ғарб томондан бириктирилган икки хонадан иборат. Масжид мураббаъ тархли, олди пештоқли, безаги гишт қорғул ва арча тарзида терилган. Масжид меҳробига ганч гирих нақш ишланган. Макбара 2018 йилда реконструкция қилиниб, обод бўлди.

Оролнинг яна бир эътиборли жиҳати унинг мўъжизакор табиати билан боғлиқ. Худуди 4 минг гектар бўлган оролнинг узунлиги 8, эни 5-6 километрни ташкил этади. Ана шу ҳудудда табиатнинг бетақрор мўъжизаларига дуч келиш мумкин. Асосан каминшор, гўкай ва қумлардан иборат оролда турфа ҳайвонлар эркин, ёввойи ҳолда яшайди. Ўтган асрнинг 70-йилларида у ерда табиатни муҳофаза қилиш мақсадида кўриқхона ташкил этилган. Табиат ва тарихий топиалмалар шайдои бўлган сурхонлик ижодкор Менгизё Сафаров оролда маълум муддат фаолият олиб боради. Ўша ерда яшайди. Унинг табиати, тарихи ҳақида асар ёзган.

БУ ҚИЗИҚ

ДАЛВАРЗИНТЕПА ХАЗИНАСИ: уни нега шу вақтгача кўрмаганмиз?



ДАРВОҚЕ...

Далварзинтепадан топилган кўплаб ноёб топиалмалар Япония, Жанубий Корея, Швеция, Франция каби дунёнинг бир қанча давлатларидаги экспозицияларда намойиш этилган. Бу кўргазмаларга, айниқса, японлар катта қизиқиш билдирган. Бунинг ҳосиласи ўларок, япон сайёҳларининг аксарияти айнан Далварзинтепа ёдгорликларини кўриш учун келяпти.

Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида жойлашган Далварзинтепа ёдгорлиги 50 йилдан буён археологлар томонидан тадқиқ этилмоқда. Бу тадқиқотлар ва ўрганишлар давомида топилган ашёлар тарихимиз нақадар бой эканидан далолат беради. Тарихий экспонатлар орасида ҳам моддий, ҳам маданий жиҳатдан қимматли-си Далварзинтепа хазинасидир.

Хазина қандай топилган?

— Шўрчи туманидаги Далварзинтепа Кушонлар даври маданиятининг машҳур ёдгорлиги саналади. Тепаликда ўтган асрнинг 60-йилларидан кейин қазилма ишлари бошланган, — дейди Термиз давлат университети Тарих факультетининг магистратура йўналиши иккинчи босқич талабаси Саидвали Султонов. — 1972 йилдаги қазимиша ишларида академик Эдвард Ртвеладзе бошчилигидаги бир гуруҳ археологлар оғирлиги 36 кг бўлган олтин буюмларни топади. Кичик кўзадаги хазина қадимий шаҳар уйлардан бирининг поли тагига кўмиб қўйилган экан. Кўзада олтиндан тайёрланган сиргалар, билакузуклар, камарбандлар, узуклардан иборат 115 та буюм бўлган. Уларнинг ҳар бири, аввало, санъат асари сифатида бебаҳо аҳамиятга эга. Чунки олтин безаклар зўр маҳорат билан тайёрланган. Улар гўзаллиги, нафислиги, жимжимдорлиги ва нозик ишланганлиги билан кишини лол қолдиради. Хазина орасидаги камарбандларда афсонавий ҳайвонлар тасвирланган. Бу топиалдик Кушонлар даврида Бактрияда заргарлик санъатининг юқори даражада тараккий этганидан далолат беради.

Далварзинтепа хазинаси қаерда сақланади?

Яқин ўтмишимиздан маълумки, ўтган асрда истилочилар юртимиз бойликларини турли йўллар билан ўз ватанига олиб кетган. Улар баъзан қимматбаҳо топиалмаларни олдий одамлардан арзон-гаровга сотиб олган бўлса, гоҳида шунчаки

ўзига тегишли буюмдек чўнтагига уришган. Не ажабки, ўша замонда топилган Далварзинтепа хазинаси юртимизда сақлаб қолинади.

— Тарихда яхши биласизки, ўтган асрнинг 70-80-йилларида юртимиз сиёсий ҳаётини Шароф Рашидовсиз тасаввур қилиб бўлмайди, — дейди С.Султонов. — Назаримда, Далварзинтепа хазинасини сақлаб қолишда Шароф Рашидовнинг хизмати бор. Чунки олдий сопол идишни ҳам юртимизда қолдиришни истамаганлар бундай катта хазинадан осонтгина кечиб кетмагани аниқ. Эҳтимол, хазина бошқа инсонлар сабаб сақлаб қолингандир. Нима бўлганда ҳам мана шу тарихни ўрганишнинг ўзиёқ биз, ёшларга улкан сабоқ бўлишига ишонаман.

Кушонларнинг илк пойтахти

Далварзинтепадан Будда ибодатхонасининг қолдиқлари, гипседан ишланган ажойиб хайкаллар, Будданинг боши, қимматбаҳо фил суягидан тайёрланган шахматнинг икки донаси ҳам топилган. Топиалмалар орасида Кушонлар императори Вима Кадфиз тасвири туширилган муҳр катта аҳамиятга эга. У Далварзинтепа Кушонлар давлатининг илк пойтахти бўлганидан далолат беради.

Мазкур муҳр машҳур япон археологи, марҳум Като Кюдзо ҳамда таниқли олим Баҳодир Тургунов иштирокидаги қазималари вақтида тангалар, ғалати шаклга эга бўлган тутқичли тангасимон буюм каторида топилган. Бу ноёб топиалма Сурхон воҳаси Кушонлар империяси даврида анча муҳим аҳамиятга эга бўлгани, маъмурий-сиёсий марказга айлантирилганини исботлайди.

Саҳифани «Mahalla» муҳбири
Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ тайёрлади.

Тошкентда ҳайдовчилар бир ҳафтада 15 мингдан ортиқ қоида бузди.

ТАЪЛИМ

«Халқаро математика мактаби»га кимлар қабул қилинади?



— Ўғлим бу йил 6-синфни тугатди, математика фанига қизиқади. Яқинда вилоятимизда «Халқаро математика мактаби» ташкил этилгани ҳақида эшитдим. Айтинг-чи, унга кимлар қабул қилинади?

Санобар АЗИМОВА,
Бухоро вилояти.



Ихтиёр МАХМАТҚУЛОВ,
Халқ таълими вазирлиги бош мутахассиси:

— Вазирлар Маҳкамасининг «Бухоро вилояти Қорақўл туманида «Халқаро математика мактаби»ни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан Қорақўл туманидаги 1-сон ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатида «Халқаро математика мактаби» мақоми берилди.

Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда аниқ ва табиий фанлар, шунингдек, чет тилларни чуқур ўқитиш, ўқувчиларнинг ижодий салоҳиятини намоён қилиш ҳамда уларни республика ва халқаро фан олимпиадаларига катнашишга тайёрлаш халқаро мактабнинг асосий вазифаларидан этиб белгиланди. 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб мактабнинг 7-синфига 90 нафар ўқувчи қабул қилинади.

Халқаро мактабда математика фанига қизиқувчи хорижий мамлакатлар фуқаролари ҳам шартнома асосида таълим олишлари мумкин. Шунингдек, ўқувчиларга янада чуқурроқ билим бериш мақсадида халқаро мактабга хорижий мамлакатлардан ҳам ўқитувчиларни ишга қабул қилишга рухсат этилди. 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб халқаро мактаб директори, ўринбосарлари ва ўқитувчиларига бюджет маблағлари ҳисобидан 100 фоиз қўшимча устама ҳақ тўланади.

ҲУҚУҚ

Кредитга олинган уйни сотса бўладими?



— Уйимни кредит асосида сотиб олганман. Ҳали кредит суммасини тўлиқ тўлаб бўлмадим. Лекин уни сотмоқчиман. Айтинг-чи, Ипотека кредитига олинган уй-жойни сотиш мумкинми?

Зайниддин ХОЛИҚОВ,
Тошкент вилояти.

Фуркат ТОЖИЕВ,
Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи:

— Фуқаролик кодекси, «Ипотека тўғрисида»ги қонунга ҳамда «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага мувофиқ, банкнинг имтиёзли кредитига олинган намунали уй-жойни кредит қарздорлигини сўндирмасдан бошқа шахсга фақат банкнинг розилиги билан сотиш мумкин.

«Гаров тўғрисида»ги Қонун ва «Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан, ёш оилалар учун қурилган ёки реконструкция қилинган уй-жойларни харид қилиш учун ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисида»ги низомига мувофиқ расмийлаштирилган ипотека шартномасига уй-жойни ўзини гаров сифатида қўйилгани сабабли, қарз шартномасини тўлагандан кейин ёки банк ва миқознинг ўзаро келишуви асосида, яъни банкнинг розилиги билан бошқа шахсга сотиш мумкин.



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Таълим кредити кимларга берилади?



— Фарзандим бу йил контракт асосида ўқишга кирди. Бундан жуда қувондик. Аммо катта ўғлим ҳам контрактда ўқийди. Банклар томонидан олий таълим муассасалари талабаларига таълим кредитлари берилиши ҳақида эшитгандим. Бу кредитни олиш тартиби қандай ва у кимларга берилади?

Озода ТУРДИЕВА,
Самарқанд вилояти.

Нурбек ТОШКАНОВ,
Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти катта маслаҳатчиси:

— Таълим кредитлари талабалар учун бакалавриятга ўқишга қабул қилинганда 10 йилгача, магистратурага ўқишга қабул қилинганда 5 йилгача бўлган муддатта берилади. Бундай кредитлар банклар томонидан чин етимлар, Меҳрибонлик уйларида тарбияланганлар ҳамда болаликдан I ва II гуруҳ ногиронларига — ноль фоиз ставкаси билан тақдим этилади. Талабаларнинг қолган тоифаларига эса Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз ставкалари



белгиланади.

Таълим кредити олиш учун банкка ариза, тўлов-контракт шартномаси, кредитни қайтаришнинг таъминланиши тўғрисида ҳужжат, имтиёзли таълим кредитлари олиш ҳуқуқига эга бўлган чин етимлар, Меҳрибонлик уйларида тарбияланганлар, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари, кам таъминланган оилалар фарзандлари тегишли ҳужжатларни тақдим этиши керак. Қарз олувчи юқоридаги ҳужжатларни банкка тақдим этиш билан аниқ бир вақтда паспортини шахсан кўрсатади. Банк паспортдан ва тақдим этилган бошқа ҳужжатлардан зарур қўчирмалар ва нусхалар олишга ҳақли.

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ

Кимлар исталган пайтда таътилга чиқиши мумкин?



— II гуруҳ ногирониман, корхонада йил бошида меҳнат таътилига чиқиш навбати тузилган эди. Ўша пайтда мен октябрь ойида таътилга чиқишим ҳақида ёзган эдим. Аммо энди оилавий шароитим сабаб таътилни белгиланган вақтдан бошқа вақтда олишимга тўғри келяпти. Энди таътилни ёзда олишим мумкинми?

Салима АКБАРҚУЛОВА,
Наманган вилояти.

Амрулло АХМЕДОВ,
Тошкент шаҳар адвокатлар палатаси бўлим бошлиғи:

— Ҳа, мумкин. I ва II гуруҳ ногиронларига, шунингдек, куйидаги ходимларга таътил уларнинг хоҳишига кўра ёзи ёки улар учун қулай бўлган

бошқа вақтда берилиши керак:

- Ён тўрт ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ болани (ён олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли харбий хизматни



ўтаётган харбий хизматчиларнинг хотинларига;

- 1941-1945 йиллардаги уруш катнашчиларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга;

- Ён саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;

- таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганларга;

- жамоа шартномаси, келишувидан назарда тутилган бошқа ҳолларда.

ТАДБИРКОРЛИК

«Фахрий фуқаро» мақоми кимларга берилади?



— Хорижда яшовчи дўстим юртимизга инвестиция кириштириб, хусусий тибиёт муассасаси ташкил этмоқда. Бунинг учун унга қатор имтиёзлар ҳам берилган. Яқинда бундай инвесторларга «Фахрий фуқаро» мақоми берилиши ҳақида эшитдим. Шу тўғрими?

Нодир АХМЕДОВ,
Тошкент шаҳри.

Дилмурод РАҲАБОВЕВ,
ҳуқуқшунос:

— Ҳукуматнинг «Фахрий фуқаро» мақоми бериш тартиби тўғрисида»ги қарорига кўра, ушбу мақом икти-содиёт, фан, маданият



ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳанинг ривожланишига катта инвестиция қиритган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида хайрия фаолиятини амалга ошираётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга берилади.

Ушбу мақом Президент ташаббуси билан берилиши мумкин. Бунда қарор Сенат томонидан қабул қилинади, гувоҳнома эса Сенат раиси томонидан имзоланади ва топширилади. Агар ушбу ташаббус давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари томонидан берилган бўлса, қарор тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилар томонидан қабул қилинади. Ушбу мақом Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш учун асос ҳисобланмайди.



МУАССИС:
ФУҚАРОЛАРНИНГ
ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ БЎЙИЧА
РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ



ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
ГАЗЕТА



Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
2017 йил 6 сентябрда
0019 рақами билан
қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр
АБДУСАТТОРОВ
Нашр навбатчиси: Р. Юсупов
Мусахҳиҳлар: Н. Азимова,
М. Назарова
Навбатчи: С. Турсунов
Дизайнерлар: И. Болтаев
Ш. Бароқов

Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳкўчаси, 59-уй. Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Котибият: 71 237-56-80,
Факс: 71 233-10-73.
Баҳоси келишилган нархда.

Газета таҳририят компьютер марказида
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.
Формати — А-3, 8 босма
табқ.
22 952 нусхада чоп этилди.
Буюртма Г-845
Топширилди — 00:50